

## Омина Шенликўгли

### Имомнинг манекен қизи (1-qism)

Ёшлик кексаликнинг кўзгусидир.

Кўзгудаги аксдан рози бўлмаган киши,  
кўзгудан эмас ўзидан ҳисоб сўраши лозим.

Томдаги қорлар эриб, уй ичига томчилаб, ҳамма ёқни хўл қилганди. Хонадоннинг қизи Фотима чакка ўтаётган ерларга идишларни қўяр, ҳам тинмай нолирди.

- Тўйиб кетдим ахир, тўйиб кетдим. Ойи, мени эшитяпсизми? Эрингизга айтинг бизни тузукроқ уйга жойлаштирсин энди.

Фотима бутун кин ва нафрати билан нолишда давом этарди.

- Уйимиздан уяладиган бўлиб қолганман. Ҳатто ўртоқларимни ҳам таклиф этолмайман.

Икки хонаси ва зали бўлган масжид ётоқхонасида онаси доим шу сўзларни эшитарди. Жигарбандининг бу гапларидан қаттиқ ранжир ва

- Қизим, болажоним, шунга ҳам шукур қилишимиз керак. Бошпанасиям бўлмаганлар бор. Даданг яқинда келиб қолади. Охирги ракатни ўқишаётган бўлишса керак. Овозинг масжидга эшитилиши мумкин, сал секинроқ гапир, - дерди.

Фотима сув билан тўлган идишларни бўшатар экан, янаям жаҳл билан гапирди:

- Ҳар доим битта гап. Даданг эшитади, даданг эшитади. Эшитсин. Ким эшитса эшитсин. Бошқа чидолмайман. Нима дадам мени сўраб олибдими? Ёки сиз мени сўраб туққанмидингиз? Ичимдан бошқа гаплар ҳам келяпти-ю, лекин... Тавба, тавба. Бундай ҳаётга бошқа бардош беролмайман деб неча маротаба айтдим. Бардош беролмайман. Бу дунёга келаётганимда мендан ҳеч ким сўрамаганди.

- Қизим сен ақлингни еб қўйибсан. Аллоҳ ўз асарини яратаркан, нега сендан сўрасин. Сен манави гулларни боққа экишингдан аввал, улардан сўраганмисан,

балки улар ҳам бу дунёда яшашни хоҳлашмас. Манави курсини у жойдан бу жойга олаётганингда курсидан сўраганмисан? Балки у ҳам у ерни хоҳламас. Сен учун боққа эккан гулинг қандай бўлса, Аллоҳ учун сен ҳам шундайсан.

Муштипар она хўл бўлиб кетган полни латта билан артиб, сувини челаққа сиқаркан, қизига деди:

- Қизим, сендан қандай қилиб сўрардик, дунёга келишдан олдин йўқ эдинг-ку.

Фотима ўйлаб ҳам кўрмасди. Ҳаёт чархпалаги бутун Фотималарни исён эттириш учун айланарди гўё.

- Бир кун дадамга... уй ичида у сўзини тугатмай у ёқдан бу ёққа юрар, тез-тез масжид эшигига қараб қўярди.

Сўнгра яна тўхтамай гапиришда давом этарди.

- Табриклайман, битта шом намозини роса чўздирдилар-да. Ўша ўлик ювадиган эрингиз келиб аҳволимизни кўриб қўйишини хоҳлайман. Ишимни шунча чўзиб қилсам ҳам келмаяпти.

Фотиманинг онаси Гул хоним қизини илк маротаба кўраётгандай анграяр, тилига сўз келмасди. Боласига ғамгин ҳолда бошдан оёқ разм солгач, деди:

- Асло! Дадангинг олдида бундай дея кўрма! Бечора юрак хуружидан тамом бўлади-я.

- Менга нима! Нима отамни пулга сотиб олибманми? – жавоб берди Фотима асабийлашиб.

Гул хонимнинг қаттиқ ранжиганини швабрага бор гавдасини ташлаб, беҳол турганидан ҳам билса бўларди.

- Бу нима деганинг? Пулга сотиб олганингда отанг қадрлироқ бўлармиди сен учун? Ўшанда ҳурмат қилармидинг отангни?

Фотима ўзининг нолишларига турли йўллар билан сабаб қидираркан, латтани сиқиб, сақичини чапиллатганча деди:

- Давлат отамни аллақачон сотиб ҳам олган. Яна шунақанги арзонга олганки. Уч-беш сўм учун ҳамма давлат одамлари ҳафтада 48 соат ишласа, эрингиз эса 320 ёки 350 соат ишлайди.

Фотима кўп китоб ўқиган зеҳли қиз. Бутун Қуръонни ёд олган. Баъзан ўйламай гапирарди. Гул хоним сиқилганиданми, ҳар нечук унинг гапига тушунмай сўради:

- Шунча соатни қаердан олдинг?- дея сўради.

Онасига ўқрайиб қараб қўйгач, у жавоб берди.

- Ҳа нима, ёлғонми? Масжиддан бери келолмайди-ку. Кечаю кундуз шу ерда бўлса. Бирорта қони бузиқ гиламни ўғирлаб кетмасин деб, пойлоқчилик қилиб ўтиради. Сассиқ ўликларни ювиб, сувини тўкмайдими? Топганида барака йўқ. Тортаётган азобларимизга қаранг. Эрингизнинг соясида ит чекмайдиган азоблар бошимизга тушяпти.

Гул хонимнинг кўнгли жуда оғриган, гапларини ичига ютарди. У кўп ўйлаб, кам гапирадиганларданди. Ўқимаганди, лекин “манаман” деган ўқиганларни ҳайратда қолдирарди.

- Қизим, отанг оддийгина имом. Имомлик эса ихлос билан қилингандагина юқори мақом ҳисобланади. Уни ерга урма. Акс ҳолда Аллоҳ жанозангни ўқишга имом буюрмай қўяди. Шаҳид ҳам бўлмайсанки, жанозангни фаришталар ўқиса.

- Ҳа, мен ўтиб кетганимдан кейин ўқилишини биламан. Шундоғам ўқиганимиз фақат диний китоб бўлди.

- Майли сен шундай деб ўйлайқол, болам. Бир куни илмга аҳамият берганинда, нималарни ўрганганингни англаб етасан.

Фотима яна масжид эшигига қараб қўйди.

Масжид эшиклари унинг кўзига жудаям совуқ кўринар эди. Бу совуқ муносабатни у саккиз ёшидан бери ҳис қилади. Ўшанда Фотима масжид эшиги ёнида ўйнаётган эди, икки кишининг гаплари қулоғига беҳос чалиниб қолган. Қўлида сумка ушлаб олгани имомлардан қаттиқ нафратланишини айтган эди ўшанда. Шу шу Фотима отасига паст назар билан қарай бошлади. Обрўли одам имомликни ерга урганидан келиб чиқадики, имомлик замонавий касблардан эмас экан. Кейинчалик ҳам у отаси шу касби туфайли оғир кунларни бошидан кечирганининг гувоҳи бўлганди. Сургун йиллари, суд... Бундан ташқари жамоатда бирор киши у бу нарсани кўнгли хушламадими, дарров бориб шикоят

қиларди. Имомнинг қизи деб уни хўрлаганлари камлик қилаётгандай, энди томдан оқаётган сувлар билан овора...

Хаёли паришон бўлиб, у яна эшикка қаради. Бугун намоз вақти чўзилдими ёки унга шундай туюляптимикиан? Деразанинг ойнаси синган бўлгани учун дадаси у ерга без бўлагини боғлаб қўйган, деразанинг фақат бир тарафидан ташқари кўринарди.

Фотима ишини беҳафсала қилар эди. Унинг нияти чекаётган қийинчилигини дадасига кўрсатиш эди. Баъзи ишчилар сингари ўзини иш қилаётгандай кўрсатиб, бир ерда турмасди.

Сўнгра орқасига ўгирилиб кутубхонасига қаради. Ҳаммаёқ хўл бўлганди. Э-э, барибир уларнинг кераги йўқ эди, - деб ўйлади. Шуу-унча китоб ўқиб бирор фойдасини кўрибдими?! Бироқ у ўқиганлари йиллар ўтиб фойдаси тегишини билмас эди.

Ногоҳ унинг кўзлари рўпарадаги ёғоч уй деразасидан унга қараб турган оёғи ногирон йигитчага тушди. Йигит Фотима уни кўриниши учун анчагина чиранган. Фотима эса йигитни кўрган заҳоти онасига ўтирилди:

- Ойи!

- Лаббай қизим.

- Ойи, анави чўлоқнинг онасига айтиб қўйинг. Боласига тарбия бериб қўйсин, менинг асабимни бузмасин. Чўлоқлигига қарамай, бошимни айлантормоқчи бўлади. Мен кимман, у ким? Унга назар ташлармидим? Нима ўзининг ногирон эканлигини билмайдими, нега буни тушуниб етмайди?

Гул хоним ҳам жойида жавоб берди.

- Сенинг ҳам ақлинг ноқис, ўзинг билмайсан. У боладан ниманг устун экан.

Фотима юбкасини тиззасигача кўтариб кўрсатди.

- Қаранг, манекенларникидай оёқларим бор. Унинг оёғи эса юришга ҳам ожиз.

Онаси ишдан чалғимамай жавоб берди:

- Хўш, қандай фойдаси бор уларнинг. Энг чиройли манекен оёқлари ҳам отларнинг оёғига ўхшайди. Қанча кўп югурса, фойдаси шунча кўп бировларга тегади. Оёқ эгалари эса вақтичоғлик қилиш билан банд бўладилар. Ўша сен

ёқтирмаган йигитча сендайларнинг юзтасига арзийди. Ҳеч бўлмаганда унинг бурни осмондамас. Одамийлик чегарасини билади.

Фотима онасига ўшшайди:

- Аммо унинг мендан кўз узмаслиги кўнгли осмондалигидан дарак эмасми?

У яна бирдан асабийлашиб: - Ээ, у билан менинг нима ишим бор, аслида гапиришга ҳам арзимаёди у.

Отасининг келаётганини сезиб, Фотима полни артишга тушди.

Ёқуб имом зинадан худди елкасига тоғ опичлаб олгандай зўрға қийналиб чиқарди.

- Аллоҳим, менга кўтараолмайдиган юкни бермагин!

У ичкарига кириб, қизининг пол артаётганини кўрди-ю, кўзи билан изланди:

- Қаердасан, азизам?

Гул хоним швабрасини кўтарганча шошилиб чиқди:

- Лаббай, шу ердаман.

Ёқуб имом қўллари билан эшикка суянганича аёлидан сўради:

- Нега бу ерларни Фотимага тозалатяпсан? Намоздан кейин ўзим тозалар эдим.

- Ҳам қор эриб, ҳам ёмғир ёққани уйнинг ичини кўлга айлантириб юборди.

Ёқуб имом Фотимага; - Майли, қўявер, қизимни ранжитгандан кўра ўзим эрталабгача ишлаганим яхши.

Гул хонимнинг кўнгли оғриди.

- Ўзи уни эркалатворган сизсиз. Менинг дадам ҳам имом эдилар, лекин ота эканликлари билинарди. Бу хатти-ҳаракатингиз билан қизингиз...

Ёқуб имом аёлидан кўзларини узмаган ҳолича палтосини ечди. Айтмоқчи бўлганларини ичига ютди. Аёлига юзланиб, ғамгингина:

- Инсонийликнинг йўриғи гўзаллик ҳисобланади! – деди.

Фотима зални артиб бўлиб, онасининг олдига келди ва секингина минғирлади:

- Эрингизга айтинг, менга бунақа муомала қилмасин. Баттар жаҳлимни чиқаряпти.

Ёқуб имом ўзини эшитмаганликка олса ҳам, барини эшитаётганди. Фотима эса гапида давом этарди:

- Манави одамга айтинг, менга бунақа чиройли муомаласини қилмасин. Унинг бу ҳаракатидан баттар тутоқяпман.

Гул хоним ҳам шивирлаб гапирарди:

- Нима у фақатгина сенга яхши муомала қилармиди? У мусулмон бўлгани учун ҳаммага бирдай гўзал муомалада бўлади. Тўғри, сенга нисбатан ошириб юборади-ю, нима ҳам қилардик. Хўш, сени деб, қўпол муомала қилиши керакми?

Ёқуб имом қизи чакка артиб тўлдирган челакни қўлига олди. - Роса чарчагандирсан? – деб сўради.

Фотима жаҳлини яшириб ўтирмади:

- Ҳар доимги аҳвол. Ўрганиб ҳам қолдик ўзи бу шармандагарчиликка. Бошқа жойларда ҳам аҳволимиз яхшироқмиди, нима?

Ёқуб имом челакни бўшатар экан, вазмингина деди:

- Чекаётган дарду-аламинг кўпаяётган бўлса, демак савобинг ҳам ортяпти.

Фотима отасига юз ўгирган куйи:

- Азобланишдан савоб олишни ният қиладиганлар бўлмаса-ку...- деди кесатиб:

- Ҳеч ким ўзига ўзи қийинчиликларни сўраб олмайди, қизим. Қийинчиликлар келади, лекин сен улардан Аллоҳга шак келтирмай, нолимай...

Фотима ўқрайганча отасининг гапларини бўлди:

- Биладан, нолимасдан, ўша қийинчиликларга сабр қилсанг, савоб оласан демоқчисиз яна.

- Йўқ ундай демоқчимасман. Нолимасдан ўша қийинчиликлардан қутулишнинг йўлини қидириш керак. Бирор чораси топилса ҳам, топилмаса ҳам савобини оласан, демоқчи эдим.

Фотима эса “менга савобнинг кераги йўқ” демоқчи бўлди-ю, ўзини зўрға тутди. Дадаси Аллоҳ, охират ёки ибодатдан сўз очганда унинг юраги сиқилади. Ёқуб имом ҳам буни яхши билади. Шунинг учун бу мавзуларда камдан кам оғиз очади.

Уйни тозалаб бўлишди ҳамки, Фотиманинг юзи ёришай демасди. Ёқуб имом столга бағрини берган куйи ўзи муҳим санаган воқеаларни қоғозга тушириб ўтирар эди.

Унинг ичи тўла дард-у, ёриладиган кимсаси йўқ. Бироз ўтгач аёлидан ширинсўзлик билан айрон сўради.

Гул хоним эрининг олдига келиб,

Нега бундай қиласиз? Бирор мартаба қизингиздан ҳам сўрасангиз нима қилади? - деди:

Ёқуб имом бошини чангаллаганча чуқур хўрсинди.

- Ундан сўролмайман. Кейин рафиқасининг қулоғига шивирлаб давом этди. – Биламан, у суюниб бермайди. Ўша айронни ҳам зарда билан беради. Ўша айрон ҳам захар бўлиб киради ичимга. Сен айтсанг-ку унчалик оғир ботмайди. Лекин ўз фарзандимдан у гапни эшитиш ичимни ёндиради, у ёнгин эса сен билган ёнгинлардан эмас.

\* \* \*

Фотима бемахал бўлганига қарамай хонасидан чиқди-ю, онасига юзланди:

- Мен Бетуш холамларникига кетяпман, сал туриб келаман.

Гул хоним ғазаби қайнаб зина томон югуриб келди:

- Бу нима, рухсат сўрашми ёки буйруқми? Нима деганинг бу?

Фотима зинадан пастга тушаётиб, жахл билан жавоб берди:

- Уфф. Етар энди. Ҳамма нарсага аралашаверманг! Она бўлсангиз, сал-пал кинолардаги оналардан ўртак олинг. Бироз замонавийроқ бўлинг энди. Бетуш холаникида озгина телевизор кўриб қайтаман.

Гул хоним зинанинг бошига келиб қизининг ортидан деди:

- Ҳой қайт, дадангнинг жахли чиқади. Қайтақолгин энди...

Фотиманинг ҳам жавоби тайёр эди:

- Жаҳли чиқса, уйга телевизор олсин. Манави уйгаям сал ҳаво кирсин.

У бу гапларини дадаси эшитаётганини жуда яхши биларди.

Масжиднинг ташқи эшигидан чиқаётиб, ногиронлар аравачасида айвонга чиқишга уринаётган ўша йигитчага кўзи тушди. “Совуқ емасмикан”, - дея йигитчага бироз ачинса-да, дилидаги адовати устун чиқди. Қор ва лой аралаш

кўчадан юриб бораркан, ногирон йигитчанинг ёнидан ўтаётганди, “буни адабини ҳозир бермасамми” – деб ўйлади. Унинг додини шунақанги бериб қўйсинки, иккинчи маротаба унга қайрилиб ҳам қарамайдиган бўлсин. У бир-икки қадам ташлаб тўхтади. Нима деса экан-а!? Бир умр ёдидан чиқмайдиган сабоқ бериб қўйиши керак эди. Лекин у томон яқинлашар экан, “нега унга шунчалик аҳамият беряпман?” – дея хаёлидан ўтказди.

- Ҳой сен, менга қара!

Йигитча унга қараб, деди:

- Кимга гапиряпсиз?

- Сенга гапиряпман. Агар менга яна бир марта қарайдиган бўлсанг, онангдан туғилганингга пушаймон қилдираман.

Йигитнинг жаҳли чиқиб кетганди:

- Йўғ-е. Сени шунақа ҳунарларинг ҳам борми ҳали?

- Яна шундай қиладиган бўлсанг, кунингни кўрасан.

- Мени балконга чиқишим билан сени нима ишинг бор?

- Буни қара-я. Сизлаётган эдинг-ку, дарров сен бўлиб қолдимми?

- Ногирон бўлсам ҳам иззат кўрсатмаганларга иззат кўрсатмайман.

- Менга қандай муомалада бўлаётганинг парвойимга ҳам келгани йўқ. Яхшиси сен асабимни бузадиган хатти-ҳаракатларингни бас қил. Бундан кейин имомнинг қизи Фотимага қарама.

Йигитча бу гапларни эшитишни ҳам истамас эди. Фотимага жаҳл билан жавоб берди:

- Ўзингни босиб ол. Мен сенга қараб, ўзимни ерга урмайман.

- Вой ёлғончи-ей. Унда Аллоҳнинг берган куни кимга қарайсан?

- Мен қалбимдаги Фотимага қарайман. Сен кимсанки, қарасам. Сени танимайман ҳам.

Фотима асабийлашганидан ўзини тутолмасди. Зўрға:

- Ёлғончи! – деди.

Йигитча ғамгин ҳолда жавоб берди:

- Мусулмон қизга бу муомала-ю ҳаракатлар ярашадими?

Фотима олдинга бир қадам ташлаб, деди:



- Ким мени мусулмон деди? Мен мусулмон эмасман!

Йигитча ўйлаб ҳам ўтирмай:

- Бўлолмайсан ҳам, - деди.

Фотима чидолмасдан сўради:

- Нимага?

- Сен кабилар мусулмон бўлолмайди. Ҳақиқий мусулмон бўлиш учун юрак керак... Сенга ўхшаш бурни осмонда бўлганлар қаёқда-ю, мусулмонлик қаёқда?

Фотима бу йигитчани кўпдан билар эди. У отасининг олдига келиб Қуръон ўрганган пайтларни Фотима жуда яхши эслайди. Бир куни бу йигит “Ҳақиқий ишқ бу – одамнинг ёр васлига бир умр интилиб яшашидир” – деган эди. Энди эса у “сени танитайман” деяпти. Ажаб, бу нима дегани экан. Фотима ўзи истар истамас хаёлидан ўтказди: “Ёки менинг жудаям ўзгарганимни назарда тутаяптимики?” Нима бўлганида ҳам ерга уришларини истамас эди. Бир қарашда, Фотима маданиятли қиз эди. Рўмол ўрашга рухсат беришмаганлари учун, отаси уни мактабга юбормади. Аслида унинг билим олишини имом ҳам истаган. Ҳафтасига икки-учта китоб олиб берарди. Фотима китоб ўқишни севарди-ку, лекин унинг назарида китобларнинг унга ҳеч бир фойдаси йўқдай эди.

Ёқуб имом қизининг бу фикрларини кўриб, билиб турар эди. Отаси Фотимага насиҳат қилиш ниятида бўлса-да, кўпроқ дилидагини хотинига ёрарди. Аслида Ёқуб имом гапларини аёлига айтаётган бўлса ҳам қизига эшиттириб қўйиш ниятида бўлар эди.

- Исломий китоб ўқиганлар, агар ростдан ҳам ақидага оид китобларни ўқишган бўлса, биркунмас бир куни албатта уларнинг фойдасини кўришади. Ўқиш дунёқарашни кенгайтиради. Баъзилар ўқиганларини ҳаёт давомида қачонлардир бўлса ҳам англаб етади, олган илминг зое кетмайди

\* \* \*

Posted by Family Novels at [1:53 PM](#) [0 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

Thursday, August 26, 2010

[Имомнинг манекен қизи \(2-qism\)](#)

Биз қорани ёки оқни ўргатдик.

Қолган рангларни эса беркитдик.

Қўлларига таянган куйи Ёқуб имом ичида чуқур ўйлар эди. Қизини бу ҳолатдан чиқариш чорасини қидирарди. Кўзларига келган ёшларини зўрға тийиб турарди... Фотимага ўзи нима бўлди? Унинг нияти, дарди нима ўзи? Аммо бу чексиз саволларнинг жавобини топишга шу тобда ожиз эди гўё. Шу хаёллар билан ўтирганда ичкаридан рафиқасининг товуши келди:

- Йўқ, аҳвол бу тарзда кетиши мумкин эмас. Қизингизни аслида бошимизга сиз чиқариб олгансиз.

Ёқуб имом бир нафас аёлининг кўзларига тикилиб қолди.

Гул хоним эса турмуш ўртоғининг бу ҳолатига баттар жаҳли чиқиб, минғирлаганча уй ичида айланарди:

- Бир кун келиб пушаймон бўласиз-ку, лекин унда кеч бўлади.

Ёқуб имом махзун ҳолда:

- Малол келмаса менга бир қараб юбора оласанми? - деди аёлига.

- Лаббай!

Ёқуб имом яна ўша оҳангда махзун нигоҳларини аёлига тикиб сўради:

- Мен ахир нима қиляпман?

- Уни жуда эркалиб юборяпсиз.

- Масалан нима қиляпман, мисол келтироласанми?

- Хаддан ташқари яхши муомалада бўляпсиз, урмайсиз, сўкмайсиз.

- Демак менинг айбим яхши бўлганимда экан-да. Сенингча ёмон муомала яхшироқ таъсир қилар экан-да. Ҳатто ҳайвонлар ҳам ёмон муомала билан яхши йўлга юрмайди. Бу фикрингдан воз кеч. Ғазаб қанчалик кучли кўринмасин, аслида унинг иши вайроналикдир. Менга ҳадеб икки гапни бирида муслмонларча муомаламни гапириб озор берма, хўпми? Дардим шундоғам ўзимга етарли. Агар уриш, калтаклаш ечим бўлганида эди, урган бўлардим. Лекин менга ишонавер, бу қизни ҳеч қандай ёмонлик билан йўригинга юргизолмайсан.

Гул хоним турмуш ўртоғини ҳақли дегандай кўринарди-ю, лекин “ўз ёғинга ўзинг қоврил”, дегандай яна ётоқхонасига кириб кетди.

Ёқуб имом ўрнидан туриб уй ичида у ёқдан бу ёққа юрар, бироқ ичидаги дардини чиқариб ташлай олмас эди. Сўнгра кутубхонасига назар ташлади, “нима ўқиса экан?” Ичидаги Ёқуб нуқул бир нарсани ўйлайверганидан, унга бошқа бирор иш қилишга имкон бермас эди. Имом пальтосини кийиб, ташқарига чиқди. Масжидгача пиёда бориб, кейин ортига қайтадиган бўлди. Шу тобда унинг кўнгли ёлғизликни истади. Сим сиёҳ кўчалардан ўтиб борар экан, учқунлай бошлаган қор зарраларини кўриб, хаёли бироз чалғиди. “Қанийди, мен ҳам мана шу қор парчаларига айланиб қолсаму, ерга тушган захотим эриб, йўқ бўлсам”, деб ўйлади. Кейин эса бу ўйлари Аллоҳнинг иродасига зид келишини ўйлаб:

- Кечир Роббим. Бу хато фикрларимни кечир, деди .

Ёқуб имом аста-секин қадам ташлар, ногоҳ девор устида йиғилиб қолган қорларни олиб, тўп ясади, кейин эса авлоқ жойга бориб, узоқларга улоқтирди.

Шу дамда у ўзини ўзи тушуна олмас эди. Нега энди қор тўпини одамлардан беркитаётган эди. Харом бўлмаган оддийгина ҳаракатни нега бошқалардан беркитишга уринган эди? Қадамларини секинлаштириб, хатти- ҳаракатини қайта ўйлади.

- Эй Ёқуб жавоб бер! Нега бу кичкинагина ҳаракатни катта гуноҳ ишдек бошқалардан яширишга уриндинг?! Харом нима эканлигини билмайсанми ёки ўзингча харом ўйлаб топяпсанми?

Саволларига ўзи ҳам жавоб топа олмас эди. Билгани шу: “Ўзича харом нарса кашф қилиш нияти йўқ.” У хаёлга чўмганча борар эди. Рўпарасидан ўғли Усоманинг келаётганини кўриб қолди-ю, йўлнинг нариги тарафига ўтиб олди. Ёдига тушди, у ўғлини кекса онасини кўргани юборган эди. Саломлашиб бўлиб, сўради:

- Онаминг аҳволлари қандай экан?

Усома совуқдан қотиб қолган қўлларини иситишга ҳаракат қилиб, уфлаганча жавоб берди:

- Бувим яхши, сизга салом айтиб юбордилар. Ўғлимни соғиндим, ўн кундан бери нега келмаяпти? – деб сўрадилар.

Ўғли билан бирга уйга кетиш учун ортга қайтган Ёқуб имом бир муддат жим тургач:

- Сен нима дединг, ўғлим?

- Келади бувижон, дадам доим сизни ўйлаб юрадилар, дедим.

- У нима деди?

- Кошки ўн марта ўйлагандан кўра, бир марта кўргани келса эди, дедилар.

Бу гап унга биров миясига худди мушт ургандай таъсир қилди. Сўнгра секин шивирлаб деди:

- Онам ҳақли, лекин вазиятни билмайди.

Усома ўн тўрт ёшли ақлли болакай эди. Қизиқсиниб сўради:

- Қандай вазият ҳақида гапиряпсиз, дада? Тўғриси, менинг ҳам хабарим йўқ.

Ўғлига айтсамикан? Ёки буларнинг барчасини ичига ютиб юраверсинмикан? Ёқуб имом ўғлининг овозидан ўзига келди.

- Дада, менга ҳам айтинг, нима бўлди?

- Сенгами? Билмадим, ўғлим. Айтсаммикан? Ёшинг кичкиналик қилмасмикан?

- Нималар деяпсиз, дада. Мен ахир кап-катта йигит бўлиб қолган бўлсам. Мен энди ҳамма нарсани тушунаман.

- Ундай бўлса айтақолай. Ойимни бориб кўришга йўлга пулим йўқ. Сендай ёшгина бўлсам экан ўн километрлик йўлни пиёда босиб ўтолсам.

Усома бу гапларни эшитиб қаттиқ хафа бўлган эди:

- Кўрдингизми, дада. Шунинг учун мен имомлик қилиб кун кўрмайман.

- Имом бўлмоқчи эмасмисан, болам? Ўзинг хор бўлмаслик учун, исломни хор этмоқчимисан?

- Йўқ, сиз мени нотўғри тушундингиз. Имомлик қиламан, лекин у менинг иккинчи касбим бўлади. Ўзингиз айтмаганмидингиз: “Ҳар кимнинг ўз касбини бажармаслиги уларни аянчли аҳволга солиб қўяди. Ҳеч ким исломга зарар етказа олмайди” – деб.

- Тўғри, лекин ҳамма нарса ҳам бирор сабаб билан содир бўлади. Исломнинг шу кунгача етиб келишида ҳам тақволи имомларнинг ўрни каттадир.

Имомлик жуда юқори лавозим ҳисобланади. Баъзи онгсиз имомларнинг борлигига қарамай, имомларнинг ўрни каттадир.

- Лекин дада, кўриб турибсиз-ку, ойлик маоши жуда оз. Жамоат пулнинг ичида сузиб юрса-ю, сиз эса онангиздан хабар олгани пул топа олмасангиз!?

- Тўғри, бир қанча хатолар бор. Бироқ ўша хатолар сабабли имомликдан воз кечиш керак эмас. Хўш, онам яна нималар деди?

- Вой шунақанги қизиқарли нарсаларни гапириб бердилар-ки. Бир марта ўртоқларингиз билан ўйнаётганингизда сиз имом бўлган экансиз, ўртоқларингиз эса жамоат. Сафнинг бошига ўтиб, жаноза намозида айтиладиган гапларни айтган экансиз: “жаноза намози учун ният қиламиз, Аллоҳу акбар”. Бир марта эса маъруза ўқиб: “Эй жамоат аҳли. Болаларингизга велосипед олинг” – деган экансиз. Чунки ўзингиз велосипедни жуда қаттиқ яхши кўрган экансиз-да. Бувим кулгидан ўзларини зўрға тийиб: “Болалигидан бери унинг бутун фикру хаёли имом бўлишда эди, мана ниятига ҳам етди” – дедилар.

Бу сўзлар Ёқуб имомнинг кайфиятини кўтариб, Фотима ҳақидаги ўйларидан чалғитган эди. Соатига қараса, намоз вақтига ўн дақиқа қолибди. Қадамларини тезлаштириб масжид томон йўналди. Етиб келганда, масжидда дўсти Аҳмадни кўрди. Уни анчадан бери кўрмагани туфайли севиниб кетди.

- Хуш келибсан, Аҳмад, кўринмай кетдинг-ку.

- Эҳ сўраманг. Қирқдан ошганимда бир ўқигим келиб қолди. Қишлоққа борган эдим. Қишлоқ имомидан дарс олиб келдим. Дам олдим, баъзан овга ҳам чиқиб турдим. Мана келдим.

- Жуда соз! Кел, аввал намозни ўқийлик-да, кейин биров дардлашайлик.

Дардлашайлик дея айтишга айтди-ку, намоз тугади ҳамки, гапини қаердан бошлашни била олмас эди.

Уйга келганида Фотиманинг оёқ кийимига кўзи тушди. Ҳартугул қизи уйга қайтибди. Хонасининг чироғи ҳам ёниқ.

У биров муддат қизининг эшиги ёнида туриб қолди. Нима қилса экан, кириб қизи билан гаплашсинми? “Болам, бу нафратингнинг сабаби нима” – дея сўрасинми? У икки ўт орасида қолган эди. Сўнгра сас-садосиз хонаси тарафга йўналди.

\* \* \*

Бир неча кун ўтгач, қизининг кундалик дафтари қўлига тушиб қолди. “Нима қилсам экан?” – деб ўйлай бошлади. Дафтарни очиб ўқисаммикан? “Йўқ” – деди у ўзига-ўзи. Қизим бўлган тақдирда ҳам унга тегишли нарсани берухсат ўқишга хаққим йўқ..

У дафтарни вароқлай ҳам олмаётган эди. Унинг қон-қонига сингиб кетган ислом бунга изн бермаётган эди. Шунда унинг ақлига бир ўй келди. Қизи кундалигини отаси ўқиши учун атайин столнинг устига қўйиб кетган бўлса-чи. Ундай бўлса ўқиши керак эди. Фотима бошқа ишларимга эмас, айнан кундалик тутишимга тақлид қилади, - дея дафтарни қўлига олди.

Қўллари титраганча дафтарнинг илк саҳифасини очди. Катта ҳарфлар билан: “Исён саҳифаларимни ҳеч ким ўқимасин” – деб ёзилган эди. Иккинчи бетда у отасига мурожаат қилган эди. “Мени сиз буздингиз, дада. Бошқаларга ўхшаб яшашимга йўл қўймадингиз. Сизни ҳеч қачон кечирмайман”. Учинчи бетда эса нега кундалик дафтар тутганининг сабабини ёзиб, қуйидагича давом этган эди:

Ҳалиям икки йил олдинги оёқ кийимимни кийяпман. Одамларга намоз ўқитаман, деб дадам мени шу аҳволга туширди. Мана икки йилдан бери мода тўрт марта ўзгарди. Кампирларга ўхшаб ҳалиям битта оёқ кийимни кийяпман.

Отам эса ҳаётидан мамнун. Уч-бешта жамоати деб, оиласини тош даврида яшатапти. Кошки улар буни билиб, дадамни қадрласалар эди. Қаёқда, қайтанга тескариси. Бирор маротаба дадамдан ҳол-аҳвол ҳам сўрашмади-ку. Бир марта бизга кўмир олиб берган жамоатдагиларнинг ўғли менга “сизларга кўмир олдик” – деб мақтанган эди. Дадамнинг эса бу парвойига ҳам келмади. “Аллоҳ ризолиги учун” деди. Болаларининг розилиги эса унинг учун аҳамиятли эмас. Кошки дадам ахлат ташувчи бўлса-ю, биз сал одамга ўхшаб яшасак.

Бундай яшаш жонимга тегди. Ё дадам имомлигини ташлайди, ёки мен...

Қолганини ёзмайман. Ҳеч ким ўқий олмасин дея, давомини ичимга ютдим.

Ёқуб имом кўзлари жиққа ёш бўлиб дафтарни варақлар эди-ю, ичидаги ғам-андухи янаям ортаётган эди.

Бир саҳифада ногирон йигитча ва унга бўлган нафратини ёзган эди. Фотима ғоят даражада раҳм-шафқатсиз эди. Унинг гапларидан кину нафрат ёғиларди.

Қолганини ўқишга юраги дов бермади. Кўз ёшларини артиб, кундаликни олган жойига худди ўшандай қилиб қўйиб қўйди. Кейин кутубхона қаршисида айланиб, миясига келган бир сўзни ҳар доимгидай катта қилиб картон қоғозга ёзди-да, кутубхона деразасига ёпиштириб қўйди. Кейин эса яна хонага бошқатдан кириб, ўша ёзувни ўқиди....

## ШУНДАЙ САВОЛЛАР БОР-КИ, ЖАВОБИНИ ФАҚАТ НАРИГИ ДУНЁДА ОЛИШИНГИЗ МУМКИН...

Posted by Family Novels at [1:04 AM](#) [1 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

Wednesday, August 25, 2010

### [Имомнинг манекен қизи \(3-qism\)](#)

Орадан ҳафталар, ойлар ўтар, Фотима эса уйга телевизор олинишини сўраб туриб олди. Отаси:

- Баъзи телевизион каналлар разолатдан бошқа нарса эмас, қандай қилиб разолатни ўз қўлим билан уйга олиб кираман? – деса ҳам

Фотима ва онаси:

- Йўқ, биз фақат исломий каналларни томоша қиламиз, дедилар.

Шундоғам қизи тез-тез қўшниларникига чиқиб кетадиган одат чиқарган. Қизиқ, агар уйга телевизор олса қизининг бу исёнлари тугармиди? Ёқуб имом иккиланаётган эди. Юрагидаги дардини дўсти Аҳмадга очди.

- Нима дейсан, дўстим. Фарзандларимизнинг мияларига ўрнашиб олган бу дунёни уларга қандай берамиз?

- Тўғри айтасиз, лекин бошқа чорамиз ҳам йўқ-да. Мен ҳам роса ҳаракат қилдим оиламни фикрларидан қайтаришга. Лекин охири барибир телевизор олдим. Уйдалигимда исломий каналлар кўришади, йўқлигимда эса яна ўша сериаллар, беҳаё клиплар...Олдини олиб бўлмапти. Хатто баъзи исломий каналлар ҳам ҳозир ўша каналларга йўл очиб бераётгандай. Нима қилишни билмай қолдим. Бошқа чора бўлмагандан кейин олиб берасиз-да.

- Майли нима бўлганда ҳам олишга рози бўлдим дейлик, лекин қайси пулга? Баъзида онамни кўриб келгани ҳам пул топа олмай қолсам. Одамларчи? Одамлар нима дейди? Мен уйга телевизор олганимдан кейин...

- Имомлар нима деса десин, халқ аллақачон олиб бўлган. Маҳаллада кимнинг телевизори йўқ экан, мана ўзингиз айтинг.

Ёқуб имомга телевизор сотиб олиш жуда оғир бўлаётган эди.

- Эй дўстим. Қани энди шу фильмларни оила даврасида кўриб бўлсайди? Болаларимни йўлдан оздиради деган кўрқувда бўлмаганимда эди. Тўғри ўзимниям телевизорга эҳтиёжим бор. Янгиликларни, баҳс кўрсатувларини кўргим келади. Лекин аҳволимизни қара. Ҳатто Россия ҳам бунақанги фильмларни кўрсатишга йўл қўймаса керак. Ҳа майли, сени ҳам бошингни оғритиб юбордим.

- Йўқ, асло. Нима деяпсиз, шунча йиллардан бери сиз бизнинг дардимизни тинглар эдингиз, биз ҳам бирозгина сизникини эшитсак эшитибмиз-да. Кошки, дардингизга дармон бўла олсайдим.

Ёқуб имом уйга келганида ярим кеча бўлган эди. Ҳар доимгидай уйга кирар кирмас қизининг оёқ кийимларига қаради. Фотиманинг оёқ кийими йўқ эди. Бошидан қайноқ сув қуйиб юборишгандай ҳис қилди. Дарров аёлини уйғотиб сўради:

- Фотима қани?

- Бетуш холасиникига кетган. Борма десам ҳам гапимга кирмади.

Ёқуб имом бу гапни эшитиб қаттиқ жаҳли чиқди.

- Тез кийин, ўша Бетуш холаникига борамиз.

Гул хоним уйқусираганидан рад этаётган эди:

- Роса уйқум келяпти. Ўзингиз бориб келақолинг.

- Уйида эркаги йўқ уйнинг эшигини аёлимсиз тақиллатмайман. Бу менинг принципларимга тўғри келмайди. Тур ўрнингдан, кийин. Жудаям асабийлашиб кетяпман ўзи, йўқ демагин.

- Хўп, хўп мана турдим. Ўзи гапингизни фақат менга ўтказасиз.



Кўп ўтмай Бетуш холанинг эшик қўнғироқларини чалишди. Салдан кейин эшик очилди. Ёқуб имомни кўрган одам унинг қаттиқ асабий эканлигини дарров сезар эди:

- Фотима шу ердами?

Ёқуб имомга бошдан оёқ разм солгач Бетуш хола:

- Шу ердаку-я. Бугун бизникида ётиб қолса яхши бўларди-да, - дея жавоб берди.

- Йўқ бўлмайди, агар малол келмаса уни менга чақириб берсангиз.

Бир-неча дақиқадан сўнг эшик олдида Фотима кўринди. Дадасининг қаттиқ жаҳли чиққанини кўргач, ҳеч қандай эътироз билдирмай устига кийимини кийиб йўлга тушди.

Йўл бўйи гаплашмай келдилар. Уйларига етиб келгач Ёқуб имом қизига деди:

- Мен кечаси қизимни ҳеч кимникига юбормаслигимни билмасмидинг?

Фотима жавоб бермади. Ёқуб имом охириги сўзини айтди:

- Бундан кейин бундай иш қила кўрма. Сенга яхшилиқча гапиряпман. Мени суистеъмол қилма, хўпми?

Фотима эса гапни бошқа ёққа бурди:

- Сиқилиб кетяпман. Рўмолимни деб ўқитмадингиз. Ҳеч бўлмаса ишлай. Бугун айтишди. Биздан ўн дақиқача йўл нарида тикув фабрикаси бор экан. У ерга ишчилар керак дейишди. Эркаклар умуман йўқ экан.

Ёқуб имом бироз ўйлаб қолгач деди:

- Сен нима фақат эркаклар хавфли бўлади деб ўйлайсанми, қизим? Ҳозирги пайтда эркак ё аёлга энг катта зарар ўз жинсидан келади. Мен билмаган инсонларимнинг орасига қизимни юбора олмайман.

- Улар менга нима ҳам қила олардилар?

- Дунёқарашингни ўзгартира олишади. Эътиқодингни...Сени ўзгартира олишади, қизим. Агар Аллоҳдан узоқ жамият бўлса, шунақанги таъсир қилишадик, ўзингни ўзинг топа олмайдиган ҳолатга олиб келишади. Тўғри яхши, дуруст инсонлар ишлайдиган фабрикалар ҳам бор. Кўрамиз. Агар ростдан ҳам яхши жой бўлса юборамиз. Буни ҳам сендан пул кутаётганим учун эмас...

Гапини тугата олмади у.

Эртаси куни Фотима онаси билан фабрикага боришди. Фабрикага киришдан аввал Фотима рўмолини орқадан ўраб, юбкасини сал кўтариб олди. Улар иш жойини кўриб, ҳамма нарсани келишиб олишди. Уйга қайтаётганларида эса Фотима онасига танбеҳ бера бошлади.

- Қаранг ойи. Дадамга “у ердаги қизлар очик-сочик экан”- дея кўрманг. “Ҳаммаси намозхон экан. Хўжайини эса хожи экан, - дейсиз, хўпми?”

Йўл бўйи ҳам юриб, ҳам эсига тушганида онасига гап ўргатар эди:

- Айтганча, “у ерга эркак кишиларнинг кириши мумкин эмас экан” – деб кўйинг, тагин кўргани келиб қолмасин... Сал ўзимга келиб қолардим мен ҳам.

- Ёки умуман ўзингдан кетасан.

- Дадамга ўхшаб гапирманг. Айтганларимни дадамга етказасиз-а?

- Бошқа чорам бормиди? Иккалангизнинг орангизда қийналиб кетдим. Мен ҳам сал нафас олай энди.

Шундай қилиб Гул хоним эрига биринчи хиёнатини амалга оширар ва қизининг “келажаги” учун замин ҳозирлар эди.

Масжиднинг ёнига келишганида улар ногирон йигитчани кўриб қолишди. У айвонда ўтирганча китоб ўқир эди. Китобдан бошини кўтарганида кўзлари Фотиманинг кўзлари билан тўқнаш келди-ю, бироқ у яна китобини ўқишда давом этди. Фотима унга эшитиладиган овозда онасига деди:

- Биласизми ойи, баъзи одамлар ўзларини ловияга ўхшаб неъмат ҳисоблашади.

Гул хоним қизининг нима демоқчи бўлганини дарров тушунган эди.

- Нима ловия неъмат эмасми?

Йигитча Фотимани кўрмаганга олиб, Гул хонимга деди:

- Гул хола, ассалому алайкум. Яхшимисиз?

- Яхши ўғлим, раҳмат, ўзинг тузукмисан?

- Шукур, мен ҳам яхшиман. Имтиҳонларга тайёрланяпман.

- Қанақа имтиҳон экан?

- Университет имтиҳонларига-да! Уларга ҳам оз вақт қолди.

- Имтиҳондан ўтсанг, қаерда ўқийсан?

- Тиббиёт соҳасида ўқимоқчиман.

- Аллоҳ ёрдамчинг бўлсин!

- Омийн.

Фотима йўлда давом этар эканлар, деди:

- Кўрдингизми, ойи. Атайлаб менга эшиттириб гапирди.

- Сен шунақа деб ўйлайвер. Нима энди у бечора гапирмай юрсинми?

- Унинг ҳар бир сўзи асабимни ўйнатади. Овозини эшитишга ҳам тоқатим йўқ.

\* \* \*

Орадан икки ҳафта ўтмасдан Фотима ўзига бошқа иш топди. Бу ерда ойлик маоши кўпроқ берилар, аммо у отасига бу ҳақда оғиз очмаганди.

Ёқуб имом қизида кун ўтган сайин бўлаётган ўзгаришларни сезиб турарди. Бу ҳол уни ранжитар эди, албатта. Минглаб ёш қизлар ишласалар ҳам, тўғри йўлдан адашмас эдилар; лекин имом қизининг характеридан хабардор бўлгани учун унга ишонмас эди. Ичидан бир овоз қизини йўқотаётганини таъкидлар эди нуқул. Шунинг учун имом пул топишнинг турли йўллари қидирар эди.

Ниҳоят бир қарорга келди. Масжид деворининг тагига аравада мева сабзавотлар сотиб, пул топади ва қизини иш жойидан бўшатиб олади. Ҳозирча бу қарорини ҳеч кимга айтмади. Озгина пул топсин, дарров қизига керакли нарсаларни олиб беради.

Бир куни Фотима ишга кетгач, хонасига кирган Ёқуб имомнинг сигарет ҳидидан кўнгли беҳузур бўлиб кетди. Қизи сигарет чекишни бошлабди. Бу ёмон одатларга ташлаган илк қадами эди. У дардини бориб яна дўсти Аҳмадга тўкиб солди:

- Мана қизим охириям чекишни бошлади. Ҳали бир кун келиб ичишга ҳам ўтади. Олдинлари чекиш ичишдай айб саналар эди. Ҳамма чекишга ўтгач, ҳозир ҳатто ҳижобли қизлар ҳам кўча-кўйда бемалол чекиб юришади, гапирсангиз сиркаси сув кўтармайди. Эрта бир кун ичиш ҳам одатий ҳолга айланади. Нима қилсам экан? Қизимга исломий тарбия бера олмадим. Битта-ю битта чорам аравада қовун-тарвуз, сабзи пиёз сотиш.

Аҳмад ҳам жуда хомуш эди:

- Жуда ҳақлисиз, бир чора топиш керак. Унга исломни тушунтириш билан иш битмайди шекилли. Лекин чекишига сиз қаттиқ сиқилманг. Чунки ҳамма сигарет чекадиганлар бузилиб кетган ҳисобланишмайди. Ҳаммасиям ичишга ўтиб кетмайди. ИншаАллоҳ ҳаммаси ўз йўлига тушиб кетади. Қизингиз ҳали ёш. Ақл кириб қолади.

Ёқуб имом хафа бўлиб:

- Балки яхши бўлиб кетар, ишқилиб мени адойи тамом қилиб кейин тўғри йўлга кирмаса бўлди.

Ёқуб имом ич-ичидан ёниб, адойи тамом бўлаётган эди. Қаерда хато қилди экан? Нега қизига исломни севдира олмади?

Масжидда намоз ўқиётганларида ҳам, маъруза ўқиётган пайтида ҳам ич-ичидан эзиларди. Баъзида ўзига ўзи “демак мен намунали инсон эмас эканман, намунали бўлганимда эди қизимни тарбия қила олган бўлар эдим” – деб маърузани ҳам қисқа қиладиган бўлди. Ёқуб имом тушкунликка тушиб қолган эди, илгари ўзини ҳеч қачон бундай даражада ёмон ҳис қилмаган эди. Овози жонсиз, гаплари эса бўлак-бўлак тушунарсиз туюларди ўзига. Ҳолбуки бу курсига чиқиш учун анча-мунча ҳаракат қилган эди. Профессорларнинг ўша даражага чиқиш учун қилган сай-ҳаракатлари ҳисобга олинади-ю, имомларники назарга ҳам илинмайди.

Ёқуб имомнинг хаёлида исломий қонунларга асосланган оила қуришдан бошқа нарса йўқ эди. Бу ниятига етиш учун у кўп ҳаракат қилди. Болаларига севикли ота бўлишни хоҳлаган эди. Бироқ нега натижа бундай бўлди-ю, қаерда хато қилди?

Бугун қизи билан яхшилаб гаплашиб оладиган бўлди, балки уни тушуна олар. Масжид эшигидан уйига чиқадиган зинадан осилиб чиқар эди. Шунча йиллардан бери уни кўтариб юрган оёқлари гўёки ундан тўйиб кетгандек эди. “Демак” – деди у, “оёқларнинг жонли қадам ташлаши ҳам инсоннинг миясига боғлиқ экан. Менинг хомушлигимни билиб, улар ҳам ўз хомушликларини билдирмоқдалар”.

Чўнтагида калити бўлса ҳам, эшик қўнғироғини чалди. “Балки уйда аёл меҳмон бордир” – деб доим шундай қилар эди.

Столга ўтирганча яна бошини чангаллаб олди. Бу ўй-хаёллардан қутула олмаётган эди. “Қизига қандай усул қўлласа экан? Келақол қизим, гаплашиб оламиз”, деса, қизини яхши билади. Фотима ҳеч нарса демай отасини тингларди. Ёки “гаплашадиган гаплар қолмади-ку, неча йилдан бери гапирасиз”, - дерди. Майли нима бўлса ҳам бугун яна бир бор уриниб кўради.

Фотима уйга яна кечикиб келди. Ёқуб имом қизини хонасига чақирганида яна қалби тўла меҳр билан сўзлар эди.

- Фотима қизим, кел сен билан бир дардлашайлик. Фотиманинг эса овози чиқмас эди. Бу сафар сал баландроқ товушда деди:

- Фотима, мени эшитяпсанми?

- Ҳа, мана келдим.

- Хуш келибсан, қизим. Кел мана бу ерга ўтир, бир гаплашайлик.

Фотима ҳавотирли кўринар эди. Дадасининг муомаласини ёқтирмади. Тинчликмикан? Ёки отаси бирор нарсани сезиб қолдимикан? – деб хаёлидан ўтказди. Секин кўрсатилган жойга ўтирди. Шаддодлиги йўқолиб, айбдор одамдай дадасининг нима дейишини кута бошлади.

Ёқуб имом қизига бир разм солгач:

- Қандайсан қизим? Иш жойинг ёқяптими? – деб сўради.

- Ал... албатта ёқяпти.

- Биласанки қизиим, одам яшаган жойида қўшниси муҳим бўлса, иш жойида ҳамкасблари муҳим ҳисобланади. У ердаги ўртоқларинг қанақа қизлар экан? Сенга фойдалари тегяптими ёки зарарларими?

- Уларнинг менга қандай зарарлари тегиши мумкин?

- Ёмон бўлишса зарарлари жуда катта бўлади. Яхши бўлишса фойдалари.

Фотима ўйлаб ҳам ўтирмай жавоб берди:

- Ҳаммалари жуда яхши одамлар. Ундан кейин менга ким ҳам таъсир эта олади? Менинг ўзимга яраша фикрим бор.

- Ундай дема қизим, инсоннинг дўсти қайси томонга юрса, шеригини ҳам ўша йўлга даъват қилади. Сигарет чекса, сенга ҳам чектиради. Наркотик моддалар қабул қилса, сени ҳам шу йўлга бошлайди. Шунинг учун сен билан

гаплашишни хоҳлагандим. Улар сенга тўғри йўлни кўрсатишмаса, сен уларга тўғри йўлни кўрсатишинг керак.

Қизи билан нари бери бўлиб қолмаслик учун у шу усулни қўллаётган эди. Кейин яна гапида давом этди:

- Кўриб турибсан, ҳозир ҳамма нарса ёшларни издан чиқариш учун режалаштириляпти. Сен ўртоқларингга намуна бўлишинг керак. Сена “Имомнинг қизи эканлигингни унутма демайман” “Аллоҳнинг қули эканлигингни унутма” - дейман. Шунини ёдда сақлагинки, сен Аллоҳни унутсанг, мажозан айтаман, У ҳам сени унутади.

Ёқуб имом гапида давом этар, қизи эса жимгина тинглар эди-ку, ҳеч қандай таъсири сезилмаётган эди. Ёқуб имом буни кўриб тургани учун, сўзини тугатиб, қизига жавоб берди.

Бир неча кун ўтгач Ёқуб имом аравача сотиб олган эди. У қарз олиб ишини ҳал қилган эди.

Бир куни Фотима уйдан чиқиб иши томон йўл олар экан, дадасининг аравача тепасида бақирганча одамларни чорлаётганини кўриб қолди:

- Келиб қолинг, яп-янги узилган помидорлардан олинг!

Фотима муздай бўлиб кетди. Дадасини бу аҳволда кўришни истамас эди. Унга яқинлашиб жаҳл билан сўради:

- Бу нима қилганингиз дада?

- Савдо қиляпман, қизим. Пул топишим керак. Сени бахтли кўришни истайман. Ойингга айтаётганингда эшитиб қолдим. Эски креслоларимиздан уялар экансан. Биринчи қиладиган ишим сени магазинга олиб бориш бўлади, ўзинг бизга янги кресло танлайсан. Сени иш жойингдан бўшатиб оламан, қизим. Уйда ўтир. Сиртқи ўқишга кир. Китоблар ўқи, билим ол. Лекин танимаган инсонларингнинг орасида бўлма, болам. Шунинг учун мана бу ишларни қиляпман, болам.

Ёқуб имом қизининг жудаям хурсанд бўлиб кетишини кутгани учун унинг кўзларига тикилиб қараб турар эди. Отасининг бу фидокорлигини англадимми у? Фотима ҳайрон ва ҳавотирли тарзда отасига қаради. Кўп ўтмай дарров уйга

қайтди. Онаси дастурхонни йиғиштираётган эди. Уйга ғазаб билан кириб, ўкириб-ўкириб йиғлай бошлади.

- Тўйиб кетдим, тўйиб кетдим дадамдан. Менга қаранг ойи. Эрингизга айтинг, мени ўз ҳолимга қўйсин. Менга сарой олиб берса ҳам ишимни ташламайман. Мен ишимни яхши кўраман. Унга ҳеч нарса дея олмаганим учун ўзидан кетмасин. Айтиб қўйинг, мени ишдан бўшатиб олишни хаёлига ҳам келтирмасин.

Бу сафар у бақириб-бақириб йиғлар ва қўлига тушганини деворга отар эди. Кўзлари катта-катта бўлиб, жойидан чиқиб кетай дерди. Баъзан сал тинчланар, баъзан яна ўзини тута олмай оғзидан кўпик сачраб бақирар эди. Инсон исён қилаётганида жуда хунук кўриниб кетар экан.

- Бу қандай азоблар бўлди? Нима мен сизларни деб бошқа ёшлар каби яшай олмайманми? Болалигимдан бошланди ўзи. Арқон ўйнасам, имомнинг қизи арқонда сакрар эканми? Тўп ўйнасам, хожининг қизи тўп ўйнар эканми? Дадам имом бўлганига менинг ҳам имом бўлишимни хоҳлашди. “Отаси имом бўлса нима қилибди, майли барибир бола бола-да” – дейишмади. Нуқул менинг қилган ишларим, хатти-ҳаракатларимни ҳисоб-китоб қилишарди. Яна ўша гап-сўзлар билан ёшлигимни ўтказмоқчисизлар. Ўтказмоқчисизлар!

Гул хоним хотиржам оҳангда қизидан сўради:

- Қизим, исломга бўйсуниб ёшликни яшаб бўлмайдимми? Сен ёшлик деганингда ўша кўчасанғи, очиқ-сочиқ кезадиганларнинг ҳаётини айтяпсанми? Гуноҳ ичида “эркинлик” бўлганда яшаладимми ёшлик? Исломий чегарадаги “эркинлик” етмайдимми сенга? Имомнинг қизи бўлишга келсак, у азобларни мен ҳам тортганман. Менинг ҳам ҳар бир ҳаракатимни кузатиб юрадиганлар бор эди. Бу миллат агар имомни, боласини-ю аёлини кузатиб юрганчалик ўз оиласини тартибга солиб олса эди, ҳаётимиз анча изга тушган бўлар эди. Буларнинг ҳаммасини биламан, лекин нима қилай? Сенга яна бир марта айтаман, исломий “эркинлик” билан яша.

Фотиманинг кўз ёшлари тинмай оқар эди. У ҳам кўз ёшини артар, ҳамда овозининг борича қичқирар эди:

- Қаёқда? Ислоний “эркинлик” ни яшашимга ҳам имкон беришмади-ку. Қўғирчоқ ўйнаш гуноҳмиди? Арқонда сакрашим, тўп ўйнашим гуноҳмиди? Менга эркинлик берилдими? Айтинг-чи, берилдими? Нима қилсам, “болам, сен имомнинг қизисан” демасмидингиз? Имом қизининг Аллоҳи бошқа-ю, бошқа болаларнинг Аллоҳи бошқами? Нега мендан ўзгача бола бўлашимни хоҳлашди?

Залдаги йиғма краватда бағрини ерга бериб йиғлашда давом этди. Кейин бирдан ўрнидан сакраб туриб, онасига деди:

- Эрингизга айтинг, ишларимга аралашмасин. Бўлмаса уйдан кетаман.

Уй ичида бирдан жимжитлик ҳукм сура бошлади. Гўё мотам ҳавоси ҳукм сура эди. Бу гаплар душманлар учун ғалаба эди. Илгари қайси фарзанд “уйдан қочиб кетаман” дея олар эди?

Фотима юз-қўлини ювиб яна уйдан чиқди. Дадасининг юзига ҳам қарамай ўтиб кетди. Ёқуб имом қизининг йиғлаб, кўзлари ишиб кетганини сизди. Тушунарли, демак, қизи бориб онасига хархаша қилибди. Нима деди экан? Савдосини ташлаб, дарров аёлининг олдига келди. Зиналардан ҳаяжон билан кўтарилди. Ичкарига кирганида аёлининг йиғлаб идиш юваётганини кўрди-ю, вазиятни янаям аниқроқ тушунгандай бўлди. Қўлини ошхона эшигига тираганча, сўради:

- Нима деди?

Гул хоним кўзларини эридан беркитгандай, бошини кўтармай:

- Ҳеч нима демади, - дея жавоб берди.

- Мендан беркитишга уринма, чунки фойдаси йўқ барибир.

- Қизимиз бошидан оёғигача исёнга тўла. Гапирмаган гапи қолмади. Дадам ишларимга аралашмасин, деяпти. То кичкиналигида имомнинг қизи деб тўп ўйнатишмаганидан тортиб, бугунгача бўлган ҳамма нарсани санаб, роса йиғлади. Имом қизининг Аллоҳи бошқа бўладими, деди. Болалигини ҳам мириқиб яшай олмабди.

Ёқуб имом чўкиб қолган, руҳидаги олов аланга олган эди. Бироз вақт хотинига қараб қолгач, секин ерга чўккалади.



- Қизимизнинг гаплари тўғрику-ю, лекин исён қилишга ҳаққи йўқ. Исён этишнинг ҳеч қандай узрли бир иш эмаслигини унга тушунтиришим керак. Халқимиз жуда тушунчасиз. Имом қизини бошқача бўлиш керак деб ўйлашади.

- Ҳа, менинг ҳам имом бўлишимни хоҳлашди, деб айтди ўзи. Шунақанги гапларни гапирадики, одам нима дейишни билмай қолади.

- Биламан, азизам. Қизимиз, анча ақлли. Шайтонни ҳам орқада қолдиради Гул хоним эрининг сўзини бўлиб, ичидагиларини тўкиб сочмоқчи бўлди:

- Сизга бир нарса айтай: биз қизимизни йўқотяпмиз. Нима қилсак ҳам уни тўғрилайлик. Унинг бутун фикру хаёли бошқа ёқларда.

- Тўғри, лекин қаерда, нима истайди?

- Билмайман, лекин менимча, очилиб сочилмоқчи шекилли.

- Балки у бирортасини севиб қолгандир. Агар шундай бўлса, сен бир аниқлагин-чи, ким экан. Керак бўлса, ўзим бориб таклиф қиламан.

- Унга асло бундай дея кўрманг. Бирор безорини севиб қолиб куйдирмасин.

- Нима бўлса ҳам майли, мусулмон йигит бўлса бас. Яхши мусулмон бўлса бўлди.

Бу гаплардан сўнг елкасидаги юк янаям оғирлашгандай бўлди. Бу юк унинг бутун жисмини эгиб қўйди, кўзларида ёш билан растасининг бошига бориб ўтирди. У одатда пешингача савдо қилиб, намоз вақти бўлганида аравачасини масжид ҳовлисига олиб кириб қўярди.

Ёқуб имомнинг руҳи йиғлар эди. Қизини қандай йўл билан тўғри йўлга солиши ҳақида ўйлайверганидан, ўғлини унутиб қўйибди. Қизик ўғли нималар қилиб юрган экан? У-чи, у қайси оламда юрган экан? Энди ўғлининг қайғусига тушди. Эртага биринчи қиладиган иши ўғлининг мактабига бориб суриштириб келиш бўлади.

Ўша куни Фотима уйга яна кеч келди. Остона хатлар хатламас дадасига эшиттириб:

- Ишда ушланиб қолдим, шунга кеч қолдим, - деди овозини баландлатиб.

Кейин хонасига кириб кетди. Ёқуб имом эса қизининг ортидан қараб қолди.

Эртага қизини кузатиб боради.

Тонгда қизидан аввал уйдан чиқиб, таксига ўтирди-ю, қизининг ўтадиган йўлида кутиб турди. Ниҳоят Фотима кўлида сумкасидан ташқари бир пакет билан кўринди. Таксининг ёнидан ўтаётганида имом кўринмаслик учун эгилиб турди. Қизи автобус бекатига бориб, кута бошлади. Кўп ўтмай, хусусий такси келиб бекатда тўхтади. Имом ўзи ўтирган такси ҳайдовчисига четроқда тўхтаб туришни айтди-да, қизининг нима қилишини кузата бошлади. Фотиманинг ўша хусусий таксига ўтирганини кўргач, ўзини бутунлай йўқотиб кўяёзди. Ҳайдовчи эса ҳеч нарсага тушуна олмаганидан сўради:

- Энди нима қиламиз?

Ёқуб имом жавоб бера оладиган ҳолатда эмас эди.

Саволни яна такрорлаган ҳайдовчи бу сафар ҳам жавоб ололмагач, орқага ўгирилиб қаради. Ёқуб имом титраб-титраб, аммо унсиз йиғлар эди. Бироз муддат ўтгач зўрға:

- Мана шу машинанинг ортидан борайлик, - деди.

- Хўп бўлади, нима десангиз шу, - жавоб берди ҳайдовчи.

Ёқуб имомнинг кўзлари қизида эди. Қизи ҳеч қандай истихоласиз эркин ҳаракатлар билан бошидаги рўмолини ечиб, сумкасига солди. Энди эса сочларини тараб, ёнидаги одам билан кулишиб алла нималарни гаплашиб кетар эди. Ёқуб имом кўз олдидаги манзарани кўрар экан, ич-ичидан ёнар эди. Қизи уни эшитмаса ҳам йиғлаб унга гапириб кетарди.

- Кетма қизим, болажоним. Уларнинг тузоғига тушма. Ўзимнинг гўзал қизим, кетма болам. Ёлвораман, кетма...

Ёқуб имом ўкириб-ўкириб йиғлар эди. Шунча йиллардан бери қизининг ҳақиқий мусулмон бўлиши учун ҳаракат қилган эди-ю, аммо ҳозир кўзлари нималарни кўрмапти-я.

Ўша лаҳзаларда у Қуръоннинг яна бир ҳикматини тушуниб етаётган эди. Ёқуб (а.с)нинг ҳам ислом амрига зид ишлар қилган ўғиллари укаларини қудуққа ташлаган эдилар. Лекин Ёқуб (а.с) укаларини ўлдириш учун режалар тузган ўша ўғилларидан воз кечмас, ҳатто уларнинг ҳидоятга эришишлари учун Аллоҳга тинмай ёлвориб, дуо қилар эди.

У жуда яхши билар эди. Булар “Юсуф”имга ёмонлик қилиб, энди менга ҳам ёлғон гапиряпти, дер эди. Йўқотган ҳам, йўқолган ҳам ўз жигарбанди эди. Лекин у тилидан дуо тушмай, сабр билан кутди.

Ёқуб имом мен ундан яхшироқ вазиятдаман, деб ўйлади. Ҳеч бўлмаганда қизимни бошқа болам йўлдан ургани йўқ. Мен азалдан бери душман бўлган тузум йўлдан урди.

#### Имомнинг манекен қизи (4-qism)

##### *Ҳаёт сўқмоқларида*

##### *Қуръондан сабоқ олинганида...*

Бутун вужуди билан Қуръондан ибрат олишга интилар экан, руҳи сал бўлса ҳам енгил тортиб, юрагида умид уйғонди. Сабр қилиши керак, ахир қизига жуда гўзал тарбия берган. Шундай оғир пайтда Қуръондан ўғит олаётгани яхши бўлди. Юрагидаги олов тобора аланга олаётган бўлса ҳам, анча тасалли олди. Бу тасалли ҳам бўлмаганда нима қилган бўлар эди?

Машинанинг орқа ўриндиғида ўтирганча унсиз йиғлар экан, яна ўша сўзлар оғзидан тушмас эди.

- Болажоним, йўқ, уларнинг тузоғига тушма... Отангга раҳминг келсин. Юрагим дош беролмайди, ахир. Менга бу азобларни раво кўрма.

Ҳайдовчи имомни бу аҳволда кўриб, уни қандай тинчлантиришни билмас эди.

- Қизингизми?

Ёқуб имом кўз ёшлари ичида жавоб бера олмас эди. Сал туриб зўрға минғирлаб деди:

- Ҳа... Қизим.

Ҳайдовчи хафа бўлиб давом этди:

- Сизни тушуниб турибман. Ҳозир қанийди, қизим бўлмаса эди деётгандирсиз.

Ёқуб имом кўз ёшларини артиб:

- Йўқ, ундай деб ўйлаганим йўқ. Ёмон бўлса ҳам у мени болам. Бундай дейишга ҳаққим ҳам йўқ. Менга фарзанд бўлишини мен ҳал қилмаганман ахир.

Олдиндаги машина Лолали маҳалласига келгач, кўп қаватли уйнинг қаршисида тўхтади. Қизи машина ҳайдовчиси билан қўл бериб хайрлашгач, савдо расталарига кириб кўздан ғойиб бўлди.

Ёқуб имом уйга қайтганида бир аҳволда эди. Кечгача гоҳ бориб савдо қилди, гоҳи уйга келиб ётди.

Бўлган воқеани ҳатто аёлига ҳам айтмади. Қизига айтиб қўйишидан чўчиди. Ёқуб имом эса бугун кўрганларини қизига билдирмай, уни олдинги ҳолатига қайтариш ниятида эди. Агар қизи отасининг ҳамма нарсадан хабардор эканлигини билиб қолса, уйдан қочиб кетиши мумкин эди. Унда ҳам қизини йўқотар, ҳам душманлари ғолиб келган бўлар эди.

Кечки пайт қизи келганида қизи билан гаплашиб олишга турли йўллар қидира бошлади. Кейин табассум билан қизига деди:

- Кел қизим, бугун дастурхонни сен туза. Фарзандим тайёрлаган кечки овқатни еб бир маза қилай. Шундай деганча у қизининг юзига тикилиб, унинг хаёлларини англаб олишга интилар эди.

Фотима отасининг унга бундай чиройли оҳангда сўзлашишидан мамнун бўлиб, дарров рози бўлди. Демак, отасининг ҳали ҳеч нарсадан хабари йўқ.

- Хўп бўлади, дада. Дарров тайёрлайман.

Ёқуб имом эса унсиз йиғлади. Қизи мана неча ойлар ўтдики, анчадан бери энди “дада” деди.

Фотима шошиб-пишиб дастурхон тузай кетди. У дадасининг одатини яхши билади. Хуфтон намозидан олдин овқат ейилиши суннат ҳисобланади.

Усома ҳам етиб келди. Ёқуб имом ўғлини қучоқлаб ҳол аҳволини сўради. У ўғли билан дўст бўлишга қарор қилганди. Дастурхон атрофига тўпланишганида эса имом ичидаги дарду аламларга қарамай, кўтаринки кайфиятда кўринишга интилди. Аёлига қараб гапирарди-ю, лекин у гаплар аслида қизига қаратилган эди.

- Бугун савдо жуда яхши бўлди. Шу кетишда давом этса, яхши бир жойга кўчиб ўтамиз. Қизимга бу ер ёқмади. Нега энди фарзандимнинг айтганини қилмас эканман? Қизим энг гўзал нарсаларга лойиқ-ку, шундайми? Мен қизим учун ҳам, ўғлим учун ҳам кечани кеча кундузни кундуз демай ишлайман.

Фотиманинг егани бўғзида тиқилиб қолаёзди:

- Сал кеч қолмадингизмикан, дада?

- Нега кеч бўлар экан? Зарар ишнинг қаеридан қайтилса ҳам фойдалидир.

Фақат қайтишни билиш керак.

Қизига у “бу хато ишларингдан қайт” деётганди. Ёнаётган руҳи билан деди:

- Бандамиз. Ҳаммамиз хато қиламиз. Қанчадан қанча одамлар бор, охириги дақиқаларда хатоларини тушуниб етганлар. Аслида менинг унчалик катта хатоларим йўқ-ку, лекин сизларнинг шикоятларингизга қулоқ солмаганим учун, сизларни қийнаб қўйганим учун ўзимни айбдор ҳисоблайман. Мен хатоимни тузатаман, чунки мен ўзимга оид хатоларни тузатишга жавобгарман, сиз ҳам ўзларингизга оидларини тузатишга масъулсиз.

Бу гаплардан сўнг жимжитлик ҳукм сура бошлади. Ёқуб имом аста билдирмай Фотимани кузатар, “қизим бу гапларимдан ўзига бирор хулоса чиқариб олдимикин?” деб ўйларди. Қанийди, қизининг қалбида заррача пушаймонлик ҳисси бор йўқлигини билолсайди... Уни қутқариш умиди ортар эди.

Бироқ қизи ҳечам сир бой бермас эди.

- Умуман тўғри йўлдан озган бўлса-чи?

Ёқуб имом бу саволни эшитиб кўнгли кўтарилди. Демак, қизи ўзини йўлдан адашган ҳисоблар, “бу йўлдан қутула оламанмикин?” деб ўйлаётган эди. Шунинг учун у эҳтиёт бўлиб ва маъноли гапириши керак эди.

- Адашса-ю, ақлини йиғиб олиб, тўғри йўлга қайтса, ўзини қутқара олган бўлади. Тунов куни газетада ўқиб қолдим. Бир киши ўзини “Бўғоз” кўпригидан ташлабди. Денгиз томон шўнғир экан, ўз жонига қасд қилиб нотўғри қилаётганини тушуниб етибди. Юқоридан сакраганда сув қаттиқлашар экан-ку, буни билгани учун йигит сувга яқинлашиб қолганда ҳавода бир умбалоқ ошиб, кейин ўзини сувга отгани учун ҳатто бурни ҳам қонамай соғ-омон қолибди. Буни қаранг-ки, пушаймонлик кечроқ бўлса ҳам ўз фойдасини кўрсатар экан.

- Умуман йўлдан озганлар учун вазият қандай бўлади?

- Агар ўша йўлда қолиб кетса, нариги дунёга шу тарзда кетади. Лекин ўлим келмай, ўзини қутқара олиши ҳам мумкин.

Ёқуб имомнинг қалбида неча ойдан бери энди оғзини очган қизининг гапларидан анча умид уйғонди. Бўлди, агар қизи йўлдан адашган бўлса ҳам, қизи хатоларини тушуниб етадиган бўлса, уни кечирар ва унинг хатоларини ҳеч ҳам юзига солмас эди.

Таомдан кейин қалбидаги умид нурлари ила масжидга тушди.

Орадан кунлар ўтди.

Ғам ва умид орасида яшаётган эди Ёқуб имом. Бир куни кечки пайт дўсти Аҳмад уни чақирганини эшитиб пастга тушди.

- Тинчликми Аҳмад? Нимадир бўлдимми?

Аҳмад жуда ғамгин ва паришон ҳолда эди. Ёқуб имом зиналардан шошиб тушар экан, сўради?

- Нима бўлди? Кимдир ўлиб қолибдимми?

Аҳмад унинг кўзларига алам билан қаради:

- Сенинг учун ўлим билан баробардир, дўстим.

- Нима бўлди, тезроқ гапир, бўлмаса юрагим тўхтаб қолади.

Аҳмад бўлса энди йиғлай бошлаган эди.

- Сўрама дўстим. Ўзимнинг фаришта имомим... Сенга нохуш хабарим бор...

- Қанақа хабар?

- Қандай айтишни ҳам билмайман. Аслида бу гапни сенга айтиш жуда оғир, лекин айтишга мажбурман.

Ёқуб имом бирдан қизининг уйда эмаслигини эслади.

- Нимааа, қизим ўлдимми?

- Айтадиган гапим, ўлимдан ҳам мудхиш. Бу гапни эшитгандан кўра қизининг ўлишини афзал кўрар эдинг.

Ёқуб имом гап нима ҳақда эканлигини англади. Демак, у қизини очиқ сочиқ ёки бирор йигит билан кўрибди.

- Йўқ, қизим нима қилган тақдирда ҳам, уни қандай ҳолда кўрган бўлсанг ҳам, мени ўлимичалик ёндирмайди. Қайтага, шу аҳволида дунёдан ўтиши мени кўпроқ эзади. Чунки ҳали умид бор, чиқмаган жондан умид. Қизимни қаерда ва қандай ҳолда кўрдинг Аҳмад?

- Сен учун энг аламлиси ўлим экан, унда айта қолай. Бугун қизингни мини юбкада кўрдим. Рўмолини ечган, бўянган. Кўрсанг таний олмайсан.

- Биладан.

- Нима? Биласанми?

- Ҳа, Аҳмад биладан. Уни кузатиб боргандим. Йўлда рўмолини ечиб олди. Рўмолини ечгандан кейин, агар ихлоси бўлмаса, мини юбка ҳам кияди. Хўш, сенинг кўрганингни билдими?

- Билди. “Дадамга айтманг” – деб роса ёлворди. Лекин мен қандай қилиб айтмай, ахир бу сенга хиёнат бўлар эди-ку.

Ёқуб имом яна йиғлай бошлади.

- Эшитишимни хоҳламаганидан, демак, ҳали умид бор. Илтимос, менга айтганингни билмасин ва уни ўша аҳволда кўрганингни ҳам ҳеч ким билмасин.

- Албатта, ҳеч кимга айтмайман, дўстим. Одамлар билса нима дейди ахир, асло айтмайман.

Ёқуб имом ёшли кўзларини дўстига тикиб:

- Йўқ, мен одамларни эмас, қизимни ўйлаяпман. Унинг рўмолини ечиб, кундан кунга йўлдан озаётганини билишса, қизимни тўғри йўлга солиш умидим қолмайди.

Аҳмад дўстининг сабру иродасига ҳайрон қолган эди. Бу қандай ота бўлди. Умрида ҳеч қачон бундай отани кўрмаган эди. Улар иккалалари ҳам масжид ташқарисида тик оёқда туришар эди. Ёқуб имом масжиднинг ўртароқ қисми томон юра бошлади.

- Аҳмад, энди сен борақол, қизим бизни кўриб қолса дарров сезиб қолади.

- Хўп бўлади, лекин бу ёғига нима қилмоқчисан?

- Аввалам бор, савдо ишим яхши кетса, бошқа жойга кўчиб ўтамиз. Қизимнинг қўлига кўпроқ пул бераман, ишдан бўшатиб оламан. Булар балки чорамасдир, лекин ҳозир бошқа қандай йўл тутишни ҳам билмайман. У ҳали номусини йўқотиб бўлганича йўқ, балки ўзига келиб қолар, деб ҳаракат қиляпман.

- Сабру матонатингга ҳайрон қолдим. Аллоҳ ўзи қувват берсин.

- Соғ бўл, Аҳмад. Баъзан ўзим хато қиляпманми, деб ўйлаб қоламан. Бир гап бор-ку “ўликлар тирикларни ҳолва еяпти деб ўйлар эканлар” - деган. Шунга ўхшаб, одамлар ўйлайдики, имомларнинг хечам ғами бўлмайди, хато қилмайди, деб. Улар бизга, биз уларга бошқа бошқа дунёлардан қараймиз. Ҳозирги гапларинг менга қувват бағишлади, кайфиятимни кўтарди. Демак, тўғри йўлда эканман. Аллоҳ фойдали гапларни гапирадиганларни севади. Қани энди борақол, машҳур шоир айтганидек, “энди мен ёлғиз йиғлайин”.

\* \* \*

Кунлар шу тарзда ўтиб борди. Ёқуб имом ҳеч қандай чора топа олмаётган эди. Эрталаб тонг саҳардан яна аравасининг бошида харидор пойлар экан, бошқа тарафдан ҳали ҳам қизини ўйлаб юм-юм йиғларди-ю, кўз ёшларини ичига ютар эди.

Бирдан дўсти Аҳмаднинг келганини пайқаб қолди. Бироз суҳбатлашганларидан сўнг ўй хаёллари билан ўртоқлашди:

- Аллоҳга шукур, дўстим. Гаров пулини ҳам йиғиб қўйдим. Тавба, баъзи уй эгалари Аллоҳдан қўрқишмайди ҳам. Гаровга тилла бераман десам, олмаяптиям. Мен у уйдан кетаётганимда гаров пулининг ҳеч қандай қиймати қолмас ёки электр ҳақини тўлаб қўйишим керакмиш. Ҳа, шунақа экан, тиллани олақол. Майли, шу пулидан қутулиб олсам, кейин тилла оладиган бирор бошқа уй қидираман.

- Тополмасангчи?

- Топгунимча қидираман. Ўз принципларимдан воз кечолмайман.

- Ҳамма сендай бўлганда-ку, уй эгалари бунчалик адолатсизлик қилмас эди. “Нима қилай қанча миллион сўмларни шу ерга сарфладим, олаётган кира ҳаққим ўша сарф-харажатларимни қопламаяпти-ку” – дейишади.

- Йўқ, улар нотўғри фикрлашяпти. Тиккан пуллари фақат кира ҳаққидан келмайди-ку, мулкининг қиймати ҳам йил сайин ошяпти. Бир миллиардлик ер саккиз миллиардга кўтарилади-ю, у бўлса нуқул кира ҳаққини ҳисоблайди.

- Тўғри айтасан. Мен ҳам биттасига шу гапни айтсам, “сен мулкимнинг ҳисоб-китобини қиляпсанми?” – деди.

Ёқуб имом ўйчан ҳолда:



- Нимадир қилишимиз керак, деди.

Аҳмад ҳам имомга маъноли қараб қўйиб:

- Тўғри айтасан, нимадир қилиш керак, дея жавоб берди-ю, сўнг мавзуни ўзгартириш ниятида “Хўш, ўзингда бошқа нима гаплар?” – деб сўради.

Аҳмад Ёқуб имомни бирор бошқа мавзуда гап очади деб ўйлаган эди. Лекин имомнинг фикру хаёлида биргина ўй эди:

- Ҳаммаси ўша ўша. Кундан кун қизимни йўқотиб боряпман. Лекин қўлимдан ҳеч нарса келмаяпти.

- Тавба, Фотима динидан воз кечдимикана?

- Йўқ, дўстим. Қизим динсиз эмас, лекин у динини севмайди. Аллоҳга ҳам, Қуръонга ҳам ишонади. Лекин унга гўзал кўринаётган дунёнинг ҳақиқий юзини кўрмагани учун диний ҳукмларни ёқтирмайди. Динсиз бўлишни истамайди-ю, барибир ўзини динсиз ҳаётга отади. Нотўғри таълим бердик, дўстим. Хато қилдик. Дин ўргатяпмиз деб, савоб ёки гуноҳлардан сўз очдик. Макруҳ мубоҳларни эса четлаб ўтдик. Оқ ёки қорани ўргатдик, қолган рангларни беркитдик. Болани ҳар тарафдан сиқдик. Кулса ҳам, йиғласа ҳам айбдор санадик. Бошқалар эса Аллоҳнинг динига зид равишда унга рангин дунёни кўрсатди.

Бир муддат нима дейишини билмай, сўнгра яна давом этди:

- Нималарнидир хато тушунтирдик, хато қилдик. Ўзгалар болаларининг дарди билан ёнибману, ўз боламини унутибман. У ҳам энди ўшалардан фойдаланяпти.

- Нега айбни доим ўзингга тўнкайсан? Нима ҳамма айб сендами? Қизинг айбсизми? Ўзингни бунчалик қийнама. “Ўзгалар ҳаққини ейиш ҳақсизлик-да, ўз ҳаққига хиёнат адолатсизлик эмасми? Инсон ўз қадрини ҳам билиши керак” – деган сен эмасмидинг? Қизинг сендай отанинг қадрига етмай, ўзидан кетяпти.

- Мен ахир уни айбсиз демадим-ку. Шундай йўл топишим керакки, у ҳам мен ҳам хатоимизни тушуниб етайлик.

- Лекин, Нух алайҳиссаломнинг ҳам фарзанди динсиз эди. У нима отасининг хатоси сабабли динсиз бўлибдими? Йўқ, баъзи фарзандлар

катталарнинг хатосини қурол қилиб олиб имонсизлик қилишяпти. Сен ўзингни бунчалик азоблама.

- Гапларинг тўғри, лекин менинг қизим динсиз эмас. Динсиз бўлишни хоҳламайди ҳам. Боламнинг дарди бошқа дедим-ку. Муҳит ҳам боламга анча таъсирини кўрсатди. Мен ҳам Исломни борича сингдира олмадим, шекилли. Нимадир бўлди-да... Аллоҳ ёрдамчинг бўлсин, Аҳмад. Бошқа нима ҳам дея олардим.

- Хафа бўлма-ку. Жуда сергапсан-да. Ўрнингда бўлганимда шунақанги додини бериб калтаклар эдим-ки, ўзини касалхонада кўрар эди. Йўқол, қаерга борсанг, бор. Мени шарманда қилишга нима хаққинг бор, дердим.

Ёқуб имом кўзлари тўла ёш билан жавоб берди:

- Сен осон йўлни танлаган бўлсанг, мен нима қилай? Нима қилаётган бўлсам ҳам, болам мени шарманда қилгани учун эмас, уни тўғри йўлга солиш учун ҳаракат қиляпман. Сен ўз орингни ўйлаяпсан. Мен бориб динимни бошидан ўрганаману, қаерида хато қилганимни топаман.

Чуқур нафас олди-ю, йиғламсираган оҳангда гапини давом эттирди:

- Албатта унгача боламдан асар қолса ва мен ҳаёт бўлсам...

Posted by Family Novels at [12:04 PM](#) [0 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

**Monday, August 23, 2010**

### **[Имомнинг манекен қизи \(5-qism\)](#)**

Ярим тун бўлганига қарамай Фотимадан ҳамон дарак йўқ эди. Гул хоним бу ҳолдан қаттиқ ранжиган бўлишига қарамай, эрининг паришон ҳолини кўриб унга ҳеч нарса демади.

Ўша тун кўрқинчли туш кўриб бақириб уйғониб кетган Ёқуб имом, ўзини масжид боғига урди. Саловат айтиб дуо қилгач, Аллоҳдан таскин сўраб, яна ичкарига кирди. Бўлди, қизини уйғотишдан бошқа илож қолмаган эди. “Қандай йўлга кириб қолгансанки, сени кечалари қоп-қоронғу қудуқ ичида туш кўраман. Менга айт, болам. Иккаламиз чора топайлик. Истасанг, дўстинг бўлай”, - дерди. Ўрнидан туриб қизининг эшигини тақиллатди. Ҳеч қандай жавоб бўлмагач, янаям қаттиқроқ тақиллата бошлади. Қаттиқроқ қаттиқроқ... Эшик синиб кетай

деса ҳам, қизидан садо йўқ эди. Шовқин-сурондан уйғониб кетган Гул хоним жуда кўрқиб кетди.

- Эшикни синдириб юборасиз, бекорга овора бўлманг. Фотима кеча уйга келмади.

Ёқуб имомнинг мияси музлаб қолгандай бўлди.

- Бу нима деганинг?

Гул хоним ерга қараганча:

- Қизингиз уйга келгани йўқ деганим, - дея жавоб берди.

- Унда нега менга айтмадинг?

- Айтганим билан нима қилардингиз? Бекорга кечаси билан юриб чиқар эдингиз. Ҳеч бўлмаса, ухлаб олдингиз. Сизни ўйлаб айтмадим, азизим. Бу қиз сизни адоий тамом қилади.

- Ниятинг яхши бўлгани учун сени кечирдим. Аслида кечириладиган хато эмас бу.

Ёқуб имом уй ичида у ёқдан бу ёққа бориб келар, “Боламни йўқотяпман, кун сайин биздан узоқлашяпти. Эртага дарров унинг иш жойига борамиз. Сен биласан-ку, қаерда ишлашини.” – дерди.

Тезроқ тонг отиб, соат саккиз бўлишини кутишар эди. Ёқуб имом эса ҳеч қаерга сиғмаётган, Гул хоним ҳам тинмай кўз ёш тўкар эди. Ниҳоят кутилган соат келгач, Гул хоним етти ой аввал қизини ташлаб келган фабрикани кўрсатиб деди:

- Шу ер, биринчи қават.

- Эй Аллоҳ. Қанчалик катта хатога йўл қўйдим-а? Нега шу пайтгача қизимнинг иш жойини келиб текширмадим? Эркакларнинг кириши мумкин эмас эмиш. Шунақасиям бўлар эканми? Эй, нодон ақлим, - дея нола қилди Ёқуб имом.

Эшик қўнғироғи босилганида жуда очиқ-сочиқ кийинган аёл эшикни очди:

- Хизмат?!

Ёқуб имом ҳайрон бўлганча қизини сўради. Аёл эса эслай олмади. “Фотима исимли ишчимиз йўқ”.

Гул хоним:

- Қанақасига? Бўлиши мумкин эмас, ахир мен ўзим қизимни шу ерга олиб келиб қўйганман, - деди ҳайратланиб.

- Кечирасиз, сизни эслай олмадим. Хоҳласангиз ичкарига кириб текшириб кўринглар.

Эри-хотин ичкарига кириб қизларини қидириб кўришди, аммо топа олишмади. Кейин рўйхатдан ўтганларни кўздан кечирдилар. Топишди-ю, лекин Фотима у ердан аллақачон бўшаб кетган эди. Ёқуб имом ўзини зўрға тутар экан, сўради:

- Бу ернинг хўжайини билан учрашсам бўладими?

- Менман, деди ҳалиги аёл.

Ёқуб имомнинг ҳайрати янаям ортди:

- Нимааа? Сизмисиз? Етти ой олдин ишга қабул қилган ҳам ўзингизмидингиз?

- Ҳааа. Кечирасиз, бунинг бирор ғайритабиий жиҳати борми, тушуна олмадим.

Ёқуб имом аёлининг юзига қаради. Гул хоним уят ва шармандалиқдан ерга қаради.

Ёқуб имом яна ўша аёлга қараб:

- Сиз хожимисиз? – деб сўради.

Аёл хохолаб кулганча:

- Менинг хожига ўхшаш тарафим борми? – деди.

Ёқуб имом ўзини кўчага отди. Ўшанда рафиқасининг ёлғон гапирганини тушунди. Ундан бундай мудхиш хиёнатни асло кутмаган эди.

Маҳаллаларигача йўл бўйи гаплашмай яёв юриб келишди.

Бирдан Ёқуб имомнинг хаёлига Бетуш хола келди. Чиқмаган жондан умид деб, эшигини қоқди. Эшик қўнғироғини чалаётганда оддий ҳаёт қоидаларини ҳам унутганидан қўнғироқни тез-тез босар эди. Аслида бир марта эшик қоқилгандан кейин бир муддат кутилиши лозим эди. Балки уй эгаси намоз ўқиётгандир. Сўнгра эшик яна қоқилиши керак, жавоб бўлмаса яна бироз кутилиб, учинчи бор эшик қоқилгандан кейин ортига қайтиши керак эди.

Қуръонда шундай дейилганди. Ўзига келганида бир муддат жим туриб қолди, бироз кутди.

Ичкаридан уйқусираган овозда бир одам:

- Ким у эрталабдан? – дея сўрагани эшитилди.

Эшик очилганида Ёқуб имом қизини кўрди. Бир он нима қилишини, қизини уришни ҳам ёки уни қучоқлаб йиғлашини ҳам билмай қолди. Қайси бири исломийроқ, оталарча бўлар эди? Бутун фикру хаёллари айқаш-уйқаш бўлиб кетди. Бирдан қизи билан нигоҳлари тўқнашди. Ёқуб имомнинг асаблари бўшади. Ҳеч нарса демай, ҳолсиз бўлиб ерга чўқди. Бироз муддат бошининг айланиши ва ўзига келишини кутгач, кўзлари ёшланганча қизига термулиб:

- Қизим, мендан нима истайсан ўзи? Мени ўлдиришни қасд қилганмисан? Кеча нега уйга келмадинг? Асло бировларникида қолма деганим учун менга жаҳл қилиб шундай қилдингми? Болам, менга душманмисан? Сенга нима қилдимки, менга бундай муносабатда бўляпсан? Мана, гаров пулини ҳам йиғиб қўйдим. Яна нима қилишимни истайсан? Айт болам... айт... Мени суистеъмол қилмааааа...

Фотиманинг эса баҳоналари тугамас эди.

- Ўлик ювишдан воз кечинг. Мен ўликдан қўрқаман.

Ҳали ҳамон эшик тагида ўтирган Ёқуб имом паришон ҳолида сўради:

- Нега ўликдан қўрқасан, болам. Улар сенга бирор ёмонлик қилмаса? Қайтага тириклардан ёмонлик кут сен, болам. Айт-чи, қайси ўлик сени Аллоҳдан узоқлаштириш учун сўз очди? Қайси ўликнинг сенга зарари тегиши мумкин? Сен ўликдан эмас, тирикдан қўрққин. Ўшанда сенинг гапингга кириб, ўлик ювмайман.

- Унда маҳаллада бирортаси вафот этса, нима қиласиз?

- Сен вафот этсанг, бирор аёлни топаман. Агар мен ўлсам, сен эркак ювувчи топасан. Агар сен истамасанг, бундан кейин ўлик ювмайман.

Фотиманинг бошқа чораси қолмаганидан:

- Хўп... – деди.

Қизи “хўп” деганининг ўзи катта нарса эди. Қайси гапига рози бўлганини ҳам сўрамади. Ҳозирча шу сўзнинг ўзи Ёқуб имомни севинтирди.

- Хўп, яхши. Бу ерда қолганинг учун мен ҳам сени кечирдим, лекин яна бир маротаба шундай қилсанг кечирмайман.

Қизи билан бўлиб ўтган бу келишувдан сўнг, у қизининг иш жойини бориб текширишга қарор қилди. Ўша таксисига минган одами ким бўлди экан? Қизи кечаси қаерда қолди экан?

Кечки пайт уйда у яна қизи билан гаплашиб олди.

- Қизим, болажоним, ўзингни эҳтиёт қил. Шайтоний ҳою ҳавасларга берилма. Инсон олтинга ўхшаган бўлади. Нажосатга тушса ҳам, тозаланса, Аллоҳ наздида тоза ҳисобланади. Лекин инсоннинг олтиндан фарқли яна бир тарафи бор-ки, бир марта ифлосландими, тозаланса ҳам, одамларнинг кўз ўнгида доғли бўлиб қолаверади. Эртага фарзандли бўлганинда, уларнинг олдида виждонинг пок бўлиб оналик қилсанг, турмуш ўртоғингга нисбатан ҳам виждонинг пок бўлса, кўнглинг хотиржам бўлади. Қинғир йўлда юрма. Агар бирор севганинг бўлса, айт, ўшанга узатай. Қалбингда қандай ҳислар бўлса барчасини мен билан ўртоқлаш. Мен сенинг дўстингман, болам. Сенга ёмонликни раво кўрмайман, бироқ менинг меҳримни суистеъмол қилма.

Фотима миқ этмай фақат тинглар эди.

Гул хоним ҳам орада гап қўшиб қўярди-ю, лекин Ёқуб имом аёли билан гаплашмаётган эди.

Эртасига у яна қизининг ортидан борди. Бу сафар ҳам у ўша бекатда тўхтаган, лекин бу гал автобусга ўтирган эди. Ёқуб имом таксида автобуснинг ортидан бориб, қизининг иш жойини билиб олди. Лолали маҳалласида фабрика ательесида ишлаётган эди қизи.

Кираверишда ёзиб қўйилган фабрика телефон рақами ва хўжайинининг исмини ёзиб, ортига қайтди.

Гул хоним эри билан гаплашиш учун турли баҳоналар қидирар эди-ю, аммо имом бунга парво ҳам қилмас эди. Аёли бошқа сабр қилолмади:

- Нега мен билан гаплашмаяпсиз, нимага? Қизингизни ўйлаб сиз сиқиляпсизу, мен сиқилмаяпманми?

Имом унга савол назари билан қараб қўйди.

Гул хоним гапида давом этди:

- Қизингизнинг қилмаган қилиғи қолмади, нега энди уни кечирасизу, мени кечирмайсиз?

- Боламга ишонмагандиму, лекин уни сенга ишониб топширган эдим. Сен эса омонатга хиёнат қилдинг. У ердагилар диндор одамлар экан дединг. Келди кетди мумкин эмас, дединг. Гапингга ишониб бормадим, суриштирмадим. Яхши, иймонли одамлар бўлса, боламга зарари тегмайди, дедим. Хўжайини мусулмон бўлса, ишчиларига ҳам болаларига қарагандай, кўз қулоқ бўлади, деб ўйладим.

- Бу замонда ҳар бир мусулмонга ишонадиган бўлсангиз, янаям кўп адашасиз.

- Мен намозхонлар, исломий шартлар асосида ишлайдиган ер бўлса, қизимни ишонаман. Агар омонатга хиёнат қилса, у дунёда барибир жавобини беради. Лекин у ердагиларнинг мени алдашиниям кераги қолмади. Сенинг ёлғонинг барчасидан ошиб тушди.

- Хато қилиб қўйибмиз, кечирақолинг энди.

- Кечириш? Бунақанги буюк хиёнатни кечириш осон эканми? Аллоҳга дуо қил. Аллоҳ аза ва жалла ўзи қалбимни сенга нисбатан тўғрилаб қўйсин. Бўлмаса бу кетишда сенга бўлган муносабатим ўзгармайди. Эсингда бўлсин, йўлдан озган қизларнинг айбдор ўртоқлари уларнинг эзгу ниятли оналаридир. Қизларининг ҳолатини оталаридан беркитишади, ўзлари ҳам бунга бирор ечим топа олишмайди.

- Худди ўзингиз ечим топгандай...

- Топишга ҳаракат қиляпман. Қўлимдан келган ҳамма нарсани қиляпман. Боламни қутқариш учун ҳамма йўллари синаб кўряпман, Яна нима қилай? Роббимдан сабр сўраб йўлимда давом этяпман. Сен Бетуш хола деган аёлникига бор... Ким ўзи? Қаерлик? Нима иш қилган? Бироз ўтириб суҳбатлаш, тагин шубҳаланиб қолмасин.

. Мақсади қизининг иш жойига телефон қилиш бўлгани учун аёлини кўчага атайин чиқариб юборган эди. Гул хоним чиқиб кетиши билан телефон рақамларини терди.

- Ало, эшитаман?

Ёқуб имом ҳаяжондан зўрға гапирарди:

- Ассалому алайкум, Демирхон бей билан гаплашсам бўладими?

Кўп ўтмай Демирхон бей гўшакни олди:

- Эшитаман, мен Демирхонман.

- Яхшимисиз Демирхон бей? Мен қизим ҳақида сиз билан гаплашиб олмоқчи эдим.

- Бемалол, лекин қизингиз ким бўлади?

- Фотима... сизда ишлайди.

- Кечирасиз, бизда Фотима исмли ходим ишламайди. Янглишибсиз шекилли.

- Йўқ, янглишганим йўқ. Эрталаб ўз кўзим билан қизимнинг сизнинг иш жойингизга кириб кетаётганини кўрдим.

- Тавба. Бу ерда Фотима исмли ходимим бўлади-ю, мен танимас эканманми?

Сўнгра гўшакни бироз ўзидан узоқлаштириб, котибадан ишчилар рўйхатини сўради.

- Захро, ишчилар рўйхатини бериб юбор.

Кўп ўтмай, дафтар вароқланаётганининг товуши эшитила бошлади. Кейин котибасига мурожаат қилиб, “Бизда Фотима исмли ишчи борми?” – деб сўраб, кейин “Ҳа, топдим. Бор экан” – деди.

- Ало.

- Эшитаман, гапираверинг.

- Ҳа, бизда Фотима исмли қиз бор экан. Фақат исмини Чечак дея ўзгартириб олибди.

- Сизларда нима иш қиляпти у?

- Манекенимиз бўлади. Қизингизнинг нима иш қилишидан хабарингиз йўқми ҳали?

- Нимаа?.. Қанақа манекен?

- Биз улгуржи савдо билан шуғулланадиган фирмамиз. Қизингиз бизда сотиладиган нарсаларни реклама қилади.

- Нима? Манекенликни қаердан ўрганибди?



- Курсларга қатнаб ўрганган-да. Биз ҳамманиям ишга олавермаймиз. Хужжат асосида ишга олганмиз.

Ёқуб имом титраётган эди:

- Ишонинг, бу гаплардан хабарим йўқ эди, фақат илтимос, қўнғироқ қилганимни қизим билмасин.

- Жаҳлингиз чиқдими? Йўқ, сиз қизингиз билан фахрланишингиз керак. Шундай гўзал қоматли қизингиз бор экан.

Ёқуб имом қизининг қомати ҳақидаги гаплардан жуда ноқулай аҳволга тушди. Шундоғам қулоқлари шанғиллар, гўё бутун дунё унинг бошига тушиб кетаётгандай эди. Гапирадиган ҳолатда эмаслигидан:

- Сизни ҳам безовта қилдим. Вақтингизни ажратганингиз учун раҳмат, - дея гўшакни жойига қўйган эди-ю, эшитган гапларидан ўзига келолмас, қотиб қолган эди. Турган жойида ҳаракатсиз карахт бўлиб қолди. Ҳатто йиғлай ҳам олмаётган, бу сафар жони, қони, руҳи, қалби ва бутун аъзолари ёнаётган эди.

Ўзига келганида аёлининг тепасида турганини пайқади. Ҳеч нарса бўлмагандай, ўзини ташқарига урмоқчи бўлган эди, аёли гапириб қолди:

- Бетуш хола ҳақида суриштирдим. Илгарилари аёлларни сотиш билан шуғулланган номуссиз аёл экан. Уялмай энди тавба қилганман, дейди. Аммо ҳечам тавба қилганга ўхшамайди. Ким билади, қизимизга нималарни уқтирган экан? Вақтлироқ у аёл ҳақида суриштирсак бўлар экан.

Ёқуб имом ҳеч нарса демади.

Кеч бўлиб, Фотима билан Усома уйга вақтли келишди. Усома-ку уйга ҳар доим вақтли келар эди. Бутун борлиғи билан дарсига шўнғиб кетган Усома бирданига ёдига тушиб қолган воқеасини гапира кетди.

- Опааа, бугун нима бўлганини биласизми? Газетада бир расм кўрдим. Унда сурати босилган бир қиз худди худди сизга ўхшайди. Шунақанги ёмон бўлиб кетдим-ки, дарров газетани сотиб олдим. Қарасам, Чечак исмли манекен экан. Сал қолса хушимдан кетар эдим.

Фотима эса доимгидай сукут сақлар эди.

Ёқуб имом гапга қўшилди:

- Нима кийиб олган экан ўша манекен?

- Мини юбка кийиб олган эди. Шунақанги опамга ўхшаб кетар эканки...

- Опанг унақа иш қилмайди-ку. Қандай қилиб ундан шубҳаланишинг мумкин, ўғлим?

Шу пайт Ёқуб имомнинг ақлига яна қизига дарс бериб қўйиш келди:

- Опанг ақлли қиз. Аллоҳ берган вужудини ҳаммага кўз-кўз қилмайди. Шайтон йўлдан уриб, шундай қилган тақдирда ҳам, дарров тавба қилган бўлар эди. Ҳа, илгари сочининг бир толасини ҳам кўрсатмаган фарзандларимизни, энди мода деб ечинтиришди. Чўмилиш кийимлари деб қизларимизни эркаларнинг кўз ўнгига яланғоч қилиб чиқаришди. Чўмилиш кийими дейилса, худди яланғочлик ҳисобланмайди. Ё Раббим. Ҳалқимизнинг кўзи бу ҳаромларга шунчалик ўрганиб қолдики, энди бу оддий ҳолга айланди.

Усома саволини ичида тутиб тура олмади:

- Қизингиз бўлганида уни ўлдирар эдингиз, тўғрими?

Ёқуб имом қизини ўйлаб сўнгра жавоб берди:

- Йўқ, ўлдирмас эдим. Қизимнинг Аллоҳ ҳузурига ўша ҳолатда чиқишини истамаганим учун, уни тўғри йўлга қайтариш мақсадида кўлимдан келганини қилар эдим.

Эртасига Ёқуб имом яна дўсти Аҳмад билан дартлашар эди.

- Қизимни умуман бой беряпман, дўстим. Бир қора қўл кўринмай уни мендан олиб кетди. Мен эса она жайрон каби узоқдан овчиларга қараб қолдим. Кеча кундуз ухлолмайман. Нима қилишимни билмайман. Мен таклиф қилаётган ҳаётнинг жозибаси у дунёда, улар таклиф қилаётганники эса бу дунёда. Булар ёшларни йўлдан оздирыпти. Бу динсиз оқим бизни пичоқсиз сўйяпти. Оилалар ич-ичидан емириляпти, лекин одамлар бунини тушуниб етаётганлари йўқ.

- Ҳалиям қизингнинг ақлини киритиб қўймадингми?

Масжид ташқарисидаги стулда ўтирар экан, узоқларга тикилиб қолди:

- Қизимнинг ич дунёсини забт этолмаганимдан кейин нима фойдаси бор? Хато қилдим, дўстим, хато қилдим. Мен қизимга гул тутдим, аммо қоп-қора идишда. Улар эса захарни чиройли идишда тутишди. Болаларимиз ўша гўзал ва ширин кўринган нарсанинг туб тубидан захар сизиб чиқишини билмайдилар ҳам.

Аҳмад имомнинг бу гапларидан аччиқланган эди.

- Сендан жуда жаҳлим чиқяпти. Ўзингни бунчалик айбдор қилма. Нечоғлик намунали ота эканлигингни ўз кўзим билан кўрдим. Динсизлик қизингнинг ичидан, руҳидан чиқяпти. Ўзингни қийнашни бас қил энди.

- Ҳаммаси сен билгандай эмас, дўстим.

- Хўш, айт-чи? Сенинг хатоинг, гуноҳинг нимада эди?

- Ҳамма айбимни яхши билмайман. Билганларим эса Аллоҳ изн берган нарсаларга мен изн бермадим. Ҳеч эсимдан чиқмайди. Ўшанда Фотима 9-10 ёшларда эди. Лунапаркдан ўтаётган эдик. “Мен ҳам минай” – деб қизим роса ёлворди. Рухсат бермадим. Тинмай анча йиғлади. Боламнинг кўз, бурунлари йиғлайвериб ишиб кетди, аммо мен барибир рухсат бермадим. Нега рухсат бермадим, дўстим нимага?

- Нега экан?

- Қиш эди, бир куни қор тўпи ясаб, ҳеч ким кўрмасин деб, чўнтагимга солиб қўйдим. Уни чўнтагимга солишга мажбур қилган нима бўлса, ўшанда қизимни арғимчоқда учишига рухсат бердирмаган ҳам ўша. Бундан бошқа хатоларим ҳам бўлди, лекин уларнинг нима эканликларини билмадим. Айтдим-ку, исломни қайтадан ўрганмоқчиман деб. Кеча Фотимага ҳам айтдим: “Менинг хатоларимни деб исломдан воз кечма. Кейин динсиз ёки Аллоҳ қабул қилмайдиган динга кирасану абадий азобда қоласан. Аллоҳ қолган динларни қабул қилмайди. Бошқа динларнинг пайти ўтди. Аслида Қуръонга ишонган одам, ўтган ҳамма динларни қабул қилган ҳисобланади”. У эса фақат тинглади. Ҳар доимгидек. “Мен динсиз бўлишни, динсиз ўлишни хоҳламайман-ку” – деди. Бечора болам, динсизлардай яшаб, мусулмон бўлиб ўлишни истайди.

- Ана кўрдингми? Ахир сен буларнинг барчасини тушунтиргансан-ку. Тушунтиргансан, лекин у тушунгиси келмаяпти.

- Бир марта биласанми, унинг жонига ҳам тегиб кетган эдим. Нима десам ҳам эшитгиси келмай: “Биламан, дада. Буни минг марта айтгансиз” – дерди. Ишонаман, орадан ўн йил ўтса ҳам, қизим менинг гапларимга қулоқ солади.

Фотима уйга яна вақт алламаҳал бўлганда кириб келди. Келган захоти хонасига кириб олган, ҳеч ким билан гаплашмай ётган эди. Отаси эса унинг ҳар

бир ҳаракатини кузатар эди. Фотима кечаси уйғониб, кўнгли айниб роса қайд қилди. Қизига нима бўлди экан? Эрталаб қизининг уйғонмаганини кўрган имом қизининг хонасини тақиллатиб кириб, уни ҳушидан кетган ҳолда кўрди, баъзан эса инграб қўярди. Кўтариб шифокорга олиб бориш фикрига келди-ю, аммо тўсатдан қизининг кундалик дафтарини ўқиб кўриш нияти туғилди. Бу сафар иш анча ваҳимали тус олган эди. Берухсат дафтарни ўқиш ҳақида ўйлаб ўтирмади. Чунки қизи зарур пайтларда баъзи қоидаларни четлаб ўтиш жоиз эканлигини билар эди. Дафтарни қидириб топди. Дарров охирги саҳифани очди. Ёқуб имом ўқиган сарлавҳа уни даҳшатга тушириб қўйган эди.

**Бугун “оқ” билан танишдим.**

Ёқуб имом ўқишда давом этди.

**Бугун Нуртеннинг берган оқ дорисидан тортиб кўрдим. Кўнглим айтиб кетди. Ўрганиб қолармишман. Ўртоқларим менинг бу ҳолимга кулишар эди-ю, аммо мен ўз аҳволимга йиғлар эдим.**

Дарров ён-атрофни тита бошлади... Сумка, шкафларни қараб чиққач, паласнинг тагини очиб қаради. Ҳа, у ерда бир пакетчада наркотик модда бор эди. Шунда у зарб билан юзига урди. Туш эмас экан.

Буниси ҳаммасидан ошиб тушган эди. Хонанинг ичида худди телбалардай айлана бошлади. Ўқириб ўқириб йиғлагиси келарди. Хонасига кирди. У ерда аёли бор эди. Қаерда йиғласа экан? Қаерга борса ҳам, уни аёли эшитиб қолиши мумкин эди. Дарров масжид томон югурди. У ерда икки мўйсафид нафл намози ўқишаётган эдилар. Бир муддат уларга қараб қолди... Кейин... кейин эса масжид минораси зиналарига тирманиб чиқа бошлади. Айланиб юқори кўтарилган зиналарнинг адоғи йўқдай эди. Баъзида минора тешикларидан ташқарига қараб, қаерига келганини билишга интилар эди. Ниҳоят ярмига келди.

Бир зинага ўтириб ўқириб ўқириб, бақириб йиғлай бошлади.

- Аллоҳим!.. Аллоҳим бошқа чидай олмайман. Менга сабр бер Аллоҳим...Боламни бой бериб қўйдим. Уни менга қайтариб бер, Роббим.

Бир неча дақиқа ўша ҳолда ўтиргач, юз-кўзини артиб уйга қайтди. Қизи билан гаплашиб олиши керак эди. Уни дарров иш жойидан бўшатиб олиши, нимадир қилиши керак.

Уйга келганида аёли уни кўриб, йиғлаганини дарров пайқади ва нима бўлганини сўрай бошлади.

- Нима бўлди, тинчликми?

Ёқуб имом ҳалиям аёли билан гаплашмаётган эди. Саволга жавоб бермай хонасига кириб кетди. Эски стол қаршисига ўтириб, қизини кута бошлади. Орадан соатлар ўтса ҳам, қизидан хабар йўқ эди. Гул хоним бир нарсалар олиш баҳонасида хонага кириб чиқаверди. Нима қилса ҳам эри унга аҳамият бермас, бу ҳолат эса уни пичоқсиз сўярди.

Кейинги сафар кирганида қўлларини белига тираб:

- Нима сиз доим шу аҳволда юрмоқчимисиз? – деб сўради.

Саволига жавоб бўлмади.

- Айтинг, ҳаётимиз шундай давом этаверадими? Бандамиз-ку, хатоимиз бўлади-да. Бошқаларни жуда яхши тушунасизу, нега менга келганда бундай қиялсиз? Шундоғам қизим истималаб мени ёндирыпти. Бу тарафдан эса сиз.

Ёқуб имом аёлининг охириги гапига ҳайрон қолди. “Бўлган воқеалардан унинг ҳам хабари бормикина?” Ундан гап олиш ниятида:

- Тинчликми? Қизимизга нима бўлдики, сени ёндиради? – дея сўради.

- Ана қаранг. Болам касал бўлиб қолибди. Ҳечам бундай қилмас эди. Ишга ҳам бора олмади бугун. Сиз бўлса мен билан гаплашмаймиз . Бу уйда агар Усома ҳам бўлмаганда портлаб кетар эдим. Сиздан кечирим сўрайман. Мен ёмонлик қилиш мақсадида қилмаган эдим ўшанда. Ўшанда ҳақиқатни айтганим билан нима бўлар эди? Қизингиз аллақачон қарорини қабул қилиб бўлган эди. Сизни хафа қилмаслик учун айтмаган эдим. Бўлди энди. Мен билан гаплаша қолинг.

Ёқуб имом неча кунлардан бери илк мартаба аёлига нигоҳ ташлади:

- Ниятингдан шубҳам йўқ-ку, лекин қилган хатоинг бизга жуда қимматга тушади. Менга ёлғон гапирмаганингда эди, ўзим унга яхши бир жойдан иш топиб берар эдим. Тўғри, ёмонликни истаган ҳар қаерда ҳам ўз билганини қилади-ю, лекин шундай бўлса ҳам уни ҳар куни ишдан ўзим олиб келар эдим.

Рўпарасида эски стулга ўтирган Гул хоним чуқур хўрсиниб:

- Ниятимни билдингиз, энди мен билан гаплашақолинг, деди.

- Мен-ку гаплашавераман, лекин сен билан қалбим, руҳим гаплашмаяпти. Кўнглим жуда оғриди. Ҳозирча менга тегинма, вақт ўтсин. Балки ўзимга келиб қоларман. Аллоҳдан сўраб, дуо қил. Қалблар унинг қўлидадир. У хоҳласа тузалади, хоҳламаса ҳеч нарса қилолмаймиз.

Шу пайт улар Фотиманинг эшикка суяниб турганини кўриб қолишди. Қўлини эшикка тираб сўради:

- Яна мени деб уришяпсизларми? Бу уйдаги жанжаллар хиқилдоғимга келиб кетди.

Ёқуб имом таажжубланиб:

- Қизим, қачон уришдик? – деб сўради.

Гул хоним ҳам:

- Бу гапни қаердан олдинг, қизим. Шунчаки, сал тортишиб қолдик холос. У ҳам сен сабабли.

Ёқуб имом дарров гапга аралашди:

- Бу нима деганинг, қизимиз нима қилибди-ки, уни деб гап талашсак?

Унинг нигоҳидан “эҳтиёт бўлиб гапир” деган маъно уқилар эди.

- Болам, кел вақтинг борлигида уй масаласини ҳал қилайлик. Бугун уй қидирайлик. Уни сен хоҳлагандай жиҳозлаймиз.

- Мени ишдан бўшатиб олмоқчимисиз?

Ёқуб имом сал ўйланиб қолди. “Ҳа” –деса, бу сафар қизи бутунлай қўлдан кетиши мумкин, уни секин-аста инсофга келтириши керак эди.

- Ўзинг биласан, қизим. Аввал бироз муддат уйда ўтирасан, зериксанг, бирор иш топамиз.

- Ўйлаб кўришим керак, ундан кейин иш жойимга ҳам бир ой олдин хабар беришим лозим.

Гул хоним бу сафар жуда қаттиқ ғазабланди:

- Сен қанақа оҳангда гаплашяпсан? Қаршингдаги кимлигини унутиб қўйдинг шекилли. Кундан кун ҳаддингдан ошяпсан, отангни жинни қиласан-ку.

- Мен унга жинни бўл дебманми?

- Сенга ўхшаганларнинг ўзи одамни жинни қилгани етади. Ҳа, сенинг айбинг йўқ. Айб сени эркалатган отангда.

Ёқуб имом бу гаплардан безовта бўла бошлади:

- Қизимнинг кўнглини оғритма, болам ҳаддидан ошмайди. Ошса ҳам дарров ўзини қўлга олади. Уни қаанча Қуръон курсларига юборганман. Ўқиди, ўрганди...

- Ҳа, Аллоҳнинг динига кўра эмас, фалон домланинг истагига кўра ўқитиладиган курсга. Домланинг яхши кўрган талабаси яхши, ёқтирмагани эса нуқул ёмон бўлиб чиқадиган курслар. Домлага ялиниб ялтоғланиб бизни ёмон кўрмасин дея унга қул бўлар эдик. Аллоҳдан бошқа ҳаммага қул бўлдик. Домладан тортиб уни болаларигача ҳамма ҳаммадан кўрқар эдик. Мажбуран қилдирилган ибодатлар... Битта хато қилсак, минг киши эшитиб, ҳисоб сўрайди. Худди биз ҳеч хато қилмайдиган қилиб яратилгандай. Ўша ўқишда жонимдан тўйиб кетардим, тўйиб. Биров айб қилса ҳам жазо олиш навбати менга келган бўлса калтакни мен ер эдим. Бировларнинг истагига кўра яшар эдик.

Фотима энди йиғлай бошлади:

- Ўша курсларда Аллоҳ ва унинг расули йўқдай. Қайси мавзуда кимдан қандай ҳукм келишини кутиб, кўрқиб ўтирар эдик. Энди эса сиз курсларда ўқитганман, деб мақтаняпсиз. У ерда билим олишга бўлган меҳримни ўлдиришди. Ўзимни ҳам...

Ёқуб имом ғамгин ҳолда сўради:

- Майли, илк борган жойинг шунақа эди. Кейингисидан нега кетдинг? У ер яхши эди шекилли?

- Қайси бирини айтяпсиз, эслолмадим?

- Захро билан борганларингчи...

- Ўшанда мен кетмаганман. Ўзлари ҳайдашган ...

- Нега ҳайдашади? Яхши талабани нега ҳайдашар экан?

- Кўп савол берармишман. Мени кимдир айғоқчи қилиб юборган эмиш.

- Ундан кейинги борган жойларинг-чи? Жуда намунали ўқишларни топиб берган эдим. Уларга ҳам бормадинг.

- Албатта бормайман-да. Ўзлимни йўқотиб бўлган эдим. Бир одам айтганидай “фикрляпманки, демак борман”. Фикрляпманки, савол сўрайман. Савол сўрагандан кўрқишлари керак эмас эди.

- Энди-чи, ўзингга келиб қолдингми?

Фотима бир муддат нима деб жавоб беришини билмай қолди. Гул хоним қизининг бу қилиқларига ортиқ индамай тура олмади:

- Диндан чиқмоқчи бўлган Фиръавн, “Ҳақдан келган китобни ёқтирмадим”, деб баҳона қилган экан. Ёмон курсларга дуч келган бўлсанг, исломга жаҳл қилиш керакмиди? Ўзи, калтак егинг келиб қолган. Биз ҳам қийналиб ўқиганмиз. Солдатлар келиб қолади, деб кўрққанимиз етмагандай, синф раҳбаримиз ва қишлоқ катталари сотиб қўймасин дея, муздай уйларда ўқир эдик. Лекин бошимизда отамиз бор эди. Шунга жасорат қилолмас эдик. Сенинг бошингда номи ота деган зот бор, лекин оталиқдан асар йўқ. Албатта шундай қиласан-да.

- Ойии...

- Ойи пойинг йўқ. Мен отангмасман. Қўлимга тушсанг, Аллоҳдан бошқа ҳеч ким қутқара олмайди.

Фотима ҳам яхшигина қайсарлашди:

- Йўғ-е. Аслида эски Фотимадан асар йўқ.

Ёқуб имом титраган оҳангда сўради:

- Нега ундай дейсан? Илгариги Фотимама қани, қизим?

Фотима жавоб бермас, бир нуқтага тикилиб қолган эди.

Гул хоним қизининг таъзирини бериб қўйиш учун ўрнидан турган ҳам эдики, Ёқуб имом уни куч билан тўхтатиб қолди:

- Асло, асло қизимни ура кўрма. Қўй, ичидаги дардини айтсин. Бизга айтмаса, кимга айтади?

- Бу қиз ичидаги дардини айтаётгани йўқ, ақлингизни йиғиб олинг. У бизга исён қиляпти. Курслар ёмон бўлганидан бормаганмиш. Унда муштипар онанинг курсидан нега кетди? У ерда ҳаммаси рисоладагидай эмасмиди? Дарслар доим ўз вақтида бўлар, баҳс-мунозаралар ўтказиларди. Талабалар хоҳлаганини сўрашар, ҳафтада бир марта дунёвий журнал, китоблар ўқишга рухсат беришар, Ислом ҳеч қандай уйдирмаларсиз ўргатилар эди-ку. Ўқитувчилари ҳам жуда ақли, зуко эди. У ерда ҳатто мен ҳам ўқишни истар эдим. Қизингиз бўлса, у ердан ҳам кетди.



- Тўғри у курслар менга ёқарди, лекин дарсларни яхши бера олишмади.

- Кетмасдан сабр қилсанг нима бўлар эди? Ҳа бошида шунақа бўлиб туради-да. Сал сабр қилиш керак эди. Сен бўлсанг, ўқишдан келиб деворларга манекенларнинг суратини илиб, уларга махлиё бўлиб ўтирар эдинг. Хаёлинг артису, манекенларда эди.

Ёқуб имом бу гаплардан умуман хабари бўлмаган эди

- Нимаа? Деворларга манекенларни расмини ёпиштирарди? Нега мен билмаганман?

Гул хоним эри томонга жаҳл билан ўгирилиб деди:

- Сиз қизингиздан хабар олиб турармидингиз? Назарингизда қизингиз фаришта эди. Хўп майли. Бу мавзуни бас қилайлик-да, сизлар бориб уй қидиринглар. Қара, даданг сени деб, ижарага уй қидиряпти. Ҳалиям унинг қадрини билмайсан. Виждонинг борми, ўзи?

Ёқуб имом аёлига ғамгин назар ила боқди. “Бечора, қизининг қилиб юрган ишларидан хабар топса, юраги тўхтаб қолса керак”, - деб ўйлади. Ўзининг бу ишларга қандай тоқат қилиб юрганига ҳайрон қолар ва ўзига сабр сўрар эди.

- Аслида, ўзини айблай олмаганлар бировлардан айб қидиради. Шунча пайт курсларга қатнади, сиз шунча йил тарбия бердингиз. Фотима ошхона тарафга йўл олар экан, - Лекин бир тийинлик фойдаси бўлгани йўқ, - деб гапида давом этди Гул хоним.

Ёқуб имом қизига эшитиларли қилиб:

- Янглишяпсан, хотин. Заррача иймони бўлганларга олган билимлари бир кун келиб албатта асқотади. Билим олтинга тенгдир. Вақт ўтса ҳам қиймати тушмайди, - дерди-ю, лекин ич-ичидан йиғлар эди. Сўнгра қизига:

- Бўлақол қизим, юр уй қарашга борайлик, - деди.

- Бугун бора олмайман. Олдин ишдан рухсат олай, бошқа куни борамиз. Бугун кеч бўлса ҳам боришим керак, деди.

Фотима тайёргарлигини кўриб уйдан чиқиб кетаётганида Ёқуб имом унинг ортидан руҳи ёнган ҳолда қараб қолди.

Кейинроқ Ёқуб имом азон ўқиди ва жамоат бўлиб намоз ўқишди. Намоздан сўнг имом жамоасига юзланиб:

- Биродарларим, агар рухсат берсангиз, бугун сизлар билан бироз суҳбат курсак.

Жамоа аъзолари бу таклифни эшитиб, севиниб кетишди.

Ёқуб имом ичидаги алангаланган олов унинг ташидан ҳам сезилар эди. Одамлар орасида дўсти Аҳмад ҳам бор эди. Баъзан кўзлари тўқнаш келганда, кўзларини олиб қочар эди. Бисмилло деб сўз бошлади:

- Муҳтарам биродарлар, бугун сизлар билан бола тарбияси ҳақида гаплашмоқчиман. Бу мавзу кундан кун долзарб масалага айланмоқда. Сал кеч қолдик, лекин ҳеч бўлмагандан кўра... Менинг ҳам ақлим энди кирди. Мен фарзандларимизни тарбиялаётганимизда исломий қонун-қоидаларга асосланмаганимизга ишониб бормоқдаман. Турли янглиш чекловлар билан болаларимизнинг дунёларини остин-устун қилдик. Тўп ўйнама, Ҳазрати Ҳусайннинг боши дедик, қўғирчоқ ўйнама, кейин унга жон ато қилишинг керак бўлади, деб хар ҳил уйдурма гапларни гапирдик.

Болаларимизга исломни севдириб эмас, қўрқитиб ўргатдик. Динсизликка нисбатан болаларимизда нафрат уйғотмадик. Улар эса нафратларини оналарига ёки бир-бирларига нисбатан ишлатишди. Кеча бир ёзувчи дўстим янги нашрга тайёрлаган китобини кўз югуртириб чиқишим учун берди. Бечора, у мени ҳамма нарсани билади, деб ўйлайди. Бу китобнинг нашр этилганини эшитишингиз билан уни олиб ўқинглар. Ёзувчининг фикрларига диққат қилинг, бир бўлимини ўқиб бераман.

**“Севининг ҳам нафратланишинг ҳам ўз қоидалари бор. Душманларимиз ҳам бу қоидаларни жуда яхши билади ва ўз ўрнида фойдаланишади.**

**Ёшларимизга кино, театр ва шунга ўхшаш йўллар билан таъсир кўрсатишяпти. Баъзида биргина карикатура ҳам уларнинг дунёқарашини ўзгартиришга етиб ортяпти.**

**Сабаб?**

**Сабаби зоятда аниқ. Биз болаларимизга душманларимиз ва уларнинг ҳийлаларини умуман ўргатмадик. Уларга таҳорат, намоз, Қуръонни ўргатиш етмайди. Бироқ биз етади, деб ўйладик.”**

Ёқуб имом кўз ёшларини тута олмади:

*“Қайси ота ўз фарзанди билан сайр қилгани чиқади? Қайси ота-она жигарбандини суйиб, эркалаб намоз ўқишни ўргатяпти? Қайси ота-она фарзандлари билан дўст тутинган? Бу хислатлар жуда камчилигимизда мавжуд. Қоп-қора тахтада оқ нуқталар тахтани оқартира олмайди-ку”.*

Кўзёшлар имомнинг яноқлари-ю, бурнидан оқар эди... Бошини кўтариб жамоага назар ташлади.

- Биродарлар, мен бу ёзилганларни бажара олмадим. Чиройли муомала етади, деб ўйлар эдим, етмас экан. Келинг ҳаммамиз бир бўлиб бу хатоларимизни тўғрилайлик. Ичингизда бирортангиз шу сифатларга эга бўлсангиз, айтинг, дуоингизни олайлик, қўлингизни ўпайлик.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Кутилмаганда у Диний қўмита тарафидан юборилган тафтишчига кўзи тушди. Тушунарли... Дарҳол курсидан тушиб, тафтишчининг олдига келди.

- Хуш келибсиз. Ҳойнаҳой мени қидириб келган бўлсангиз керак.

- Ҳа, сизни сўраб келдим.

- Марҳамат, эшитаман.

- Устингиздан шикоят тушган. Масжид ҳовлисини бозорга айлантириб юборибсиз. Шу тўғрими?

- Бир аравачада озгина мева сабзавот сотяпман, лекин бу хизмат вазифамга салбий таъсирини кўрсатгани йўқ.

- Бу ишни Давлатимиз ман қилган. Протокол тузишга мажбурман.

Буниси энди ортиқча, Ёқуб имомнинг дармони қолмаган эди.

- Неча йилдирки сургунликда азоб чекдим. Бола чақам ҳам мен билан бирга қийналишди. Агар яна сургунлик ҳақида фармон келса, кўтара олмайман. Шундоқ ҳам дардим тоғлардан ошиб кетган.

- Ким шикоят қилибди? – гапга аралашди Аҳмад.

- Жамоатдагилардан...

Ёқуб имом жамоатга бир назар ташлаб олгач деди:

- Йўқ, жамоадагилар бундай қилишлари мумкин эмас, ахир мен уларга умримни сарфлаганман. Илтимос протокол (баённома) ёзманг, ёлвораман.

- Давлатнинг ҳам ўзига яраша қонуни бор.

- Унда давлат маошимизни кўтариб қўйсин. Етмаяпти ахир. Олган пулимиз еб-ичишдан ортмайди. Илгари бир шаҳарда яшасак ҳам, ота-онамни кўргани бора олмас эдим. Энди эса кун ора хабар олиб келаман. Сал кўкрагимга шамол тегди десам, бу хайфсан иши. Ёлвораман, шундоғам дардим кўп.

Тафтишчи ўйланиб турар экан, жамоат ўрнидан турди:

- Йўқ, биз имомимиздан жуда мамнунмиз. Орамиздан ундай одам чиқиши мумкин эмас. Кимлигини айтинг ёки жамоамизни ёмон отлиқ қилманг. Акс ҳолда, устозимиз биздан шубҳаланиб қоладилар.

- Айта олмайман.

Сўнгра тафтишчи имомни ташқарига имлади.

- Бирор ҳолироқ жойда гаплашайлик.

- Марҳамат, уйга чиқайлик.

Ёқуб имом яна зиналардан зўрға кўтарилар эди. Уйга киришгач, тафтишчи ўзига кўрсатилган курсига ўтирди, имомга бошдан оёқ разм солгач деди:

- Майли, протокол тузмайман. Бориб ҳеч қандай шубҳали нарсага кўзим тушмаганини айтаман. Бироқ сиз ҳам у ишингизни йиғиштиринг, келишдикми?

Ёқуб имом қизига берган ваъдасини ўйлади. Буёғига нима қилади? Қизини қандай қилиб тўғри йўлга бошлайди? Лекин мажбуран сўз берди.

Тафтишчи кетгач дарров уйдан чиқди. Телбаларча қадам ташлар, ҳеч нимани ўйламас эди. Бироз вақт ўтгач, Усома ёдига тушди. Дарров бориб уни топгиси келди. Қизини ўйлаб яна ўғли хаёлидан кўтарилибди. Усома ўртоқлари билан ўйнар эди. Аввал бир чеккада ўтириб уларни томоша қилди. Усома отасини кўрган заҳоти югуриб келди.

- Тинчликми дадажон, бирор нима бўлдимми?

Ёқуб имом мажолсиз жавоб берди:

- Нима бўларди, ўғлим. Шунчаки олдингга келдим.

Усома ҳайрон бўлганди.

- Яхши-ку лекин нега келдингиз?

- Ота-ўғил бир айланиб келайлик, дедим-да. Юр, Лунапаркка борамиз.

Тавба дадасига нима бўлди экан?

- Хўп дада, юринг.

Ўғли билан бир неча соат сайр қилди. Чиройли суҳбатлар қуришди, Усома қайси арғимчоққа ўтиргиси келса, ўшанга миндирди.

### Имомнинг манекен қизи (6-qism)

Туни билан ўйлаб чиққан Ёқуб имом нонуштага чақиришганида ҳалиям мотамнамо кайфиятда эди. Гул хонимнинг эътиборини эрининг сочида оқ толалар кўпайиб кетгани тортди.

- Азизим, сочларингиз оқариб кетибди.

Сал ҳайрон бўлган эди-ю, бироқ ҳеч нима бўлмагандай жавоб берди.

- Оқаради-да. Кундан кун дунё ташвишлари ортяпти. Қувватдан қоляпмиз. Қарияпмиз. Нариги дунёга тайёрланыпмиз. Нима ҳам қилар эдик?

Фотима ҳам кўз тиғи билан отасининг сочларига қаради. Ростдан ҳам оқариб кетибди. Нега бирдан оқариб кетди экан? Ҳайрон бўлган бўлишига қарамай, ҳеч нима демади. Онасига берган жавобни қайтаришини билар эди. Ошхонага кирди. Кўзлари айвонда ўтирган йигитга тушди. Йигитча яна уларнинг деразасига қараб турар эди. Кўзлар тўқнаш келгач, йигитча шошиб нигоҳларини дарров олиб қочди.

Фотима алланималар деб асабийлашию пардани тортди. Кўп ўтмай Фотима уйдан чиқди. У йигит яшаган уйнинг олдидан тез-тез юриб ўтиб кетди. Бирдан унинг онаси билан тўқнаш келди. Дарров онасига ўғлидан шикоят қила бошлади.

- Хола, ўғлингизга айтиб қўйинг, менга қарамасин. Асабийлашганимдан ўзимни тутта олмаяпман.

Аёл ҳайрон бўлиб қолди:

- Нима деяпсан, қизим. Ўғлим ҳеч кимга қарамайди. Сенга шундай туюлган бўлса керак.

- Қўйсангиз-чи, нуқул кўзлари бизнинг деразада, менда.

- Сен қарамасанг, унинг қараганини қаердан билдинг?

- Кўзларим бўлганидан кейин кўраман-да.

- Ўғлимникиям кўз-да. Уйларингиз бизникининг тўғрисида бўлса, билмай қараб юборса керак. Агар ўғлим чиндан ҳам сенга қараётган бўлса, унга ачинаман.

Бу гап Фотимага қаттиқ тегиб кетган эди.

- Нимага энди?

- Нега бўларди. У аслида сендан нафратланади. “Имомнинг қизидай бетарбияси қизни кўрмаганман. Оёқлари меникидай бўлиб қолганда нима қилар эди, билмайман”, - дейди. Сени жуда эркатой қиз, деб ҳисоблайди. Шундаям сени севиб қолган бўлса, у чиндан ачинарли ҳолдадир. Кечагина сенинг одамгарчилигинг қолмаганини айтган эди.

- Ўғлингизга айтиб қўйинг, менинг одамгарчилигим жойида, у ўзини билсин.

- Менинг боламнинг ҳам одамгарчилиги жойида. Сен уни ҳақорат қилиб, ерга урма. Аллоҳ кўрсатмасин, бир бахтсиз ҳодиса туфайли сен ҳам унинг ҳолига тушишинг мумкин.

- Ўзи асрасин.

- Асрасин-ку, лекин бу тақдир. Асрамаса, кейин ўзинг уялиб қоласан.

Ёқуб имом ҳалиям паришон эди. Бирор чора топишга интилар эди. Ўша куни кечаси Фотима уйга келмади.

Имом Хуфтон намозидан кейин кўзи илиниб ухлаб қолган эди. Уйғонганида кечаси соат 2 бўлибди. Гўё юрагини оғир юк босиб тургандай бўлиб, ўрнидан сакраб турди ва Фотиманинг оёқ кийимига қаради. Қизи келмабди. Аёлини уйғотмоқчи бўлди, лекин у ҳам неча кундир ҳол-мажолсиз, чарчаган. Уйғотишга кўзи қиймади. Кийиниб Бетуш холаникига борди. Жаҳл билан эшик қўнғироғини босар, ичкаридан овоз келгачгина сал ўзига келди.

- Ярим кечаси қайси тарбиясиз бўлди?

- Мен Ёқубман, эшикни очинг.

- Нега очар эканман. Мен бир бева аёлман, бу вақтда ҳеч кимга эшикни очолмайман.

- Қизимни олиб кетгани келдим. Бу сафар жуда қаттиқ ғазабланганман. Эшикни очингда, қизимни олиб кетай.

- Бу ерда қиз-пизингиз йўқ.
- Биладан, у ичкарида. Эшикни оч, бўлмаса ўзимга жавоб бермайман.
- Нима қиласан, эшикни синдирасанми?
- Ҳар нарса бўлиши мумкин. Тинчгина эшикни очинг.

Аёл эшикни очишга мажбур бўлди.

- Кирақол, қани нима топаркансан?

Ёқуб имом зинадан ўқдай учиб чиқди. Ҳамма ёқни қараб чиқди-ю, қизини топа олмади.

Эртасига Бетуш бу вазиятни бошқачароқ таърифлаётган эди:

- Нимаймиш, ярим тунда келиб туйғуларимни жоловлай олмаяпман, дея эшигимнинг тагига ётиб олди. Яна эшикни очмасанг, синдираман, дейишига ўлайми? Ҳайрон қолдим. Сиз имом бўлсангиз, бу қилиқлар сизга ярашмайди, дедим.

Бу гапларни эшитиб турган аёллардан бири ғазабини тия олмай ўрнидан сапчиб туриб кетди.

- Йўқ, йўқ! Бўлиши мумкин эмас, Ёқуб имом бундай қила олмайдилар.

- Қўйсангиз-чи, нима мен буларни ўзим ўйлаб топибманми?

- Бўлиши мумкин. Шунини хоҳлаганингиз учун уйдирётган бўлишингиз мумкин.

Бу гап-сўзлар оғиздан оғизга ўтиб, ниҳоят Ёқуб имомнинг қулоғига етиб борди. Имом хомуш тортиб сўради:

- Бу гапларга ишонганлар бўлдимми?

- Йўғ-е, ишонганлар 3-5 кишидан ортмайди. Ишонишса нима қилган бўлар эдингиз?

- Имом ўзига ишонмайдиган жамоага имомлик қила олмайди. Агар шундай бўлса, мен дарҳол бу ердан кетар эдим.

Масжид ҳовлисида авж олган бу гап-сўзлар давом этар экан, Аҳмад келиб қолди:

- Тинчликми, анави номуссиз сиз ҳақингизда нималар деб юрибди? Ҳаддини билдириб қўйсак бўлармиди?

- Қўйсангчи, дўстим. Унинг гапларига парво қилмаганлар ҳаддини билдириб бўлишибди ўзи. Одобсизлар билан тенг бўламизми? Аслида бундан ҳам муҳимроқ қайғуларим бор. Дўстим, қизим йўқолиб қолди. Ишхонасига телефон қилсам, кеча ишдан бўшаб кетди, дейишди. Оғир вазиятда қолдим, бу жамият боламини қўлларимдан тортиб олди.

Иккалалари ёлғиз қолишганида имом кўз ёшларини тия олмади:

- Хотиним, сиқилиб ётиб қолди. Менинг ҳам аҳволим яхши эмас. Ҳазрати Ёқуб каби сабр қилишдан ўзга чорам йўқ, лекин сабрим етмаяпти. Шунинг учун ёняпман.

- Сабр қилишдан бошқа иложинг йўқ. Сабр қил. Нима ҳам қила олардинг?

- Ҳаракат қиляпман. Роббим сабр берсин. Салдан кейин мелицияга бораман, аммо нима дейишимни билмайман. Бунинг устига қизим ўн саккизга кирди. Қонунга биноан энди қизимнинг ҳаётига аралашаишга ҳаққим йўқ. Ғарбдан намуна қилиб олинган бу қонунни деб, ёшларимиз қўлдан кетяпти.

\* \* \*

Posted by Family Novels at [11:48 AM](#) [0 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

**Saturday, August 21, 2010**

**[Имомнинг манекен қизи \(7-qism\)](#)**

*Ёмондан дўст чиқмайди!...*

Фотима отаси унинг иш жойини ва қандай иш қилаётганини билгач, борадиган жойи ёлғиз Бетуш холасиники эди. Лекин битта маҳаллада яшаганлари учун бора олмаганидан, телефон қилди холос.

Бетуш хола телефонга жавоб берар эди:

- Яхши қилибсан. Қайси замонда яшаяпмиз ўзи? Бу замонда имомнинг қизи бўлиш осонми? Қўявер, кунингни кўриб кетасан. Қизларимнинг олдига бор. Уларга телефон қилиб кўйдим, яхшилаб кутиб олишади.

Фотима айтилган манзилга етиб борди.

Уйда бир аёлдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Аёл уни очиқ юз билан кутиб олди:



- Марҳамат қизим, бу ерни уйингдай кўравер. Келақол, қани аввал танишиб олайлик-чи? Кимсан, қаердан келдинг?

Фотима Чечак исмидан отасининг хабари борлигини эслаб, яна янги исм қйлаб топди:

- Исми Демет. Сизникичи?

- Меники Райҳон, қизим сен ҳам манекенмисан?

- Ҳа, манекенман.

- Яхши, яхши, Аллоҳ хоҳласа доим манекенлигингча қоласан. Бу ерга келганларнинг баъзилари манекен бўлди-ю, лекин баъзилари бошқа нарса бўлиб кетишди.

- Аллоҳ асрасин, мен бошқа нарса бўлмайман.

Райҳон анча тажрибали аёл эди:

- Иншаоллоҳ бўлмайсан-ку, лекин ўзингга эҳтиёт бўлишинг керак. Улар ўз йўриғига секин-аста солишади. Ҳали ор-номусини йўқотмаган қизга ўхшайсан. Ўзингга эҳтиёт бўл, хўпми? Ким қаерга таклиф қилса кетаверма. Ётоғига чорлай олмаганлар, аввал овқатланишга таклиф қилишади. Ўша таклифнинг охири бахайр эмас, болам. Яхшилик қилмоқчи бўлса, ана борсин, кўчада қанчадан-қанча қийналган болалар бор, камбағаллар бор, ўшаларни таклиф қилсин. Ёмон йўлга юришни истамасанг, ҳеч кимнинг таклифини қабул қилма. Дискотекаларга борма. Дарров бу мавзуни очганимнинг сабаби, бошқаларнинг йўғида аввал инсонийлик вазифамни бажариб қолай дедим. Ароқни эса умуман оғзингга олакўрма. Ишдан уйга, уйдан ишга бор.

Диний таълим олмаган Райҳон хола ўзича фатво ҳам берар эди:

- Ҳали ёшсан, вақти чоғлик қилмоқчи бўлсанг, казинога ўхшаган одам гавжум жойларга бор. Менинг ҳам сендай қизим бор. Ёмон йўлга киришини истамайман...

Фотима Райҳон холанинг гапларини диққат билан тинглади. Кўп ўтмай иккита манекен қиз келиб Фотима билан таниша бошлади:

- Мен Фигоман, бу дугонам Барно.

- Мен эса Демет.

- Неча йилдан бери манекенлик қиляпсиз? – сўради Фиго.

Фотима сал ҳижолат тортиб:

- Бу ишни яқинда бошладим, - дея жавоб берди.

Фиго тинмай савол берар эди:

- Учрашиб турадиганинг борми?

- Йўқ!

- Унда ўзим сенга топиб бераман.

Барнонинг жахли чиқиб кетди:

- Нимага сен топиб берар экансан? Керак бўлса ўзи топади. Сен нима ҳалигинақамисан?

- Ҳалигинақа бўлсам нима қипти?

Барно бу қизнинг гапларига чидай олмас эди:

- Неча ойдан бери менгайм шу гапни уқтирмоқчи бўляпсан. Энди қўлингдан ҳеч нарса келмаганидан, бу қизга ёпишяпсан.

Фиго билан Барно гап талашиб қолишди. Фотима ҳам қаерга келиб қолдим, дея уларга тикиларди. Сўнгра Фиго магнитофонни қўйиб, рақсга туша бошлади. Фотима эса уларга анграйиб қараб қолган эди.

Кеч бўлиб қолган, Фотиманинг қочоқдаги илк туни эди-ю, аммо буларнинг ҳеч қайсиси унга ёқмаётган эди. Ётоғига ётгач, ўйлай бошлади: “Энди озод, бахтли бўла олармиканман? Истаганимдай яшасам, нималарга эриша оламан?” Буларни ўйлаб бирдан Фотиманинг туклари тикан-тикан бўлиб кетди. Аммо у ҳаммасига қўл силтаб яшашни маъқул кўрди.

Пул-мули ҳам йўқ эди-ю, яна ёрдамга Бетуш холаси етишди. Анча мунча пул бериб, топганинга тўларсан, дея тилхат ҳам ёздириб олди.

Фотима эртасига бориб ўзига янги кийим-кечак сотиб олди. Янги иш жойида бошқалардан кам бўлмаслиги керак эди-да. Кеч бўлгач, турган уйига яна иккита манекен қиз келиб жойлашди. Улар Фигонинг дугоналари эди. Барно эса уларни умуман ёқтирмас, уларга нафрат кўзи билан қараб, Фотиманинг қулоғига шивирлади:

- Одам қаерда бўлган тақдирида ҳам одамгарчилигини йўқотмаслиги керак. Булар манекенми, суюқоёғми билиб бўлмайди. Бизга ўхшаган манекенларнинг ёмон отлиқ бўлишига сабаб бўлишади.

Фотима энг номусли манекен ҳам оёғини очиши кераклигини ўйлаб, минғирлаб деди:

- Тўғри айтасан, мен илгари ишлаган жойимда ҳам шунақаси бор эди.

- Манекенлар замоннинг пул машинаси бўлиб қолган. Ҳамма улардан фойдаланиб пул ишлаб олсам, дейди. Баъзи жойларга бошлашади-ку, ақли бўлганлари бормайди. Мен ҳам манекенман, лекин мени ҳеч ким йўлдан ура олмади, унаштирилган йигитимдан ташқари... Унинг йўриғи бошқа.

Фиго қизларга:

- Қани қизлар бўлақолинглар, бугун казинога борамиз. Поп илоҳини тинглаймиз, қани туринглар! – дея кутилмаганда мурожаат қилди.

Барно кўнмади:

- Мен бормайман, йигитим олиб боради.

- Турақол, бу аҳмоққа ишонма, деб Фотимани мажбур ўрнидан турғазишди.

Казинога етиб боришганида Фотима тинмай ўнг-чапига қарар эди. Уни бирортаси кўриб қолса нима бўлади? Улар жойлашиб бўлишгач, Поп қироли саҳнага чиқди. Қизлар ўтирган жойларидан рақсга тушишар, мусиқа темпига мос ҳаракат қилишар эди. Аввалига Фотима уялиб ўтирди, вақт ўта бошлагач, у ҳам мусиқа темпига мослаша бошлади. Уйдан қочганининг иккинчи куни у ўзини жуда ўзгача муҳитда кўрди. Бир тарафдан хафа бўлса, бошқа тарафдан эса ўша муҳитга мослашишга интилар эди.

Эртасига Фотима жуда хорғин ҳолда уйғонди. Қизлар уйғониб, нонушта тайёрлаш билан овора эдилар. Фиго Фотимага ўгирилиб, унга хушxabар айтди:

- Мана ишинг ҳам ҳал бўлди. Энди Дамла мода уйида Гунгўр бейнинг олдида ишлайсан. Эҳтиёт бўл, сал хотинбозроқ. Ўз манекенларининг бировники бўлишини хоҳламайди.

Фотима бундай гапларга ҳали одатланмаганидан:

- Нима мен сотиладиган молманми? – деди.

Фигога бу гап тегиб кетди:

- Нима биз сотиладиган молмизми?

- Сизни билмайману, лекин мен унақаларданмасман.

- Агар бу фикрларингни ўзратирмасанг, ҳеч нарсага эриша олмайсан.

Бу гал Барно гапга аралашди:

- Бу нима деганинг, мен-чи? Мен нимага эришган бўлсам, билагимнинг кучи билан эришдим.

Яна гап талашиб қолишди. Барно мавзуни бошқа ёққа буришга интилса ҳам, Фиго яна шу мавзуга олиб келар эди.

Эртасига Фотима мода уйига етиб борди. Гунгўр бей унга бошдан оёқ разм солгач:

- Мана буни кийиб менга кичкинагина мода намоёйиши қилинг-чи, сизни кўриб олай, - деди.

Фотима кийиниб чиққач, Гунгўр бей қарорини қабул қилди:

- Ҳим... қоматинг ҳам қадам ташлашинг ҳам жуда чиройли экан. Ишга оламан.

Фотима ишни бошлаганига орадан беш кун ҳам ўтмаган эди ҳамки Гунгўр бей унга таклиф кирита бошлади:

- Дебет хоним, танишганимизни ювиб, бирга тушлик қилмаймизми?

Фотима ўйлаб ҳам ўтирмай, жавоб берди:

- Ташаккур, лекин мен ҳеч ким билан овқатлангани бормайман.

Гунгўр бей креслосидан туриб, Фотиманинг олдига келди:

- Мен ҳеч кимманми? Сенинг бошлиғингман. Отанг қатори бўлсам.

- Катта раҳмат, лекин менинг қарорим қатъий.

- Тушунмаяпман, нима сабабдан ахир. Бирор консерватор оиладанмисан дейман? Эътиқодинг йўл қўймайдими? Ёки йигитинг борми?

- Эътиқодлиман, албатта.

Гунгўр бей жуда носамимий тарзда қаҳқаҳа уриб деди:

- Олдимда мини юбка киясанку, овқатлангани бормайсанми? Сафсатангни бас қил.

Фотима шундоқ ҳам неча кунлардан бери тўлиб юрган эди. Ўша дақиқаларда биринчи марта динга эҳтиёж сизди. Илгарилари фойдаланмаган билимлари ҳозир асқотишини ҳис қилди.

- Нега сафсата бўлар экан? Одамлар бир гуноҳни қилишаётган бўлса, кетидан барча гуноҳларни қилиши керакми?

- Қизим, овқатланиш қанақасига гуноҳ бўлсин? Бўлди қил энди савоб-гуноҳларни. Қайси даврда яшаяпмиз ўзи?

- Бунинг замон билан алоқаси йўқ. Дин диндир, динсизлик эса динсизлик. Динсизлик Ислом динидан фойдалироқмидики, уни замонамизга эп кўряпсиз?

Гунгўр бей ҳайратланиб деди:

- Ҳақиқатдан ҳам чиройли гап гапирдинг. Бу гапингни ёзиб, деворга осиб қўяман.

- Катта раҳмат.

- Раҳмат айтишни йиғиштириб, қачон ресторанга боришимизни айтгин.

Фотима асабийлашаётган бўлса ҳам, билинтирмасликка уринар эди:

- Бормаймиз, бу гапни сизга олдин ҳам айтганман.

- Хато қиляпсан. Мен билан яхши чиқишсанг, ўзингга яхши бўлади. Сени бутун давлатга машҳур қилиб юбораман. Қўл остимда қанчадан –қанча мухбирлар ишлайди. Хоҳласанг кийган ички кийиминггача машҳур қилдираман.

- Мен машҳур бўлгим келяпти, демадим-ку.

Гунгўр бей асабийлашиб қўли билан ишора қилиб:

- Бўпти, бўпти, кетишинг мумкин. Эртага Хилтонда мода намоиши бор. Бугун яхшилаб дам олинглар. Эртага кўринишингиз жойида бўлиши керак. Вақтида етиб боринглар. Намойишдан олдин тайёргарлик кўриб оламиз.

Фотима эртасига эрталабдан Хилтон меҳмонхонасининг салонига туша бошлади. Бир қанча қизларнинг подиумда алламбало кийимларни кийиб олганларини кўрди. Кўп ўтмай уларнинг қаторига ўзи ҳам қўшилди.

Гунгўр бей Фотиманинг қўлига бир кийим бериб тушунтира бошлади:

- Бу кийимни ич кийимсиз кийиб чиқасан, жуда жозибали кўринишинг керак.

Фотима бундай гапни биринчи марта эшитар эди. Уялиб кетган, асабийлашиб титрар эди:

- Мен бунақа кийина олмайман.

Гунгўр бейнинг жаҳли чиқиб кетди:

- Бу нима деганинг? Сен бу ерни монастир деб ўйлаяпсанми? Манекенликни ўрганаётганингда буларни тушунтиришмаганми? Бизга замонавий манекенлар керак.

Фотима отасининг ҳақ эканлигини анча олдин тан берган эди. Замонавийлик деганда гуноҳ қилишнинг чек-чегараси йўқ эди. Йўқ қила олмаган иймони ғалаён қилар, жуда асабийлашган эди.

- Замонавий бўламиз деб, ҳамма ёғимизни кўрсатиб юришимиз керакми?

Гунгўр бей тишларини ғижирлатганча жавоб берди:

- Ҳа, жонгинам, керак бўлса шундай қилишга мажбурсиз. Шу баданингиз бўлмаса нима қийматингиз бор? Жозибадорлик муҳим бўлмаганда эди, картонлардан манекен ясаб намоиш ўтказаверар эдик.

Бироздан сўнг у яна таклифини қайтарди:

- Бўлақол, бизга домлалик қилмасдан бориб кийиниб чиқ.

Фотима нима бўлганда ҳам илмли қиз эди ва қалбидаги ҳар нечук бўлса-да иймон эди. У қатъий қарор қилди:

- Йўқ, бу кийимни сиз айтгандай қилиб ўлсам ҳам киймайман. Харидор бизга баҳо берадими ёки кийимларгами?

Бу гал Гунгўр бей жудаям жиғибийрон бўла бошлади:

- Бизга маъруза ўқимай кўзимдан йўқол. Иккинчи қорангни кўрсатма!

Фотима ҳам ўшқириб берди:

- Айтмасангиз ҳам кетаман. Сизнинг бозорингиз юришсин деб ўзимни сотишим қолган эди.

Гунгўр бей сал ўзига келиб:

- Мини юбкани кийволиб ўзингни ким деб ўйлаяпсан, товуқ мия. Сал замонавийроқ бўл, замонавийроқ.

Фотима зиналардан юқорига кўтарилар экан, ўз-ўзига минғирлаб деди:

- Энди тушундим замонавийликнинг сирини. Ҳатто мини юбка ҳам замонавий бўлишга етмас экан.

Posted by Family Novels at [5:42 PM](#) [0 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

**Friday, August 20, 2010**

### **Имомнинг манекен қизи (8-qism)**

*Секин-аста қадам ташланган  
зулматдан ойдинликка чиқиш осонмас...*

Фотима бор ҳасратини Барнога тўкиб-сочди.

- Жуда яхши қилибсан, агарда бирор инсон ниманидир хоҳламас экан, уни тушуниш керак. Мен ҳам ҳар қандай кийимни кийсам ҳам, ўзимга яраша принципларим бор. Улардан юз ўгира олмайман.

Фиго эса тинмай қизларга нималарнидир тушунтирар, гўё уларни ўзгача ҳаёт тарзига кўниктирмоқчи бўлар эди:

- Бирор бойвачча қарияни топасан-да, уй-жой олдиргач жавобини берасан.

Дастурхон тузаётган Райхон хоним Фигога ўқрайиб қаради:

- Бу гап оғзингдан тушмайди-ю, лекин ўзинг ҳалиям бирортасини тополмадинг.

- Мен бир кишига боғланиб қололмайман.

- Сен нимага фоҳишахонада ишламаётганингга ҳайронман, - дея аччиқланди Барно.

Фотима уларга қараб ҳозир яна жанжал бошланади деб турарди-ю, аммо Фиго сир бой бермас эди.

- Вақти келиб балки шундай ҳам бўлар. Пул қаерда бўлса мен ҳам ўша ерданман.

Фотима билан Барно ҳоли қолиб суҳбатлашишар эди:

- Бу қиз бу ерга келганларнинг қанчасини йўлдан урди. Нимаймиш? Қайси замонда яшаяпмизмиш. Сен Бетуш билан бундан эҳтиёт бўл. Менимча улар иккаласи аёллар савдоси билан шуғулланади. Бўлмаса охирги уч ойда бу ерга келганлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетармиди?

- Йўғ-е, Бетуш хола ўшанақа бўлганда, бой-бадавлат яшамасмиди?

- Улар маҳалладаги қизларни манекен, артист ёки қўшиқчи қиламиз, деб ишонтириб, кейин сотиб юборишади. Қизларни “махсус уй”ларида эркакларга ўргатиб олишади-да, кейин қолганини ўзинг тушуниб олавер...

Фотима ҳайратланиб сўради:

- Унда сен бу ерда нима қиляпсан?

- Менга ҳеч ким ҳеч нима дея олмайди. Унаштирилган йигитимни танишади. Агар менга бирон нима бўлса, йигитим уйларини бузиб юборади. Шунинг учун менга тегишмайди. Сен ўзингга эҳтиёт бўл.

Ўша тун Фотима учун жуда ваҳимали ўтди, эртасига эса у яна газета эълонлари орқали иш топишга киришди.

Бир неча кун ўтиб, иш топди. Аввалига ҳаммаси жойида эди. Хўжайинлари ёмон одамга ўхшамас эди. Янги иш жойида янги дугоналар орттирган, энди улар билан бир уйда яшашни бошлаган эди.

Манекенларнинг кўпчилиги иш вақти тугагач, уй-уйларига йўл олар, фақатгина уйдан қочган ёки уйи узоқда бўлганларгина биргаликда ижарага уй олишган эди. Янги дугоналарининг орасида ҳам номус ҳиссидан анча йироқ бўлганлар бор эди. Айниқса Жамила ва Наримонлар ахлоқсизликда дарс берар эдилар.

Фотима эса улар билан бирга, улар билан сайрга чиқар, муסיқа тинглар, хуллас бир муҳитда бир уйда яшар эди.

Бир куни кечаси ҳашаматли меҳмонхоналарнинг бирига овқатланишга боришган, барча дугоналари ароқ ичишар эди. Фотиманинг ҳам олдида қадах бор эди. Наримон қадахни тўлдириб:

- Бўлақол Демет, сен учун, соғлиғинг учун олдик, - деди.

Бу таклиф Фотимага жуда оғир ботган, нима дейишини билмай қолган эди.

“Ичмасам, мени замондан ортда қолган, эскича деб масхара қилишармикин?” – дея хаёлидан ўтказди.

Нега бошқалар учун жуда осон бўлган иш, унга келганда иложсиз машаққат бўлиб қолди экан? Ароқни оғзига олиб борар эди-ю, кейин яна жойига қўйиб қўярди. Тавба, одам шунақа қилиб секин-аста эгри йўлга кирадими? Райхон



хоним ҳам отасидай гапирган эди: “Улар одамни секин-аста йўлдан уришади”. Бирдан отасининг ичкилик ҳақида айтган сўзлари ёдига тушди:

- Ароқ ичган одамда аввал ҳаё, кейинчалик эса қўрқув туйғулари йўқолади.

Нега айнан шу пайт дадасининг гапини эслади? Нега замонавий қизлар даврасида бўла туриб, ўзи хоҳлагандай яшай олмаяпти? Унга моненьлик қилаётган нарса нима эди? Уйдан кетди-ю, аммо нега ич-ичидан ўзгара олмаяпти? Нега бошқалардай бўла олмаяпти? Стол атрофида ўтирганлар ҳам Фотиманинг ичмаганини пайқаб қолишди. “Кўтар, ич”- деб туриб олишди.

- Ич, сен ичи тўла дард одамга ўхшайсан, ичгин-да бизга ёрил.

Ҳамма унинг ичишини истар эди.

Фотима қадаҳни яна оғзига олиб келди-ю, аммо ича олмади. Бирдан қарор қилди. Бўлди, энди ичади. Кўзларини чирт юмганча яна қадаҳни тезлик билан оғзига олиб борди. Йўқ, бўлмади.

Хаёлига Аллоҳ келаётган эди. Бу муҳитда у Аллоҳни, динни, пайғамбарларни, ҳамма ҳаммасини унутишни истар эди, лекин улар ўз-ўзидан хаёлига келаётган эдилар. Қуръонни ёд олганлиги миясига ўқ каби урилди. Бу хаёлларнинг ўрнимикан?- дея ўзидан жаҳли чиқди, бироқ ҳарнечук ўз-ўзини енга олмаётган эди.

Ўша кундан кейин Фотима ўзини қанчалик замонавийлаштиришга уринмасин, қила олгани фақатгина мини юбка кийиш бўлди, аслида унга ҳам кўника олмаётган эди.

Бир неча кун ўтиб, Бетуш уни иш жойини топиб келиб, пулларининг ҳаммасини талаб қила бошлади. Фотима эса чорасиз ёлворар эди:

- Бетуш хола, ўшанча пулни қандай қилиб бирданига тўлай оламан? Рухсат берсангиз, бўлиб-бўлиб тўласам.

Бетуш юзини буриштирганча деди:

- Йўқ, рухсат бермайман. Пулимни ҳаммасини бермасанг, дадангга қаердалигингни айтиб, манзилингни бериб юбораман.

- Яхши, бир ойдан кейин пулингизни бериб юбораман.

Бетуш кетгач эса Фотима ўйлай бошлади. Бир ойдан сўнг ўшанча пулни қандай қилиб тўлайди? Бунинг ҳечам иложи йўқ эди. Демак, яна бошқа иш топиши керак.

Фотима уч ой ишлаган бу жойидан ҳам кетиб, яна бошқа жойга ишга кирди. У ерда ҳам ўрнаша олмай, ниҳоят бошқа яхши жой топди.

Сўнги иш жойида кўнгли анча хотиржам эди. У ердаги дугонаси Лайло оғир босиқ қиз эди. Баъзи нотўғри тушунчалари бўлса ҳам, Фотима “мен имомнинг қизи ва Қуръонни ёд билган холимда шундай бўлсам, у динини билмай туриб бунақа бўлиши оддий ҳол-ку” дер эди.

Орадан бир неча ой ўтди. Бир куни Лайло жинсини аёлликка ўзгартирган Бону билан таништирди.

- Унинг жинсини ўзгартирганлиги сени чўчитмасин. Бошқалардан анча тузук. Ҳеч кимга ёмонликни раво кўрмайди. Ўзи билан ўзи овора. Хўп десанг, уччаламиз бирор жойни ижарага оламиз. Пулини биргалашиб тўлаймиз. Ҳа, айтганча, Нежла исмли бир дугонам ҳам бор. У ҳам анчадан бери шуни таклиф қилаётган эди.

Фотиманинг ҳам узоқ муддат у ер-бу ерда сарсон бўлиб юриши жонига теккан эди. Нарсалари ўғирланаётган, бировларникида туравериб анча қийналган эди. Ҳаммалари бирор уй топишга келишиб олишди.

Охирги ойларда танишларига “бугун сизларникида тунаб қолсам бўладими?”- деб сўрайвериш жонидан тўйдирган эди. Китоб ўқишга бўлган ҳаваси кучли бўлгани учун, доимо китоб сотиб олар эди-ю, кўпи у ер бу ерга кўчаверганидан йўқолиб кетган эди. Аслида бировларникида бемалол китоб ўқий олмаётган эди.

Фотима нима хоҳлаётганини ҳали ўзи ҳам англаб етмаган эди. Нега минг минг ёшларимиз, хофизларимиз каби... Ойдинликдан зулмат сари кетаётган эди...

Ўзини бегоналар тугул, ўзи ҳам таний олмаётган эди...

\* \* \*

Posted by Family Novels at [1:29 PM](#) [0 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

Thursday, August 19, 2010

## Имомнинг манекен қизи (9-qism)

*Ҳақиқат ягонадир.*

*Лекин уни ким белгилайди?*

Фотима янги иш жойида илгаригига қараганда бамаънироқ кийимлар билан ишламаётгани учун анча хотиржам эди-ю, аммо баъзан бу ерда ҳам мини юбка чиқиб турар эди. Ўзини кўниктиришга уринар эди. Ўзини исломий руҳдан қутқаришга уринар, аммо кўлидан келмаётган эди.

Сўнги пайтларда исломга нисбатан қилинган ҳақоратларга бардош бера олмас, бу каби гапларга қарши чиқар экан, иймони янгиланар эди. Ўзи ҳайратда эди, чунки ўз уйида ҳам исломни бунчалик ҳимоя қилмас эди. Негадир ҳар куни бирор нима содир бўлар эди. Мана яна шундай бир ҳолат:

Салим Фотима билан суҳбатлашар эди:

- Замонамизга материалист руҳини олиб кирмасак, ойдинликка чиқа олмаймиз.

Фотима материалист фалсафасининг нима эканлигини яхши билмаса ҳам, негизида динсизлик ётишини билар эди. Илгарилари ҳам сўрашга мажбур бўлган саволини берди:

- Динсизлик ислом динидан шунчалик фойдалимики, уни замонамизга эп кўряпсиз?

Салим, ўзига ишонган тарзда сўзини бошлади:

- Сиз бу ҳақда биладиган бирортасига учрамагансиз, шекилли. Динсизлик...

У бирдан гапини тўхтатиб, деди:

- Келинг, динсизлик демайлик, бошқача номлайлик... замонавийроқ, фан тилида айтганда “материализм фалсафаси” дейлик... Материализм бу ҳақиқий ойдинликдир.

- Қайси хусусиятига таяниб бундай деяпсиз?

- Биринчидан, илм-фанни инкор қилмайди. Аксинча илм-фан материализм билан мавжуддир.

Фотиманинг ёдига дарров Қуръон оятлари тушди:

- Қуръонда Луқмони Ҳаким, буюк доктор, ҳақида сўзланади. Сизнингча, Луқмони Ҳаким материалист бўлганми? Инсонни фикрлашга, олға интилишга чақирадиган оятлар ҳам материализмга асосланганми? Минглаб мавзуларни ёритган, бутун дунёга янги системани олиб кирган Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳам материалистмиди? Дунёни ҳайратда қолдирган Пири Раиснинг харитаси ҳам материализмга асосланганмиди? Алгебрага асос солган Хоразмий ҳам материалист бўлганми сизнингча? Мен бу мавзуларни яхши билмайман-ку, аммо тинмай ўқиб сизга фикримни айтаман.

- Ғайратингизга офарин, мени ҳайратда қолдирдингиз.

\* \* \*

Орадан ҳафталар ўтиб, Лайло ўзгариб қолган эди. Хўжайинлари Недим бей Лайлони чақиртириб ҳамманинг олдида огоҳлантирган эди.

- Менга қара, Лайло. Ўзингни тутишинг менга умуман ёқмаяпти. Яна гиёҳванд моддаларга ўралашиб қолибсан. Ташладим, деган эдинг-ку.

Лайло ғамгин ҳолда жавоб берди:

- Нима қилай, қаттиқ ўрганиб қолибман, бўлмаяпти.

- Бу кетишнинг охири вой бўлади. Хафа бўлмагин-ку, лекин кейинчалик наркотик топаман, деб ўзингни ҳам бозорга соладиган бўлиб қоласан. Биласан, дўст ачитиб гапиради, ҳақиқат аччиқ бўлади.

- Юз фоиз ҳақсиз. Ўша заҳарни ичган одам кейин умуман ўзига кела олмайди. Хатто баъзан шундай ҳолга келаманки, онамнинг қорнида ўша заҳар борлигини билсам, онамни ўлдириб бўлса ҳам уни оламан. Бу дарддан қандай халос бўлишни билмаяпман.

Надим бей бу гаплардан қаттиқ ранжиди:

- Бу мавзуда давлат жуда кеч қоляпти. Ёшлар етарлича огоҳлантирилмаяпти. Бир марта қизиқиб қабул қилгач, бу ишнинг охири фалокат билан якун топади. Баъзан ёшларни ташвиқ этадиган фильмлар кўрсатишади. Аксинча ахир ёшларимиз ахборот воситалари орқали янаям кўпроқ огоҳлантирилиши керак.

Фотима ҳайратланиб қолди:

- Иее, тўғриси мени ҳайрон қолдирдинг, Лайло. Ҳа майли, жоҳиллар алданиб гиёҳванд модда қабул қилади. Сен маданиятли қизга ўхшайсан, қандай қилиб алданиб қолдинг.

Кейин ўзини ўйлаб қолди. Ўзи-чи, ўзи қандай алданиб қолган эди ўшанда?

Лайло эса жуда хомуш тортиб :

- Шундай бўлиб қолди. Бир йигитнинг севаман, деган сўзига ишониб қолдим.

Недим бей гапида давом этди:

- Гиёҳвандлик билан шуғулланадиганларнинг махсус ишчилари бўлади. Бошқаларни ҳам шу дардга мубтало қилишга уринишади. Сизда ҳам шундай бўлмасин.

- Йўқ, у ҳам пушаймон эди. Нима қилай, алдандим, энди қандай қутулишни билмаяпман. Уйдагиларим билишса, жуда хафа бўлишади. Хоҳлаганингча маишат қил, дискотекага бор, ичкилик ич, лекин гиёҳванд бўлиб қолма, дейишган.

Недим бей диндор оила фарзанди эди. Динни яхши билмаса ҳам бундай мавзуларда жиддий эди:

- Сафсата. Дискотека, ичкилик гиёҳвандликка олиб келмайдими? Рўмолчангни денгизга ташлаб, ҳўл бўлиб қолмасин, дея чора қидиргандай гап бу. Шунақаси ҳам бўладими? Ота-оналар ҳалиям юртимизнинг қандай аҳволга келиб қолганини билишмайди...

Фотима буларни жон деб тингларди-ку, аммо ичига қўрқув кирди. Эҳтиёт бўлиши керак эди. Ишдан қайтаётганларида йўлдан китоб сотиб олди. Кейин Лайлога қараб деди:

- Бугун ўзимни жуда кучсиз ҳис қилдим. Ҳали кўп нарса ўрганишим, ўқишим кераклигини тушуниб етдим.

- Олган китобларинг илмий китобларми?

- Ҳам илмий ҳам диний.

- Демак, динга қизиқишинг бор экан-да. Тўғриси мени ҳеч қачон қизиқишим бўлмаган, оилавий шароитим...

Гапини тугатиб улгурмай Бонуни кўриб қолишди:

- Яхшимисан, Бону. Қаерга кетяпсан?

- Шундоқ ўзим айланиб юрибман, зерикканимдан нима қилишни билмаяпман.

Фотима гапга қўшилди:

- Китоб ўқинглар, китоб жуда яхши дўстдир. Бўш қолган инсон, ўзини еб битирар эмиш. Яёв юриб суҳбатлашиб кетар эканлар, Бонунинг аёллардай қадам ташлаши Фотиманинг ғашини келтирди. Имкон топди, дегунча бу ҳақда албатта айтар эди.

Орадан бир неча кунлар, ҳафталар ўтиб Бону билан анча яқин бўлиб қолишди, илк қилган иши ўша мавзунни очиш бўлди:

- Биласанми, мен сени жуда яхши тушунаман, лекин бошқалар тушунмайди. Қадам ташлашингни сал тузатсанг, яхши бўлар эди.

- Вой, ўрганиб қолган бўлсам, қандай тузатаман?

- Тузатасан... Бунинг учун аввал қарор қабул қиласан. Нега бунчалик сузилиб юрасан, бунақа қилсанг чиройли бўлиб қолмайсанку ахир. Бундай юрадиган аёлларнинг бамаънисини ҳам кўрмаганман ҳечам.

- Тўғри-ку, лекин одат бўлиб қолган.

- Олдинлари сузилмай юриш одатинг эди, кейинроқ эса сузилиб юришга одатландинг. Сен билан бир уйда яшаймиз. Ўртоғимга ёмон баҳо беришларини истамайман.

Бону Лайлога қараб деди:

- Бу нимаси? Энди бу хонимчанинг йўриғида юрамизми? Нима бу мен ҳақимда билмайдими?

- Билади. Унга ҳаммасини айтиб берганман, - деди Лайло.

Фотима Бонуга жиддий нигоҳ билан деди:

- Жинсимни ўзгартирганман, деб энди буни баҳона қилма. Инсон яхши тарафга ҳам ўзгариши мумкин. Сен ўзингни ишонтириб қўйгансан.

- Бунақада сен мен билан қандай қилиб бир уйда яшайсан?

- Сен фаҳш қилмас экансан. Ўзинг хоҳлаб жинсингни ўзгартирмагансан.

Аслида энг буюк гуноҳ луттибозликдан кейин жинсини ўзгантириш

ҳисобланади. Аллоҳга қилинган энг буюк исёнлардан биридир. Сен эса ундай эмассан. Энг муҳими пушаймонсан.

- Бунинг қандай аҳамияти бор?

- Жуда муҳим аҳамияти бор. Ахир сен тавба қилгансан.

- Барибир, нима бўлганда ҳам мен энди ... Сен мен билан юришга уялмайсанми?

- Мен гуноҳ ишдан қайтган, тавба қилган инсондан у қандай бўлишидан қатъий назар уялмайман. Қўлимдан келганча ёрдам бераман. Лекин тавба қилмай, фаҳш ишида давом этганлар билан бир жойда яшамайман.

Фотима Бонуга жуда ғайриоддий туюлган эди. Лайлога қараб сўради:

- Бу нимаси Лайло? Одам ҳам унақа ҳам бунақа бўлиши мумкинми? Бу қиз диндорми?

Жавобни Фотиманинг ўзи берди:

- Ҳа, динсиз эмасман, аммо бошқа нарса сўрама...

Бону асабийлашиб деди:

- Ўзинг ҳамма нарсани сўрайсан-ку.

- Сен ўзинг ҳақингда гапириб берсанг ҳам, менчалик шарманда бўлмайсан, Бону.

Бону баттар қизиқиб сўради?

- Сен икки карра жинсингни ўзгартирганмисан уяласан?

\* \* \*

Фотима уйдан кетганига мана беш ой тўлган, лекин бу беш ой унга беш йилдан ҳам узоқ туюлган эди. Энди унинг дунёси, ҳиссиётлари остин-устун бўлиб кетган эди.

\* \* \*

Posted by Family Novels at [5:48 PM](#) [0 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

**Wednesday, August 18, 2010**

**[Имомнинг манекен қизи \(10-qism\)](#)**

*Кўршапалакка ўхшаган,  
кечани кундуз деб ўйлайди.*

Фотима ўртоқлари Лайло, Нежла ва Бонулар билан бирга яшашга келишиб олишгач, Галатасарой лицейининг орқа тарафидаги кўчадан уй топишди. Харажатларни барчалари биргаликда тўлайдиган бўлишди.

Аввалига уйни саранжомлаб, жиҳозлашди. Уч хонали ва каттагина зали бўлган бу уйда тўрт қиз ўзларининг эркин яшашга бўлган истакларини ниҳоят биргаликда амалга оширишди. Уйга кўчиб келинган куннинг илк куни Лайло барчага таклиф киритди:

- Дугоналар, келинлар, бугун ҳамма ўз ҳаётини гапириб берсин. Бир биримиз билан яхшилаб танишиб олайлик. Биз энди бир оила бўлдик ахир. Хоҳласангиз мен бошлаб беришим мумкин.

Бу таклифни барчалари қабул қилишгач, Лайло сўзини бошлади.

- Мен Измирликман. Яқиндагина ўн саккиз ёшим билан хайрлашдим. Оилада уч фарзандмиз, яъни учта қизмиз. Дадам темир тижорати билан шуғулланадилар. Бу ўқишга дадамнинг қистови билан кирдим. Лицейни битирганман. Университетга кириш учун тайёргарлик кўрмоқчиман.

Уй кулги билан тўлди. Нега десангиз Нежла ва Бону гиёҳвандлар ўқий олмасликларини жуда яхши билишар эди. Навбат Нежлага келди.

- Мен Бурсаликман, 19 ёшдаман. Оилада икки фарзандмиз. Дадам бизни ташлаб Германияга кетган. У ерда жозибали олмон аёлларини кўргач, онамни ташлаб кетган. Онам фоҳишалик қилиб мени ўстирган. Мен бўлсам, фоҳишаликни эмас, манекенликни танладим. Уч кундан бери эркак қўли тегмаган ёш қизман.

Фотима ҳайратдан донг қотган эди. У ўзининг имом отасини, ор-номусли онаси ҳақида гапириб беришга ўзидан ор қилаётган бир пайтда Нежла тамоман уят ҳиссини унутиб фоҳиша онасини беҳижолат гапириб берган эди.

Хонани яна қаҳқаҳа овози тўлдирди. Энди гал Бонуга келди.

- Мен азалдан аёл қилиб яратилган Анқаралик ёш қизман.

Ҳаммалари яна кула бошлашди. Бону бунга эътибор бермай гапида давом этаверди.

- Отам деган .... онамни бир суюқоёқ сабабли ташлаб кетганида менинг онам фоҳишалик қилиб кун кечиргани йўқ.



Нежла хандон отиб гапга аралашди:

- Асалим. У ишни ўзинг қилипсан-ку...

Бону бу гапга асабийлашиб кетди:

- Оғзингга қараб гапир. Жаҳлимни чиқарсанг, аяб ўтирмайман, айтиб қўяй!

Мен номусли аёлман. Ҳозир туппа-тузук бошлиқни қўл остида ишляпман. Гиёҳванд ҳам эмасман.

- Нимага ўқимагансан?

- Мени йўлдан уришди. Аёл кишига ўхшармишман. Кўча-кўйда менга гап отадиганлар йўлдан оздирди. Демак, аслида аёл эканман-да, дедим. Ўша пайтларда унақанги операциялар жуда шухрат қозонаётган пайтлар эди. Бутун бошли мамлакат шу ҳақда гапирар эди. Мен ҳам алдандим. Билсам, онам қиз болаларни жуда яхши кўрар эканлар. Аммо онам жуда кўп кўз ёш тўқдилар, ёлвориб сўрадилар. Мен эса қулоқ солмадим. Операция қилдириб аёл бўлдим.

Навбат Фотимага етиб келди:

“Отасининг имом эканлигини айтсамикан? Йўқ! Аймайман. Эҳтиёт бўлишим керак. Менинг ҳам устимдан кулишади”, деб ўзи ҳикоя тўқий бошлади.

- Аслида Истанбулликман. Отам фабрикада ишчи. Онам эса модельер. Икки фарзандмиз. Манекен бўлишимни ота-онам ўзлари ишташган. Лицей битирувчисиман. Университетга тайёргарлик кўряпман.

Нежла саволларини ичида тутиб тура олмади:

- Истанбуллик бўлсанг, унда нега уйингда яшайвермайсан?

Фотима бундай саволни кутмаган эди:

- Ҳалиги... Уйда кўпчиликмиз-да, шунга у ерда сиқилиб кетаман...

- Иккита фарзандмиз, дединг-ку. Қайтага бу ерда кўпчилик эмасмизми?

Ҳеч қайси ёлғончи гапирган гапини ёдида узоқ сақлаб тура олмас, шунинг учун бир кун келиб албатта ёлғони фош бўлар эди. Аммо Фотиманинг ёлғони ўша захоти юзага чиқди. У эса бир ёлғондан қочаман, деб иккинчисини тўқиди.

- Уйда ойимнинг манекен дугоналари, дадамнинг иш жойидаги дўстлари билан қадам қўйгани жой қолмайди. Шунга уйда яшамасликка қарор қилдим. Фотима бу гапларни айтаётиб, уйдан кетган илк кунини кўз олдидан кечирди.

Отасининг оқарган сочлари; ишга келганида котиба унга отасининг уни қидириб келгани ҳақидаги хабарни эслади. Ўшанда гўё бутун бошли дунё бошига қулаб тушгандай бўлган эди, соатлаб ўзига кела олмаган эди. Кейин эса отасининг кўзига кўринишга жасорат топа олмай, уйдан кетган эди. Бир неча кун таниш-билишларининг уйида тунаган, кейин эса бир нечта қиз биргалашиб ижарада яшаётган эдилар. Исмини яна алмаштиришга мажбур бўлиб қолган Фотима хаёлга чўмиб қолган эди. Бонунинг овозидан ўзига келди:

- Демет нимани бунчалик ўйлаб қолдинг?

Нежла кулиб гап қўшди:

- Анавиндан кўпроқ тортворгандир-да.

Фотима бу исмга ўрганиши анча қийин бўлаётган эди. Баъзан жуда совуқ туюлаётган эди. Бирдан Нежланинг гапларини эшитиб қолди.

- Бу нима деганинг? Мен уни иккинчи мартасида ташлаганман. Сал қолса ҳаётимни захарлар эдим.

Нежла суюниб кетиб яна сўради:

- Чиндан айтяпсанми? Қандай қилиб ташладинг?

- Яхшилаб ўйлаб кўрдим. Қайси гиёҳванд соғлом ва бахтли ҳаёт кечирган? Бундан ташқари ўлимга гувоҳ бўлдим. Ҳалиги сен танийдиган Салима бор-ку эски манекенлардан, ўша, бир марта уришиб ҳам қолган экансизлар. Шундай қилиб, ўшанинг уйида эдик. Иккинчи марта ўша захарни ичган эдим. У ердан ўйнаб-кулиб чиқдик. Эртасига ўлим хабарини эшитиб ҳайратдан қотиб қолдим. “Дозасини ошириб юборган эмиш”. Милиция ходимлари ҳам ўшанда ёнида бўлганларни топамиз деб қолса бўладими? Анча вақт кўрқиб яшадим. Кейин бу захарни умуман оғзимга олмасликка қарор қилдим.

Бону гапини бўлди:

- Мен уни оғзимга олмайман. Шайтонга эргашиб, фоҳишалик қилдим, лекин кейин тавба қилдим. Яхшиямки, мени гиёҳвандликка мубтало қила олишмади. Лекин қанақанги виждонсиз одамлар-а! Бизни ўлдириш учун тузилган тузоқ у. Яхшиямки, у тузоққа илинмадим.

- Тўғри айтасан! Бизни ўзимизга айтмасдан, ўлдиришга интиладиганлар бор. Қарашса, бизни урушларда енга олишмади. Энди бу йўлга ўтишди.

Лайло ҳам уларга қўшилди:

- Демак, биз ҳам ўзлигимизни йўқотиб, уларга айланибмиз-да.

Фотима Лайлонинг гапини эшитиб лол қолди:

- Агар сени подиумларда мода намойишларида кўрмаганимда диндор қиз деб ўйлардим. Жуда чиройли гап гапирдинг.

- Йўғ-е. Қўйсанг-чи. Жуда динсизлашиб кетмаймиз-ку ахир. Лекин диний сиёсатдан нафратланаман.

Бону гапни давом эттирди:

- Мендан сўрасанг, мен ҳам худди шундай динга ишонаман-ку, диндорликка қаршиман.

Лайло гиёҳванд модда қабул қилгани учун бир нималар деб алжирай бошлади.

- Бўлди-да энди. Бу нимаси, масжид қилиб юбординглар-ку бу ерни. Дин...динсизлик. Шу нарсаларни гапирманглар, гапирган сайинг одамни ичини зулмат қоплайди.

Нежла бу гапга ҳайрон қолди:

- Уни бунга нима алоқаси бор? Ҳеч тушуна олмадим.

- Алоқаси бор, менинг ичимни зулматга айлантиряпти, вассалом.

Бону ҳам жим тура олмади:

- Иее, манавининг гапини қаранглар, нима сендан сўраймизми энди? Бир диндан, сал туриб ичкилик, севги-муҳаббатдан гаплашамиз. Сенга ҳисоб беришимиз қолган эди.

Лайло Бонуга қараб қолгач, кейин узр сўраб деди:

- Тўғри айтасизлар, бу гапларнинг менга қандай таъсир қилишини сизлар қаердан билардинглар. Давом эттиравеинглар.

Мавзу аллақачон ўзгариб бўлган эди. Орадан кўп ўтмай бир одам келиб Нежлани олиб кетди... Сал туриб Лайлонинг ҳам йигити келиб, улар ҳам чиқиб кетишгач, уйда Бону ва Фотима ёлғиз ўзлари қолишди.

Бону миясига келганини сўрай бошлади:

- Сенинг йигитинг қачон келади?

Фотима аввалига ўзини эшитмаганга олиб, кундалигига ёзишда давом этаверди.

Фотима ҳаммасидан чарчаган эди. Кирган йўлининг охири бахайр бўлмайдиганга ўхшар, аммо у бунга аҳамият бермасликка ҳаракат қилар эди.

Бону саволини яна қайтариб қистайверди:

- Сенга гапиряпман, сеники қачон келади?

Фотима унга ўқрайиб:

- Меники йўқ, деди.

- Нимаааа... Ҳалиям бирор бойваччанинг бошини айлантирмадингми? Бўй бастинг келишган, чиройлисан. Ёки мендан беркитяпсанми?

- Йўқ, нимага беркитар эканман.

- Лекин мен сени бир куни йўлда автостоп қилаётганингни кўргандим.

- Нима қилибди, ҳамма қилади-ку.

- Ўзингни номусли қиздай кўрсатишга уринма, сени машинасида текинга олиб бориб қўяди-ку, хаққини талаб қилмайдими? Буни билмайсанми?

- Илгари билмас эдим. Кейин билиб олдим. Инсонмиз, ҳаммамиз ҳам хато қиламиз, лекин буни кеч тушуниб етамиз.

Бону стулини Фотиманикига яқинлаштириб ўтиргач, сўради:

- Хўш, гапириб бер-чи. Нима бўлди-ки, тушуниб етдинг?

- Бир куни таксига ўтирдим. Хайдовчиси овқатланишга олиб борай, деб туриб олди. Рад қилсам, ёлвора бошлади. Барибир кўнмадим. “Сендай гўзал қизни овқатлантиришга олиб бормасдан қўйиб юборармидим?” – деди. Қарасам, бошқа йўлдан юра бошлади. “Тўхтанг” – десам ҳам тўхтатмади. Мен ҳам ўзимни машинадан ташқарига отдим. Суюғоёқмасман-ку, қаерга таклиф қилса кетаверадиган. Ўша воқеадан сўнг ҳечам автостоп қилмадим.

- Офарин, шу кетишда давом эт, лекин сал қийинчилик кўрасан-да. Нима учрашиб юрадиганинг йўқмиди?

Фотима яна бир марта ўқрайиб қараб қўйгач, кундалигига ёзишда давом этди. Лекин Бонудан қутулиш осон эмаслигини билгач, деди:

- Ҳа, биттаси бор эди. У билан оила қуриш ниятида танишган эдим. У эса бошқа эҳтиёжларини қондириш учун дўст бўлган экан. Буни билиб жуда қаттиқ

хафа бўлдим. Унга ҳам “мен сен ўйлаган қизлардан эмасман. Ўшанақасини топиб ол”, деб ажрашдим.

- У нима деди?

- “Вой-бўй. Жа замондан орқада қолган қиз экансану. Сенинг манекенлигингга ишониш учун одам ахмоқ бўлиши керак”, - деди. Худди менинг касбим асли фоҳишалиқдай гапирса бўладими? Тепа сочим тикка бўлди.

- У ҳам хақ. Ҳозир баъзи манекенлар билан фоҳишалар орасида фарқ қолмаган. Лекин ораларида пул учун вужудини сотмайдиганларини ҳам кўрганман. Жуда жирканчлари ҳам бору, бокира бўлганлари ҳам бор. У ёқ-бу ёғини очишга мажбурликларини айтмаганда жавоҳирдай қизлар бор.

Фотима хомуш тортиб Бонуга қараб деди:

- Тўғри айтасан, иш деб қизларни ечинтиришди. Шунинг учун мен ич кийим намоишларига чиқмайман. Кўп жойларда мени ишга олишмайди, шунинг учун бошқалардан камроқ пул топаман. Лекин ҳаётимдан мамнунман.

Фотима ўз-ўзини алдар эди. Ҳаётидан умуман мамнун эмас эди. Дурустроқ иш жойи топгунича неча маротабалаб иш алмаштирганди ахир.

Бону эса тинмай савол устига савол бераверарди. Фотима унга тушунтиришга уринди:

- Илтимос қиламан, Бону. Кундалигимга ёзишга имкон бермаяпсан. Савол беравермагин.

Бону энди мавзуни ўзгартирди:

- Яхши, лекин нима ҳақда ёзипсан? Менга ҳам ўқиб бер.

- Йўқ, иложи йўқ.

- Нега иложи йўқ экан? Зерикиб кетяпман. Иккаламиз қолган бўлсак, сен билан гаплашмасам ким билан гаплашаман ахир.

- Бўлмайди, дедим-ку, ҳадеб қистайвермагин.

- Сени икки ойдан бери биламану, лекин аслида сен ҳақингда ҳеч нарса билмайман. Ўқисанг нима бўларди? Осмон узилиб ерга тушармиди?

- Шуни айт, осмон узилиб тушармиди? Майли, фақат бир бетини ўқиб бераман. Лекин бошқа сўрамайсан, келишдикми?

- Хўп.

- Ўқийману, лекин ҳеч кимга айтмайман деб сўз бер, акс ҳолда сенга ишонмай қўяман.

- Сўз бераман. Номусимни ўртага қўйиб сўз бераман.

Фотима Бонунинг кўзларига тикилиб сўради:

- Номус?! Қайси ўлчовга кўра номус?

Бону ҳайрон бўлиб қолди

- Бу нима деганинг? Номус-да ахир.

Фотима бошқа ҳеч нима демай, кундалигини ўқий бошлади:

“Сизни жудаям соғиндим онажоним... Сизни ҳам дадажон, сизни ҳам жуда соғиндим. Кўз олдимдан ҳечам кетмайсизлар. Йиллаб бу ёруғ дунёни сизлар учун зулматга айлантирган эдим. Энди эса ўзимга ўзим зулм қиляпман. Ҳар қандай қийинчиликларни кўряпман, онажон. Майли ҳаммасига розиман. Лекин сизларсиз яшай олмайман. Қайтиб боришнинг иложи бўлганда эди, учиб борган бўлар эдим. Лекин энди кеч...

Сиз-чи дадажон. Қилган ишларимдан хабар топганингиздан сўнг энди фақат охирадда юзингизга қарай оламан. Албатта сиз Жаннатга, мен Жаҳаннамга кетаётганимизда бир тасодуф туфайли кўришиб қолсак... ”

Бону таъсирланиб кетган эди:

- Нималар деяпсан?! Жаҳаннамлик бўладиган ҳеч нима қилганинг йўқ-ку.

Фотима Бонунинг кўзларига ёшли кўзларини тикиб:

- Менга айт-чи, Жаннатий бўлиш учун нима иш қиляпман ўзи? Илтимос гапимни бўлма, охиригача ўқиб олай.

“Сизга бир гап айтайми, дадажон?! Тез-тез “ҳақиқий билим олтиндай бўлади, қадри тушмайди” дер эдингиз-ку, жуда ҳақ экансиз. Берган олтиндай билимларингиз туфайли ёмон йўлга кириб кетмадим. Уйдан кетганимга ҳали унчалик кўп бўлмади-ку, лекин ичим ёняпти, дадажон. Олов бўлиб алангаланиб ёняпти. Билсангиз эди, уйимизнинг тахта деворларини ҳам соғиндим. Деразага боғлаб қўйган бўз латтангизни ҳам соғиндим. Сизни-чи? Сизнинг сабр-иродангиз, қанчалик мукамал инсон эканлигингизга кундан кун ишониб бормоқдаман. Энди сизни танидим, сизни соғиндим”.

Фотима йиғлаганидан давомини ўқий олмади, бошини стол устига қўйиб:

- Энди йиғлаш навбати менга келди, менга келди дадажон... – деб ҳўнграй бошлади.

Бону ўрнидан туриб Фотимага сув олиб келгач:

- Мана, сув ичиб ол. Шунча дардинг бор экан-а. Агар бу йўл сенга ёқмаётган экан, ортингга қайтишинг мумкин, - деди.

Фотима ўзи сезмаган ҳолда:

- Ҳамма гап шунда-да. Буларни ёзаётган бошқа Фотима. Мана бу ҳаётни хоҳлаётган эса бошқа Фотима, - деб юборди.

- Ким у Фотима? Сен Демет эмасмисан? Тушунарли, сен исмингни ўзгартирган экансан-да, - деди ажабланиб.

Фотима бироз сув ичиб олгач, ошхонага ўтиб чой қўйиб, ўзини тинчлантиришга уринди. Бироқ Бону яна олдига келиб, саволларини ёғдира бошлади:

- Уйимизнинг тахта деворларини соғиндим, дебсан, нима сизларнинг дачаларингиз тахтаданми? Деразангизда нимага бўз бўлаги бор эди? Уйингизга Шарқ услубида безак берганмидингиз?

Фотима бирдан ўзига келиб, Бонуга жаҳл билан деди:

- Бўлди, етар Бону. Ҳадеб савол бераверма. Ичимни тирнаётган саволлар ҳам етади ўзи менга.

\* \* \*

### **Имомнинг манекен қизи (11-qism)**

Фотима ишига бориб келар эди-ю, аммо тўғри йўлни хоҳлаётган Фотима билан Ислоннинг изн берган йўлидан боришни истамаган Фотима орасида тинимсиз кураш борар эди.

Орадан ойлар ўтган бўлса ҳам, у бу ҳаётга қисмангина кўниккан эди. Чунки ён-атрофида содир бўлаётган воқеаларни ҳазм қила ололмади. Уйларига эркаклар келиб, қизлар билан маишат қилишар, ичкилик ичишар эди.

Фотима Лайлога гиёҳванд моддадан қутулиши учун қўлидан келган ёрдамини кўрсатаётган, ишлаётган жойидан ҳам мамнун эди. Ниҳоят ундан бошқа ниятларда фойдаланишни мақсад қилиб олмаган жойни топган эди. Бир

куни кечаси Лайло ва Нежланинг йигитлари икки эркак билан келган эдилар. Яна дастурхон тузалиб, албатта, ичкилик қўйилган эди.

Бу ҳолат Фотимага хуш келмаса ҳам уларнинг ёнида ўтирар, қахқахалари билан уларга қўшилар эди.

Нежланинг йигити Фикри ўртоғига Фотимани кўрсатиб деди:

- Қара Турон, мана бу қиз сенга мос экан, Нажмига эса Бону. Бугун бир кўнгилхушлик қилайлик.

Фотимага бу гап бошига гурзи билан ургандай қаттиқ таъсир қилди. Қизлар ҳам буни дарров пайқаб, унга қарашди.

Фотима ғазаб билан ўрнидан сакраб туриб кетди ва уларга бақира бошлади:

- Бу нима деганинг? Биз нима сенга анавинақа бўлиб кўриняпмизми? Бу ердан қорангларни ўчиринглар, йўқолинглар... Тарбиясиз, уятсиз, пасткашлар... Сизлар ҳар қандай аёлга кўнгилхушлик назари билан қарайсизларми? Ҳар қандай аёлнинг ўзига яраша ор-номуси бўлади. Буни билмайсизларми?

- Нима деб алжираяпти бу? Сизлар бирор нарса тушундингларми? Кечгача ҳамманинг кўз ўнгида оёғини сонигача очиб юриб, хаёлини ўғирлайди-ю, номусдан гапирганига ўлайми? Манекенларнинг ҳам номуслиси бўлармишми?

Бу гап Нежлага ҳам оғир ботди.

- Бу нима деганинг, Фикри? Биз номуссизмизми?

Фикри эса бу саволни эшитиб янаям ҳайратланди:

- Сенми? Сен-а Нежла? Сен ҳам номуслимисан?

- Албатта номуслиман, бирор марта ҳам пулни деб эркак киши билан бўлмаганман.

- Яъни текинидансан. Йилига ўн марта эркак алмаштирмасангиз кўнглингиз жойига тушмайди-ю, яна номуслиман дейсиз. Номус нима эканлигини билмайсизми ёки унутиб юбордингизми?

Бу гал Лайло асабийлашиб кетди:

- Биз тўғри келган эркак билан кетаверадиганлардан эмасмиз. Ўртоқларимни ҳам мени ҳам хақорат қиляпсан, бу гапинг менга ҳечам ёқмади.

Фикри баттар қайсарлашиб хақорат қилишда давом этаверди:



- Нима сени билмасмидим. Анавини отиб олган кунингдаёқ уйимга ўз оёқларинг билан келгансан, меники бўлгансан. Ўшанда исмимни ҳам билмас эдинг-ку.

Лайло Фикрига нафрат кўзлари билан қараб бақира кетди:

- Номуссиз! Ўзинг, ахир ўзинг ичирган эдинг-ку. Мен нима қилаётганимни билмас эдим. Ўша захарга ўргатиб олгунингча менга доим тарбияли, яхши қиз эканлигимни айтардинг. Энди нималар деяпсан? Ўзинг-ку, мендан фойдаланиб қанча пул топдинг, мени ҳам ўргатиб олдинг. Энди эса мени расман номуссиз деб эълон қиляпсан. Мен сен билан бўлганимда фоҳишамишману, сен мен билан бўлганимда ўшанақанинг эркаги бўлмайсанми? Мени хақорат қилиб ўзингни оппоқ кўрсатмоқчимисан? Дархол бу уйдан чиқиб кет, бўлмаса сени нимтанимта қилиб ташлайман.

Ҳамма бараварига алланималар дер ва ким нима деётганини тушуниб бўлмас эди. Лайло ўзини йўқотиб қўйган, бақириб-бақириб йиғлай бошлади:

- Бу муҳитдан нафратланаман, нафратланаман. На севгилингга ишониб бўлади, на дўстингга. Мен бу гапларни эшитиш учун манекен бўлмаган эдим. Мен подиумларга эркакларнинг кўзини ўйнатиш учун чиқмаган эдим. Жин урсин ҳаммасини... Бизни сиз каби пасткашларнинг қучоғига отдилар.

Эркаклар ўринларидан туриб эшик томон йўл олишганда ҳам Фикри ҳалиям бақирар эди:

- Шарманда...Фоҳишалар...

Лайло ҳам бор овози билан қичқирар эди:

- Ўзларингиз биздан ҳам баттарсизлар. Эркак фоҳишалар, номуссизлар. Бу уйга яна қадам босадиган бўлсаларинг ўлдим деяверинглар.

Фотима деразанинг олдига келиб, аламидан йиғлар эди. Уйнинг ичида жимжитлик ҳукм сураб, ҳамма хаёлга чўмиб қолган эди.

Лайло фарёд ура бошлади:

- Мен интилган, хоҳлаган ҳаёт шумиди? Аллоҳ жазосини берсин... Нега ҳамма азобни биз тортамыз.

- Уф-уф. Етар-етар. Манекенлар деганда фоҳишаларни кўз олдимизга келтирадиган бўлиб қолганмыз. Кимдир бунга ниҳоя ясаши керак.

Фотима эса отасининг сўзларини эслади:

“Болажоним, улар қизларимизни эркакларга яланғоч кўрсатиш учун ич кийимнинг номини ўзгартириб, сузиш кийими, мода деб саҳнага чиқара бошлашди. Бу нарсаларга шунчалик кўникиб кетишдики, авваллари болдирларини кўчада очиб юра олмаган қизларимиз, энди жури қаршисида бемалол ечинадиган ҳолга келишди. Ёшлик шунақа бўлади деб, гўзаллик танловлари ҳам уюштирилди. Ҳаммаси кўзларимизни ўргатиб олиш учун эди. Асосий масала Ислоннинг амри ҳижоб кийишга қарши бўлган авлод етиштириш эди. Муродларига ҳам етишди. Энди эса мусобақалар пул учун уюштириляпти”.

Сўнгра хаёл дунёсидан чиқиб Лайлога ўгирилди:

- Лайло жудаям асабийлашдинг, юр хоҳласанг тоза ҳавода айланиб келамиз.

Лайло эса унга қараб аламини ундан оладигандай бақариб:

- Қайси ҳаво, қанақа ташқари, нима улар кўчада юришмайдими? Суюқоёқлар билан тўлага ўхшайди-а ҳаммаёқ. Лекин эркаклар камми? Нега фақат бизники кўринади?

Фотима ҳайратланиб сўради:

- Нима? Сен ўшанақамисан?

- Ҳа, айтдим-да. Фикрига ўхшаган пасткашларга биз... Ширин сўзлари билан бошимизни айлантириб олишади-да, ўйинчоқ қилишади. Кейин эса ахлоқсизга чиқариб ҳақорат қилишлари хиқилдоғимга келди. Жуда тубанлашиб кетдим, буни миямга сингдира олмаяпман, Демет. Ташқаридан олиб қараганда булар жуда чиройли, жозибадор бўлиб кўринади. Лекин Эй Аллоҳим, қанчалар тубан, зулмат олам эмиш. Ёш қизлар буларни билиб қўйишлари керак... Нимадир қилиб бу ернинг нақадар чиркин ер эканлигини тушунтиришимиз керак.

Бону ҳам уларнинг суҳбатига қўшилиб:

- Жуда тўғри гапни айтдинг, Лайло. Мен ҳам худди шундай алданиб қолдим. Бу ифлос ҳаётни бизга безатиб, жимжимадор қилиб кўрсатишди. Лекин уларнинг дардларини, ёлғиз эканликларини, кимсасиз бир бурчақда ўлим топишлари ҳақида айтишмади. Шунинг учун ҳақ гапни айтдинг, дедим. Бизга имкон беришса-ку, телевизорларда чиқиб гапирсак. Ёшларга чекаётган

азобларимизни гапириб берсак. Айниқса, мен бошимдан ўтганларни гапирсам, дунё жойидан кўзгаб, ҳеч бир эркак аёл бўлишни истамасди.

Фотима яна отасининг сўзларини ёдга олди:

“Болам, Хақиқий ҳаёт телевизордагидай эмас. Сен кўраётган артисту, манекенларнинг ҳаётини бахтли, жилвакор деб ўйлама. Улар аслида ёлғиз қолган, дўстлари бўлмаган инсонлардир. Бахтсиз инсонлардир. Ишонган ҳеч кимлари йўқ.”

Ўша пайтда у отасининг айтган ҳар бир сўзини жонли тарзда ёнгинасида кўраётган эди.

Лайло ҳеч ўзига кела олмаётган, Нежла ҳам тинчлана олмаётган эди:

- Бундан кейин қаршимдан чиққан ҳар бир эркақдан ўчимни оламан. Улар билан маишат қилиб, кейин тарсаки тортиб кетаман.

Бону бу гапга қаҳқаҳа отиб жавоб берди:

- Нонига сарёғ суриб, яна уларнинг фойдасига ишлайман, яна уларнинг кўнглини хушлайман, дегин. Товуқ мия, шунақаям ўч олинадими?

- Бону, овозингни ўчир. Жаҳлимни чиқаряпсан.

Фотима ҳам Бонунинг гапларини тасдиқлади:

- Бонунинг гапларида жон бор. Ўч оламан деяпсан-ку, лекин аслида буларнинг ҳаммаси уларнинг фойдасига ҳал бўляпти.

Шу тарзда гап гапга уланиб кетаверди.

Эртасига бу гаплардан асар ҳам қолмаган, мавзу яна мода, ким нима қилгани, кўрган билганлари бўлди. Фотима эса тинмай китоб ўқир, баъзан уларнинг олдига келиб ўтирар эди.

Нежла қўлидаги газетани кўрсатиб, уларга хушxabари борлигини эълон қилди:

- Қизлар кўрдинглари? Гунеш газетаси Туркия гўзали танловини эълон қияпти, ўзимизни синаб кўрмаймизми?

Лайло газетани қўлига олиб ўқий бошлади:

- Хўш, яхши мусобақага ўхшайди, кўпгина таниқли манекенларни шулар танлаган эканлар, қатнашамизми?

Бону ҳам уларни кўллади:

- Қатнашинглар, омадингизни синаб кўринглар. Тўғриси айтсам, мениям қабул қилишганида қатнашган бўлар эдим.

Фотима эса миқ этмас эди. Бу ҳолатни Нежла пайқади:

- Демет, сен нега индамай ўтирибсан?

- Билмадим, кайфиятим йўқ, чарчадим. Бугун ишхонада қанча кийим бўлса ҳаммасини менга кийдириб кўришди. Кийиб-ечиб, кийиб-ечиб ҳолдан тойдим. Гаплашаверинглар, сизларни эшитяпман.

- Майли-ку, қатнашайликми, йўқми? Бирор нима дегин.

- Мени аралаштирманглар, лекин сизларга тавсия ҳам қилмайман.

- Сен ҳам қатнаш, ҳаммамиз бир омадимизни синайлик.

- Аллоҳ асрасин.

Фотиманинг гаплари Нежлани ҳайратда қолдирди:

- Нега бундай деяпсан? Оиланг қаршилик қилармиди?

Фотима эса яна ёлғон тўқишда давом этди:

- Йўғ-е, нима деяпсан. Улар қайтанга хурсанд бўлишади-ку. Ўзим хоҳламаяпман.

Нежла Фотимага бошдан оёқ разм солгач, деди:

- Тушунарли, ўзингга ишонмаяпсан.

- Тўғри, ўзимга ишонмаяпман,- деди Фотима паришон ҳолатда.

Фотима яна ўзи билан ёлғиз қолгач кундалигига ёзишда давом этди:

“Сохтакор Фотима. Жирканч, ёлғончи... Аллоҳ жазоингни берсин. Ҳалиям ёлғонларингдан воз кечолмаяпсан. Кўзларинг кўр бўлсин. Бошқалар йўлдан озган онасини уялмай гапиришар экан, сен имом отанг-у, диндор онангдан уяляпсан. Юзингга тупурса ҳам кам аслида, сохтакор.”

\* \* \*

Эртаси куни дам олиш куни эди. Қизлар иш жойларидаги дугоналари билан кўришиб, дискотекага боришмоқчи эди. Фотима ҳам боргиси келар эди-ю, лекин ичидаги Фотима бунга йўл қўймас эди. Бу ҳолат уни янаям қийнар, нима қилишини билмас эди.

Ўзини диндан чиқариш учун қўлдан келганча тиришар, лекин кейин йиғлаб Аллоҳга ёлворар эди:

“Сен билан бўлмаяпти, Аллоҳим. Гуноҳимни ҳам бемалол қила олмаяпман. Қалбимдан чиқ, Аллоҳим. Ёлвораман чиқ. Сен бор экансан, бу ерларда яшашнинг иложи бўлмаяпти. Иложи бўлса ҳам бахтли бўла олмаяпман.”

Кейин бирдан кўрқиб кетар эди:

“Эй, Аллоҳим. Нималар деяпман ўзи? Сенга бўлган ишончим қалбимдан чиқадиган бўлса кофир бўламан-ку. Ё Роббим. Гуноҳкор бўлсам ҳам, ўзинг асра мени. Динсизлардан бўлишимга изн берма. Охиратимни йўқотишни истамайман.”

Бурчак-бурчакда йиғлаб олар, лекин бу ҳаётдан ажраб кета олмаётган эди. Бу ҳаётнинг жозибадор тарафлари кўриниб қолар эди.

\* \* \*

Posted by Family Novels at [5:43 AM](#) [0 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

**Monday, August 16, 2010**

### **Имомнинг манекен қизи (12-qism)**

Қизлар бошқа манекенлар билан танишар эдилар.

Бу дугонамиз Бурчин. Буниси эса Ўзлем Суслер. Австралиядан шу мусобақага қатнашиш учун келибди.

Фотима Ўзлем Суслер ҳақида эшитиб ҳайрон бўлиб қолди:

- Сиз нега Австралиядан бу ерга келдингиз? У ерларда ҳаёт анча яхшироқ эмасми?

- Албатта, бу ердагидан анча яхши, лекин мен юртимни соғиндим. Тўғрироғи, қизиқиб келдим. Биратўла омадимни ҳам синаб кўраман. Аммо бу ерга келиб, хафсалам пир бўлди. Ўқишимни давом эттираверсам бўлар экан, деб ўйлаб қолдим.

Улар суҳбатларини уйда давом эттирдилар:

- Бу ерда манекенлардан кўп нарса талаб қилинар экан. Эшитганларим ҳечам мени қувонтирмади. Аслида манекенларнинг кўпи бахтсиз эканлар, дер эди Ўзлем.

- Ҳечам-да, мен масалан ҳаётимдан мамнунман. Бизни мафтункор деб ўйлашгани учун эътибор ҳам кўпроқ берилади. Менга жуда кўп таклифлар тушади, - деди Бурчин лабини буриштириб.

Ўзлем саволини ичида тутиб тура олмади:

- Тушаётган таклифлар ғазабингизни қайнатмайдими?

- Нега жаҳлим чиқар экан? Ҳамминг эътиборида бўлиш менга ёқади. Мени еб қўйишмайди-ку. Аллоҳнинг берганини яшириб нима қилдим.

Фотима гапга аралашмай тура олмади:

- Айтмоқчисизки, Аллоҳнинг бергани билан Аллоҳга қарши чиқмоқчиман...

Бурчин кулиб, фикрини айта бошлади:

- Йўқ, сиз менинг бу гапларимга эътибор берманг. Атеистман аслида. Унақа бўлмағур нарсаларга ишонмайман.

Фотимага бу гап жуда оғир ботган эди:

- Аллоҳга ишониш сизнинг назарингизда бўлмағур нарсаси?

- Мен учун шунақа.

- Демоқчисизки, сиз ўз-ўзингиздан пайдо бўлиб қолгансиз, шундайми?

- Йўғ-е, унчалик оми эмасмиз-ку. Албатта мени ота-онам яратган.

Фотима анчадан бери фойдаланмаётган жавоҳирларини қўлга олди. Ўқиган китобидаги саволларни айнан сўрай бошлади.

- Унда нега ота-онангиз кўзларингизни яшил ёки кўк рангда яратишмади? Нима уларга рангли кўзлар ёқмасмиди?

Бурчин кулиб дугоналарига қаради:

- Бу қиз нималар деяпти? – деди-да Фотимага ўгирилиб давом этди, - онам кўзларимнинг рангини қандай қилиб алмаштира олсин, ахир ҳомиладорлик пайтида кўзларимнинг бор-йўқлини ҳам билмас эди.

- Демак, сенинг яратилишингда онангнинг иштироки йўқ экан-да. Бу кўринишинг онангнинг меҳнати эмас экан. Онангни восита қилиб сени яратган бошқа Зот борлигини билдирмайдими булар?

Бу гапларни жон қулоғи билан тинглаётган ва таъсирланаётган инсон Лайло эди:

- Демет, сен жуда ажойибсан-да. Бирам чиройли гапирасан-ки, гапларингнинг ҳаммаси жуда тўғри.

Бурчиннинг юраги сиқилиб кетган эди:

- Бу нима сафсата?! Бугун отин бўлишга қарор қилганмисизлар? Бу гаплар энсамни қотирыпти. Ундан кўра қаерга боришимиз ҳақида гаплашайлик.

Бону эса тиниб-тинчимай дастурхон тузар, қанчалик эпчил қиз эканлигини исботлашга уринар эди.

Бечора Бону. Аллоҳга яқинлашиш туйғусидан узоқлашгани учун, энди бошқаларга фойдали бўлишга уринар эди. Бу муҳит ёшларимизни чиқиб бўлмайдиган ботқоқликларга итариб юборган эди.

Овқатланиб бўлишган, Ўзлем кетгач, қолганлар ўтириб суҳбатларида давом этишар эди:

- Менимча, бугун тунги клубга борганимиз яхши, - деди Нежла.

- Йўқ, келинлар казинога борамиз, - деди Бону.

- Йўқ, келинлар бугун дискотекага бориб маза қилиб кўнгилхушлик қиламиз, - деди Бурчин.

Лайлонинг овози чиқмаётган эди. У Бурчиннинг эски дугоналаридан бўлгани учун бу ҳолат унга ғайритабиий кўринар эди.

- Нима бўлди, жим бўлиб қолдинг, Лайло?

- Мен бормайман.

- Нима? Ўйин бузуқилик қилмагин. Бугун дам олиш учун йиғилмадикми?

Лайло бугун ўзига ўхшамас эди.

- Ҳеч нарса ёқмаяпти. Бугун уйда қолмоқчиман.

- Бу қиз яна эсини еб қўйибди. Уйда қолиб яна гиёҳванд модда қабул қиласанми? Ниятинг шу бўлса, дискотекада ҳам бор. Эсингдан чиқиб қолдимиз, у билан биринчи марта ўша ерда танишган эдик.

- Йўқ, ўша захарни энди оғзимга олмоқчи эмасман.

Бурчин нима дейишини билмай қолди:

- Охири бахайр бўлсин. Бу қизга нимадир бўляпти. Майли, биз тайёрланайлик.

Нежла Фотимага ўгирилиб сўради:

- Демет, сен тайёрмисан?

- Тайёрман... Анчадан бери дискотекага бормаган эдим. Яхши бўларди.

Фотима ёлғон гапирар эди. У ерга умуман бормаган, лекин ичида қизиқиши бор эди. Бирдан Лайло билан кўзлари тўқнаш келди. Лайло унга бирнималар деётгандай маъноли қарар эди. Аммо у ўзини билмаганга олиб, тайёргарлигини кўришда давом этди. Ҳамма уйдан чиққач, Лайло ўзи ёлғиз қолди.

Ичида сўз билан ифодалаб бўлмайдиган туйғу бор эди. Бироз вақт ўтгач, кўнгли айниб, мазаси қочаётганини ҳис қилди. Анчадан бери захри қотилдан ичмаган эди. Ўшанинг таъсиримикан? – деб ўйлади.

У қатъий қарор қилган эди. Бошқа ичмайди. Фотима унга қаттиқ таъсир қилган эди. “Ўзингни ўлим домига отяпсан”. “Ёш жонингга раво кўрма буни” – деган эди. Гиёҳванд модда қабул қилиш катта гуноҳ эканлигини, хатто ичгандан сўнг кофир бўлиб, ўша ҳолда ўлиб кетганлар бўлганини айтган эди.

Кейин Фотима ҳақида ўйлаб қолди. Нега у дискотекага кетди экан?

Дискотека мияни захарламайдими? Ахир захри қотилга мен ўша ерда дучор бўлмадимми? Ўнлаб дугоналарим ўша ерда тузоққа илинмадиларми? Демет нега ундай қилди экан? Гуноҳ қилмаслик ҳақида гапиради-ю, лекин ўзи бунга амал қилмайди.

Орадан кўп ўтмай эшик кўнғироғи чалинди.

Лайло эшикни очгач рўпарасида Фотимани кўриб жуда севинди.

- Иее, Демет! Сен бормадингми?

- Йўқ, бормадим. Бора олмадим.

- Яхши қилибсан, мен ҳам энди сендан жахлим чиқаётган эди.

Аллоҳга қарши чиқиш модасига сенинг ҳам кўшилганинга.. .

- Тўхта, тўхта. Бу гапни қаердан эшитдинг?

- Ўзим шунчаки айтдим-да.

- Қўйсангчи, бу гап сенинг сўзинг эмас. Кундалик ишлатиладиганлардан ҳам эмас. Бу гап илмли диндорнинг гапи.

- Йўғ-е, ошириб юбординг.



- Ростдан ҳам бу гап сенга тегишли эмас. Тўғриси айт ёки бўлмаса сенинг отанг имоммиди?

- Нима деяпсан? Бунинг нима алоқаси бор? Бир китобда ўқиб қолгандим. Ёқиб қолди.

- Қачон ўқидинг?

- Неча кундан бери ўқияпман. Лекин кўп саҳифа ўқий олмаяпман. Гиёҳвандликка дучор бўлганим учун бутун эътиборимни китобга қарата олмаяпман, аммо динимизга янаям қизиқиб қолдим. Айниқса охириги пайтларда.

Лайло ярим яланғоч кийимларни намоёиш қилишга чиқадиган қиз эди. Бу гапларнинг унинг оғзидан чиқиши Фотимани ҳайратда қолдирди. Қизиқиб сўради:

- Бу қизиқишларинг сабабини билсам бўладими?

- Албатта, сендан беркитадиган нарсам бормиди? Сезган бўлсанг сўнги бир неча кундан буён уйда қоляпман, бир куни иккита аёл келиб китоб бериб кетишди. Номи муқаддас китоб экан. Ўқиб бўлсанг, яна олиб келамиз, дейишди. Номига қараб Исломий деб ўйлабман. Тинмай китоб ўқиганинг учун сенга ҳавасим келган эди. Мен ҳам ўқий бошладим. Қарасам, Яхова шоҳидлари ҳақида экан. Шунақанги чиройли ёзилган эканки, одамни довдиратиб қўяди. Аввалига улардан роса жаҳлим чиқди. Кейин ўзимга ўзим: “Нимага уларга аччиқланасан? Улар ўзлари тўғри деб билганларини қилишади. Кўр бўлмасанг, сен ҳам динингга амал қилиб яша, - дедим. Уларнинг таклифи менга калтақдай таъсир бўлди. Аммо миямга бир қанча саволларни уйиб ташлашди. Савол ёғдиришда жуда устадек туюлдилар.

- Албатта, динингни билмасанг, сенга шундай туюлади. Баъзилар Қуръоннинг бир қисмини олиб динини билмаганларга шундай шаклда ўргатганки, улар хатто ислом динидан қўрқа бошлашган. Масалан, уруш асносидаги вазият назарда тутилиб “тутган кофирларингизни ўлдириш” оятини кундалик ҳаётга мослаб гўё кўрган кофирларингизни ўлдириш деб тафсир қилишган. Ўқиб ўрганмасак шундай вазият юзага келаверади. Лекин сени қандай саволлар қийнапти?

- Қасос мавзуси. Менга жуда ғалати туюляпти.

- Нега? Қотилларга рахминг келяптими?

- Йўғ-е, нега ундай дейсан?

- Унда нима демоқчисан? Айбсиз одамини бирор сабабсиз ўлдирган инсон яшаб юраверсинми?

- Йўқ, лекин...

- Нима демоқчисан? Отангни сабабсиз келиб ўлдиради-да, қайси хақ билан тинчгина яшайверади? Аллоҳ (ж.ж.) бу масалада “Сизларга қасос олишда ҳаёт бор” (Бақара, 179) дейди. Бу қасос қонунидан қўрқиб, инсонлар бир-бирларини осонликча ўлдира олмайдилар, жиноят қила олмайдилар. Ҳозир инсон қадрини паст бўлганидан, одам ўлдириш ҳам ўйинчоқ бўлиб қолди. Юзлаб инсонлар мазорга кирса, қотиллар эса қамоққа олинадилар. Қўлга олинмаганлар эса қанчадан-қанча. Ким қасос мавзусига қарши бўлса, ўша одамдан сўраб кўр: “Бирор яқин инсонингни бекордан бекор ҳеч қандай айбсиз ҳолида ўлдиришса, нимани сўраган бўлардинг?” – дегин. У албатта “қотилнинг ўлдирилишини” деб жавоб беради. Ҳозирда қотилнинг тарафини олаётганларнинг эса асли сабаби шундайдир: У қотилнинг ўлдирган одами унинг ёқтирган одами эмас, бошқаларнинг ёқтирганидир. Яъни ўлган бегона биров бўлгани учун қасос мавзуси баҳонасида Исломдан ўч олишга интиладилар. Бироқ севган инсонларидан бири бўлса, Суд залида бақирини истаб қолишади. Масалан, Сағиб Бадамжи булардан биридир. Укаси вафот этишидан олдин қасосга қарши эди. Ўлгандан кейин эса “одам ўлдирганлар ўлдирилсин”, деб жар солди. Шундай қилиб, бу нарса исломда “қасос” дейилади.

Лайло Фотимани оғзи очилганча жон қулоғи билан тинглар эди.

- Ё Танграм. Демет, шунақанги чиройли гапирасанки, шунча нарсани қаерда ўргангансан? Мени ҳайратда қолдиряпсан.

Фотима нима деб жавоб беришини билмай қолганча:

- Қаердан бўларди!? У ер бу ерда эшитиб қолганларимни гапирдим қўйдим-да.

- Илтимос, Демет. Мени анойи деб ўйлаяпсанми? Бу гапларинг у ёқ бу ёқдан қуллоқа чалинадиган гапларга ўхшамайди. Сен Исломни пухта

биладиганлардай тушунтирдинг. Эркак киши бўлганинда сени собиқ имомлардан деб ўйлар эдим. Тўхта-тўхта, мабодо “Имом Хатиб” да ўқимаганмисан?

- Ҳа, энди. Бир жойларда ўқиганманда, қўяверсанг-чи.

- Иее, сени қара-я. Нимага шунча пайтдан бери бу ҳақда лом-мим демайсан? Сенинг ўрнингда бўлганимда умуман беркитиб ўтирмас эдим. Айтганча, Имом Хатиб деганимизга эсимга тушиб қолди. Биласанми мен кеча кечқурун қаерга бордим?

- Қаердан билардим?

- Кўрсанг, ҳайрон қолардинг. Қуръон курсига бордим. Биласанми, шу пайтгача унақа жой ва унақа инсонларни умримда кўрмаганман.

Фотима ич-ичидан ғалати бўлиб кетди. Ўзи ўқиган курсларга ўхшаган жойга бордимикан Лайло? Ўзи қандай ҳолда бўлишидан қатъий назар ҳеч кимнинг мусулмонларнинг ёмонига дуч келишини истамас эди. Қўрқиб сўради:

- Қанақа жойга бординг? Қандай қилиб ва нима сабабдан борганингни тушунтириб бера оласанми?

- Вооой, ҳаммаси жуда ажойиб бўлди. Яхова шоҳидлари келиб кетгач ҳаётимда биринчи марта мен ўзи аслида қанақа мусулмонман, деб ўйлаб қолдим. Азон товушлари мени жуда қаттиқ таъсирлантирди. Баъзилар азонни чиройли қилиб айтиша олмайди-ку, аммо баъзилар эса инсоннинг руҳини юксалтиради. Мен ҳам таъсирлана бошладим. Кеча мени Надим бей ишдан ҳайдаб юборди. Ўртоғимнинг олдига борсам, уйда йўқ экан. Кўчада паришон бир аҳволда кетаётсам, ҳижобли қизни кўриб қолдим. У билан гаплашдим, у шунақанги ақлли қиз эдики, ҳайратда қолдим. Қуръон курсида ўқир экан. “Келинг, сизни ҳам у ерга олиб борай” – деди. Мен эса кийимимни ишора қилиб “мини юбкада ҳам у ерга борса бўлаверадими?” – деб сўрадим. У эса кулиб, “Бундай кийимда кўчада юрилмайди-ку, лекин сиз... сиз юрибсиз. Қуръон курсида кўча-кўйдагидай гуноҳ қилинмайди. Чунки у ерда сизни эркаклар кўришмайди” – дея жавоб берди. У ҳақ эди. Уялганча курсга бордим. Мени шунақанги илиқ кутиб олишдики, сўз билан ифодамай олмайман. Айниқса курс ўқитувчисини айтмайсанми.

Фотиманинг ёдига ўзи илк бор қадам қўйган Қуръон курси келди. Мени юбкадаги қизга чиройли муомала қилиш у ёқда турсин, хатто курсга киргизмас эди ҳам.

Кейин қизиқиб яна сўради:

- Хўш, кейинчи?

- Кейин ўтириб суҳбатлашдик. Менга шунақанги гўзал нарсаларни тушунтиришди-ки, у ердан кетишни ҳам хоҳламай қолдим. Оилам бу гапларни эшитишса, мендан воз кечиб юборишса керак.

- Нимага энди? Бу ер Қуръон курсидан яхшироқ жоймидики сендан воз кечишади?

- Оилам дин деса тепа сочи тикка бўладиган одамлар тоифасидан. Курсда соатлаб суҳбатлашдик. Истаган пайтингда бемалол келавер дейишди. Шунақанги тоза, покиза жой эдики, ўзимни худди жаннатдагидай ҳис қилдим. Ҳалиям таъсирланиб юрибман. Насиб бўлса дам олиш кунлари яна бораман.

Фотима кўнгли хотиржам бўлганча, чуқур нафас олди. Бошқа тарафдан эса ҳайрон эди. У бу йўлдан қайтаётган бир пайтда хаёлига ҳам келмаган ўртоғи Ислумни ўрганаётган эди.

Орадан бир неча соатлар ўтди. Вақт ўтган сайин Лайлонинг аҳволи оғирлашиб, тинмай терлаётган эди. У шоша-пиша Фотимага ёлвора бошлади:

- Демет, менимча гиёҳвандлик дарди тутяпти. Илтимос, мен нима қилишимдан қатъий назар ташқарига чиқарма. Уни бошқа ичишни хоҳламайман. Рухимдаги бўшлиқни Аллоҳ севгиси билан тўлдиришни истайман. Мени асло... Асло ёлғиз қолдирма. Ўз ҳолимга қўйсанг, мен барибир ўша захарни топиб ичаман.

Бир неча соатлардан кейин Лайлонинг аҳволига қараб бўлмас эди.

-Мени қўйиб юбор, Демет. Бир нафаслик топиб келай. Бошқа чидай олмайман.

Фотима уни қўйиб юбормаслик учун эшикка суяниб туриб олди. Лекин Лайло энди уни ура бошлади:

- Қўйиб юбор, кимсанки менинг ишларимга аралашасан? Қўйвор, бўлмаса ўлдираман.

Фотима эшикни қулфлаб, калитни беркитиб қўйган эди. Бироқ у ҳам энди Лайлонинг бақир-чақирларига чидай олмайдиган ҳолга келган эди. Лайло ерда юмаланар, инграр, ўрнидан туриб, кейин ўзини яна ерга отар эди.

- Мени қутқар, ёрдам бер, Демет. Ҳеч ким эшитмаяптими, мени қутқаринглар!

Фотима нима қилишини билмай қолган эди. Бундай вазиятга илк маротаба дуч келиши эди. Лайло эса ўзини умуман йўқотиб қўйган, энди у ўзини деразадан кўчага отиш пайида эди.

Фотима Лайлонинг бу ҳолига қараб ачинар, фарёд урарди:

- Сени бу аҳволга туширганларни ер ютсин.

Лайлонинг лаблари ишиб, оғзи юмилган, кўзлари ғилайлашиб, нималар деяётганини ўзи ҳам билмайдиган ҳолга тушган эди.

У бирдан ошхонадаги пичоқни кўтариб Фотимага ўқталганча бақира бошлади:

- Тез бўл, тез эшикни оч, бўлмаса сени ўлдираман.

Фотима эшикни очмасликка қарор қилган эди. “Ҳеч бўлмаса Аллоҳ йўлида бир иш қилаётиб ўлган бўламан”, - деди.

Чаққон ҳаракат билан Лайлонинг қўлидан пичоқни олганида Лайло фурсатдан фойдаланиб ўзини дераза томонга урди. Фотима унга етиб олгунича Лайло ўзини деразадан пастга отишга улгурган эди.

Фотима нима бўлаётганини илғаб олгунича орадан бир неча сониялар ўтди, у турган жойида ҳаракатсиз қотиб қолди. Ўзига келиб, деразадан ташқарига қараганида пастдан ҳеч қандай товуш эшитилмади. Ярим кечаси бўлгани учун Лайлонинг ҳар қандай ҳаракати эшитилиши керак эди. У югуриб эшикни очганича зинадан пастга тушар экан овозининг борица бақирар эди:

- Ҳой қўшнилари ёрдам беринглар, одам ўляпти.

Ҳолбуки инсонийлик ўлганига бир неча йиллар бўлган эди... Ёрдам бериш у ёқда турсин, ҳеч ким эшикни очиб нима бўлди, деб сўрамаётган ҳам эди. Ҳамма бир нималардан кўрқадиган бўлиб қолган эди.

Дераза остига етиб келганида Лайлони ерда қон-тер ичида ётганини кўрди. Унинг ёнига бориб қарашга аввалига юраги дов бермади. Лайлони ўлиб қолди, деб ўйлар, ўликка яқинлашишга кўрқар эди. Бирдан бошини кўтарганида юқори қаватлардан унга қараб турган қўшнилари кўрди. Аммо ҳеч ким унга ёрдам берай демас эди.

У яна бақира бошлади:

- Бирортангиз келиб ёрдам берсангиз-чи. Кўрмаяпсизми? Ўртоғим жон беряпти, уни касалхонага олиб борайлик.

Иккинчи қаватда бир одам унга жавобан:

- Милицияга телефон қилдим, тез орада келиб қолишади. Қўлимдан келгани шу, - деди.

Фотима ўзини зўрға қўлга олиб, Лайлога яқинлашди, қўлидан тутди. Лайлонинг қўллари қон бўлгани учун пульсини топа олмади. Юзи ҳам қон ичида қолган эди. Тирикмиди йўқми, тушуниб бўлмас эди. Юзига шапатилаб, ёлворар эди:

- Лайло, илтимос қиламан, кўзларингни очгин.

Сал ўтиб милиция етиб келди. Лайлони ҳам, Фотимани ҳам машинага чиқаришди. Фотима тинмай йиғлар, милиция ходимларидан бири эса Фотимани хақорат қила бошлади:

- Олдин уни деразадан отиб юбориб, энди ақлинг кириб пушаймон бўляпсанми? Хушларингни йўқотгунча ичасизлар. Кейин бир-бирларингни ўлдиришгача борасизлар. Ҳар кун шу аҳвол.

Милиция ходимлари бу воқеаларнинг асл айбдори тузимлигини, ёшларни ҳам шу аҳволга туширган тузимлигини билмас эди.

Фотима эса ўзини йўқотиб қўйганидан уларни эшитмаётган ҳам эди. Унинг бутун фикри Лайлода эди:

- Кўзларингни оч, ўртоқжон, ёлвораман оч.

\* \* \*

Касалхонага етиб келишлари билан Лайлони операцияга олиб кетишди. Унинг қовурға суяклари ва оёқлари синган эди. Боши ҳам беш-олтита жойидан

ёрилган эди. Эрталаб соат ўнбирларда Лайло кўзини очганида Фотима унинг бошида турар эди. Комиссар Фотимага огоҳлантириш берди:

- Ўзингга эҳтиёт бўл, агар ўртоғинг тирик қолмаганида сени айбдор деб билиб, қамоқхонада чиритишар эди. Бип-бинойи қизга ўхшайсан. Бунақаларнинг орасида сенинг нима ишинг бор? Уйингга, оилангга қайт. Жинниларнинг ичида сен ҳам жинни бўлиб қоласан.

Бирдан Лайло зўрға инграб гапира бошлади, у ҳали том маънода ўзига келмаган эди:

- Демет, дарров ойимга телефон қил. Мени бу ердан чиқаришлари билан даволатишсин. Яна наркотик бериб вақтинчалик даволатишмасин. Мени... мени қутқар, Демет. Ёнимдан кетма.

Бир неча соат ўтиб Лайлонинг онаси етиб келди. Кўз ёшлари тинмай боласини қучоқлар эди:

- Болам, Лайлом. Сенга нима бўлди?

Нима бўлгани ҳаммага аён эди. Кошки унинг онаси нима бўлганини эмас, олдиндан бу воқеанинг олдини оладиган оналардан бўлганда эди!

\* \* \*

Posted by Family Novels at [7:45 AM](#) [0 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

**Sunday, August 15, 2010**

**[Имомнинг манекен қизи \(13-qism\)](#)**

*Инсон ўзига қиладиган зулмини*

*бутун бошли армия ҳам қила олмайди.*

Нежла билан Бону оёқда тура олмайдиган даражада маст бўлиб уйга келишганида орадан икки кун ўтган эди.

Уйида ўзи ёлғиз қолган Фотима кўрқув ичида кечган бу кунларнинг ҳисобини сўрай бошлади:

- Қаерларда юрибсиз? Одам деган мундоқ уйига қўнғироқ қилиб хабар бериб қўяди-да.

Нежла худди эшитмагандай индамасдан ётоқхонасига кириб кетди, Бону жавоб берди:

- Кўнглимизни ёздик, дам олдик.

- Икки кундан бери қаерда эдингиз?

Бону Фотимага қараб жавоб берди:

- Дугоналаримизникида эдик, бошқа ҳеч нарса сўрама.

- Нежла-ку майли, лекин сен тавба қилмаганмидинг?

- Мен баданимни сотганим йўқ-ку.

Бир неча кундан бери оғир кунларни бошидан кечираётган Фотима ғазаби қайнаб бақира кетди:

- Тўйдим, тўйиб кетдим бу сизларнинг ваъдаларингиздан. Фоҳишалар баданини пулга сотганларгина эмас, пулсиз бўлса ҳам шу ишни қилиб ҳалиям тавба қилмаганлар эмасми? Лекин ҳамма айб ўзимда. Аллоҳга ишончи бўлмаган одамнинг тавбасига ишониб у билан дўст тутинибман-а. Менга берган сўзингизни унутманг.

Бону креслонинг устида ўтирар экан, кўзлари катта-катта бўлиб Фотимани кузатар эди:

- Тинчликми? Нима бошимизга отинойлик қилгани келганмисан? Сен борсан деб энди дам ҳам ололмаймизми?

- Ўзи зинонинг ҳам бундай дам олишларнинг ҳам номи алмашиб қолган. Харом дунёингизда харом кун кечиряпсизлар. Бўлди қилинг энди, тавба қилиб ўз оилангизни қурсангиз бўлмайдими? Бу ўзи қанақаси, фоҳиша бўлдингизми, манекенми? Ҳеч қайсинингиз Аллоҳдан қўрқмайсиз, кейин Жаннатнинг энг гўзал жойлари сиз учун ажратиб қўйилганлигини айтасиз. Аллоҳдан қўрқмасангиз, атрофдагилардан уялинг.

Бону жаҳл билан жавоб берди:

- Аллоҳдан қўрқмасам, атрофимдагиларга қараб ўтираманми?

- Дадам айтардилар, одам Аллоҳдан ёки қонундан қўрқиши керак, бўлмаса гуноҳ дегани ҳар куни кўпаяверади, деб. Сизлар кетганингиздан бери Лайлонинг аҳволи қандай бўлганлигини биласанми?

Бону хавотирланиб қарагач, Фотима унинг рўпарасига ўтириб олиб тушунтира бошлади:



- Сал қолса Лайлодан ажралиб қолар эдик. Мазаси қочиб қолди. Ўзини деразадан ташқарига отса бўладими?

Бону эса пинагини ҳам бузмай жавоб берди:

- Мен бунақанги воқеаларга ўрганиб қолганман. Қўл-билақларнинг кесилиши, жонига қасд қилишлар, ўлимларга ўрганиб қолганман. Бу нарсалар энди мени ҳайратда қолдирмайди. Мени ҳайрон қолдираман, десанг, бошқа қизиқроқ нарса ўйлаб топ... Ҳа, майли. Лайло ўзи қаерда ҳозир?

Фотима Бонунинг сўзлашиш оҳангидан ҳангу манг бўлиб қолди. Ичкиликни деб Бонунинг бунақанги даражада ҳиссиз бўлиб қолганини ўйлаб жавоб берди.

- Бор, кириб ёт. Уйғонганинда Нежлага гапириб берарсан. Мен Лайлонинг олдига кетяпман. Қолганини кечки пайт гаплашамиз.

Фотима ишхонасига қўнғироқ қилиб рухсат сўради. Лайлони кўргани кетар экан, уни саволлар тинч қўймас эди:

“Нега уйдан кетди? Қандай қилиб бу ҳаётга ўзининг халол тинч-осуда ҳаётини алмашди?” Кейин ота-онасининг уни тўғри йўлга солиш учун чеккан машаққатларини эслади. Йўллардан ўтар экан, баъзан дўкон деразаларидан ўзига қараб ачиниб кетар эди. Бошқалар кўрганда танимасин деб ва янаям чиройли кўриниши учун сочларини бўятган эди. У бугунги Фотима билан илк маротаба Қуръон курсларига борган Фотима ўртасидаги катта фарқни кўрди. Ўша пайтларда баъзи мавзуларда исён қилса ҳам ташқаридан қараганда унинг мусулмон эканлиги аниқ эди. Ҳозир эса на мусулмон эканлиги на мусулмон эмаслиги маълум эмас эди. Исломига кўра унинг иффатини билдирадиган ҳеч нарса йўқ эди устида.

Нега бу ҳаётни танлади? Ким унга бу ҳаётни нима сабабдан тавсия қилганини эса сўрамас эди. Отасининг ҳар бир гапи кўз олдида тасдиқланар экан, энди у оқу қорани ажрата оладиган даражага чиққан эди. Шунча камчиликларни кўрса ҳам ҳалиям нафсини енга олмас, аммо айни пайтда нега ўзлигини қайта тиклай олмаётганини ўзидан тинмай сўрар эди. Нуқул бошқаларни таҳлил қилар эди-ю, ўзи ҳақида бош қотирмас эди.

Касалхона биносига кираётганида хаёли Лайлода эди. Унга бунчалик таъсир қилганидан ўзи ҳам ҳайрон эди. Тўғри сўз қаерда бўлса ҳам ўз нафини

беришини англади. Лайлони бу ботқоқликдан чиқараман, деб тиришар экан, ўзининг ботқоқликдан қандай қутулишини эса билолмас эди. Касалхона эшиги олдида манекен қизларни учратди. Дугоналаридан хабар олиб қайтишаётган бўлса керак, деб ўйлади. Улар жуда омадли ва бахтли манекен қизлар эдилар. Оилаларида муаммолари йўқ ва яхши пул ишлаб топишар эди. “Қандай бахтли қизлар” – дея хаёлидан ўтказди. Кейин бирдан охиратни ўйлаб қолди. Аллоҳ изн бермаган харом ҳаётнинг бадалини тўлаш жуда оғир бўлишини эслади. Фотима нимага қараса фикрлар, ҳамма нарсадан хулоса чиқарар эди. Ўзига ўз ҳолати ҳечам ёқмаётган эди. Бу кетиш руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши аниқ эди. “Бу оламдан бутунлай чиқиб кетишим ёки бутунлай шўнғишим керак” – деган шайтоний васвасаларга дуч келар эди. Инсон қанчалик кўп гуноҳ қилишидан қатъий назар Исломда харомни ҳалол, ҳалолни харом демаса охири бахайр бўлишини билар эди. Отаси унга бу нарсаларни пухта ўргатган эди. Унда нега хотиржам яшай олмаётган, нега ҳаёти қийинчиликларга тўла эди? Устига устак бу қийинчиликлар ўзи орзу қилган эркинлик ва хурсандчиликлар ичида ўрин олган эди.

Лайлонинг олдида кирганида онаси қизининг бош тарафида ўтирар эди. Фотима Лайлонинг онаси билан саломлашгач, дугонасига ўгирилди:

- Тузукмисан, Лайло?

Гиёҳванд моддалар билан ўзига келган Лайло кўзларини очиб жавоб берди:

- Раҳмат, асалим, ўзинг қанақасан? Нежла билан Бону нега келишмади?

- Улар мана бугунгина уйга кириб келишди. Мастликларидан оёқда туролмайдиган ҳолда. Нежла ақлини еб қўйган шекилли, яна йигитини алмаштирган, менимча..

- У менга ўзимни эслатади. Жоним деганга жонини беради. Нуқул алданади. Заррин ҳам жуда намунали қиз. Бирор марта оғзига гиёҳванд модда олмаган. Эркакларнинг қармоғига илинмайди.

Лайлонинг онаси Фотимага нуқул совуқ назар билан қараётган эди, охири ичига ютолмай деди:

- Қизимни бу аҳволга тушуриб виждонингиз қийналмадимми?

Фотима анграйиб қолган эди. Лайло ҳам хафа бўлиб онасига деди:

- Нималар деяпсиз, оий? Бу менинг энг тоза-беғубор дугонам. Унинг менга зиғирдек бўлса ҳам зарари тегмаган.

- Сен шундай деб ўйлайсан. Бу балога қаердан илакишиб қолдинг? Шуларни деб эмасми?

- Ойи! Мени йўлдан урганлар бир мафиянинг кўппаклари эди. Бу ўртоғимнинг менга умуман ёмонлиги йўқ. Мен асли йигитимнинг қурбони бўлиб қолганман.

- Қўйсанг-чи, менинг ҳам йигитим бўлар эди. Унда нега мен гиёҳванд эмасман?

- Ойи! Ҳозир замон бошқа. Ҳозир ёшларни бу балога ўргатиш учун ёлланган махсус ишчилар бор. Келишган йигитлар ва чиройли қизлардан фойдаланишади. Айниқса санъаткор ва манекенларни кўпроқ ёллашадики, ишлари тезроқ юришсин. Мени ҳам дискотекага олиб борган йигит йўлдан урди, оий!

Фотима ҳайратдан ёқа ушлади. Қизининг эркаклар билан юришига умуман эътироз билдирмас эди онаси. Бу қандай она бўлди? Чидолмасдан сўради?

- Кечирасиз, сизлар гуноҳ ишларда эркин бўлган оила экансизлар. Нега қизингиз сизлар билан эмас биз билан яшайди?

- Уни Лайлонинг ўзидан сўранг. Измирда кўнгил ёзиб, дам оладиган жойлар қуриб қолгандек, Истамбулга келди. Бизни овора қилганини кўрмайсизми? Яхшиям опамникида эдим. Ҳар доим ҳам самолёт топилмайди ахир. Мен бўлмаганимда қизимнинг ҳоли не кечарди бу ерда? Ким уни махсус касалхонага кўчиради эди?

- Лайлони бу ердан олиб кетмоқчимисиз?

- Ҳа нима? Шунча пайт сабр қилдим. Шифокор алмаштирмай қўяқолсин, дедим. Подиумларнинг гули қизим шу ерларга лойиқми, мана сиз айтинг?

Бу гап Фотимага оғир ботган эди:

- Сизнингча бу ерга кимлар лойиқ? Кимни лойиқ кўрасиз бу ерга?

Аёл бундай саволни умуман кутмаган эди:

- Нима десам экан? Ҳа энди оддий халқ бу ерга келиши мумкин. Пуллари йўқ бўлганидан кейин... Лекин бизнинг пулимиз ўзимизга етарли... Қизимиз учун...

- Уларнинг пули бўлмаганлиги учун шу ерларга лойиқ кўряпсизми? Пулингиз қадрингизни ошириб берар экан-да.

Аёл асабийлашиб кетиб қизига ўгирилиб сўради:

- Нималар деяпти ўзи бу? Жиғимга тегмоқчими мени?

- Ойижон, у менинг фикрлари тартибсиз дугонам бўлади. Ундан хафа бўлманг.

Аёл дарров фурсатдан фойдаланиб жавоб берди:

- Тўғри айтасан, тузукмаслиги кўриниб турибди ўзи.

- Албатта тўғри айтаман-да, биздай бузуқларнинг орасида яшайди-ю, аммо ўткир фикрлари бор. Манекен бўлса ҳам диндор у. Гапирганида одамнинг зеҳнини очади. Бизга ўхшамайди.

Диндан нафратлангани учун боласини динсизлик ботқоғига отган она ҳалиям асл жаҳолатни кўра олмаётган ва Исломни энг буюк таҳликалардан бири деб билар эди. Фотима ҳайратланиб ўз онаси билан бу онани қиёслар эди. Отаси ва ўзи орасида қолган онасининг чеккан азобларини эслади.

Ўшанда онаси Фотиманинг ҳижобини яширинча ечганини билиб қолгач бир неча соат қизига ёлвориб, йиғлаб тушунтиришга уринган эди: “Мен оми бир аёлман, лекин шуни биламанки, диндан қочганинг билан сен фақат ютқазасан”, - деган эди. Рўпарасидаги она эса диндан қочишини уқтирар эди. “Иккала онанинг орасидаги фарққа қарамай иккимиз ҳам бир жойдамыз” – дея гапида давом этди:

- Даволанасан-а, Лайло?

- Аллоҳ хоҳласа, даволанаман. Ҳеч ким менинг пулларим билан мени захарлашига йўл қўймайман, ахмоқ эмаслигимни исботлайман.

- Жон дугонажон. Агар гиёҳванд моддани ташласанг, сен менинг...

Гапини тамомлай олмаган эди. Кўзлари ёшланиб, томоғига бир нима тиқилгандай бўлган эди.

Лайло қизиқиб сўради:

- Хўш кейинчи. Давом эт.

Гапини давом эттира олмаётган эди. Касалхонадан чиқиб ўзи ёлғиз қолганида ҳам хаёлидан ўша нарса кетмас эди:

- Агар Лайло бу касалидан қутулиб исломга қайтса, бунда менинг ҳиссам бўлади. Шундай қилиб ўзим исломдан чиққан бўлсам ҳам бир инсон ҳады этган бўламан.

Дадажон. Қизингизнинг бу ютуғини билганингизда қанчалик фахрланган бўлардингиз-а?

Хаёл суриб иш жойига қандай келиб қолганини билмай қолди. Ишхонасига киргач, яна бошлиғининг укаси фалсафашунос Салимга рўпара бўлди. Салим ногиронлиги сабабли ёш бўлишига қарамай пенсияга чиққан эди. Бу вазиятни ҳечам ҳазм қила олмаса ҳам, бошқалар каби кўникишга ҳаракат қилар эди. Фотимани кўрган захоти ўрнидан туриб унга жой кўрсатди.

- Ў-ў-ў. Хайрли тонг, Демет хоним. Йўғ-е хайрли кун. Аҳволларингиз қалай?

- Раҳмат, ўзингиз яхшимисиз? Ҳалиям фалсафа билан бандмисиз?

Бу савол Салимнинг меъдасига тегиб кетган, ким бу саволни берса ундан жаҳли чиқар эди. Бироқ у Фотимадан жаҳли чиқмади. Мулойим оҳангда жавоб берди:

- Фалсафа билан шуғулланилмайди, аслида у инсоннинг ўзида бўлади, фақат реалистлардагина...

Фотима сумкасини илгичга осгач, келиб Салим бейнинг қаршисидан жой олди. Ишхонада ҳеч нарса ўзгармаган, ҳаммаси ўша-ўша эди. Салим бей унга чой олиб келиб деди:

- Биласизми Демет хоним?! Ҳозир Георгий Политзернинг китобини ўқияпман. Политзер коммунизм асосчиларидан бўлган.

- Бу нарсаларни мен унчалик яхши тушунмайман. Йўқ, тўғрироғи бу соҳада ҳеч нимани билмайман. Илгарилари ҳам сўраганман, айтингчи фалсафа ўзи нима?

Салим гўё бу саволни кутиб тургандай эди. Ниҳоят бу соҳага қизиқадиган одам топилган эди. Ўрнидан туриб бутун вужуди билан саволга жавоб беришга

интилар, худди уни минглаб одамлар тинглаётгандай ҳаяжонланиб гапира бошлади:

- Фалсафани Георгий Политзернинг “фалсафа асослари” китобидан “фалсафа нима?” бўлимидан ўқиб тушунтирай.

“...фалсафа фаза ва табиатнинг нима эканлигини ўрганади...”

Фотима Салимнинг гапини бўлди:

- Демак, бутун мусулмонлар азалдан фалсафашунослар экан-да. Чунки ҳар бир мусулмон табиатни, унинг сирларини ўрганишни истайди.

Салим хонанинг у бошидан бу бошига юриб жавоб берар экан деди:

- Йўўқ. Илтимос гапимни бўлмасангиз. Ҳали тугатганим йўқ.

- Менимча жуда ошириб юборилляпти. Бундан ташқари фалсафа бу фикрлар мажмуига ўхшайди. Дадам айтар эдилар: “Фалсафа ўзининг тангрилаштирилишини истайди. Холбуки, фалсафа гўзал фикрлардан ташқари ахлоқларнинг ҳам фикрига аҳамият берган бўлиб, шунчаки шухратпарастларнинг йиғилган жойи бўлиб қолган”.

Салим асабийлаша бошлаган эди:

- Шошманг, Демет хоним. Фалсафа нима деб сўрадингиз. Ҳали тушунтириб улгурмадим. Мана эшитинг: “фалсафа энг муҳим масалаларнинг ечимини топишга уринади...”

- Демак, дадам энг зўр фалсафашунос экан-да. Салим бей, дадам энг долзарб масалаларга қизиқар эди.

- Эшитмаяпсиз-ку.

- Кечирасиз.

- Давомини ўқияпман.

“ Асосий тушунчалар билимга асосланади. Шундай экан фалсафа билимнинг чуқурлаштирилганидир. ” Энди тушундингизми?

- Унчалик эмас, нима экан?

- Фалсафа долзарб масалаларни билимга асосланиб ечар экан.

- Билимга асосланиб деганда нима демоқчи. Узр, ҳечам тушуна олмаяпман.

Салим бошини қашиганча саволга кенгроқ таъриф беришга интилар эди:

- Ҳалиги диндан узоқ равишда демоқчи.

- Фалсафашунослар динсиз бўладими?

- Йўқ, диндорлари ҳам бор. Фалсафанинг ўзи аслида динга асосланмайди. Чунки дин фалсафани, билимни инкор этади. Галилеони дин маҳкум қилди. Унинг фикрларини кулгили шаклда йўқ қилишга уринди.

- Галилеонинг фикрларини қайси дин инкор этган эди?

- Нима фарқи бор?

- Айтаверинг, қайси дин эди?

- Христианлар. Тўғрироғи баъзи христианларинг қилган жиноятлари эди у.

- Хўш унда нега христианларнинг қилган жинояти деб сизлар Ислом ва мусулмонларни айбдор санаяпсизлар?

- Сиз мени нотўғри тушундингиз, Демет хоним. Мен унақа нарса деганим йўқ.

- Ўтмишда қайси динга мансуб бўлган бўлса ҳам бир хато қилган бўлса худди уни Ислом дини қилганидек, уни айбдор санайсизлар. Шунинг учун ҳам материалистик фалсафа динга асосланмайди деяпсизлар.

Салим Фотиманинг бу фикрларини эшитиб лол бўлиб қолган эди:

- Динга бунчалик ҳурматингиз борлигини билмаган эдим. Кўнглингизни оғритган бўлсам узр сўрайман.

- Йўқ, нега энди, баҳслашяпмиз-ку. Дадам айтар эдиларки: “Қуръонда энг кўп эътиборимни тортган нарса бу инсонларни фикрлашга чорланишидир. Аммо негадир Қуръонни инсон зеҳнини беркитадиган дея таърифлашади.” – дер эди. Отам жуда ақлли, билимдон инсон эканлар. Унинг сўзларини ҳозир эслайман-да, қанчалик ҳақ эканликларини ўйлаяпман. Яна нима дер эдилар биласизми? Кейин бу гапидан воз кечди.

- Дадангиз яна нима дер эдилар?

- Қўяверинг.

- Айтинг, қизиқтириб қўйдингиз.

- Отам айтар эдиларки: “инсонлар инсон яратадилар-ку, аммо руҳ ато эта олмайдилар. Демак бугун кун сайин ривожланаётган фан айнан биз каби инсон яратади.” Аслида яратиш сўзини ҳам бу ерда ишлатиш ноўрин-ку, аммо ўрнига қайси сўз ишлатилишини унутибман.

- Демет хоним, бу мавзуда кеч қолдингиз. Албатта инсонни инсон яратган. Ҳозир Америкада ишлаб чиқарилган робот қизлар хизмат қилмоқдалар. Харидорлар уларнинг робот эканликларини пайқаганлари ҳам йўқ.

- Аммо отам менга буларни ўн йил олдин тушунтирганларида ўн тўрт аср аввалгимаълумотларга асосланиб гапирган эдилар. Демак, фалсафанинг тамали Исломда экан. Демак, Исломга қилинган уйдирмалар қасддан уюштирилган.

Фотима гапирган сайин Салимнинг ҳайрати ошаверар эди.

- Диний билимларингиз борми?

- Шунчаки эшитганларим. Дадамни тинглар эдим. У неча йил бу нарсаларни тушунтирган эди, унинг сўзларини энди идрок этипман. Отам буюк одам экан-ку, менинг кичик ақлим буни англаб ета олмабди. Яна айтар эди-ки, “Фалсафа иложи борича ёшларимизга тушунтирилиши керак. Фалсафа етишиб бўлмайдиган деб ўргатилиши керак эмас. Ёшларнинг миясидан “дин бўлса фалсафа бўлмайди, фалсафа бўлса дин бўлмайди” каби фикрни чиқариб ташлаш лозим. Фалсафа ва файласуфлар ёшларимизга борича ўргатилиши керак. Баъзи адашган файласуфларни ҳам ўргатиш лозим, йиллар мобайнида дунё уларнинг янглиш тушунчаларини мақтаб, кўкка кўтариб келган.”

Курсига такрор ўтирган Салим бей Фотимани мароқ билан тинглади.

- Тўғри айтасиз, жуда баландпарвозлар бор. Буларнинг бири Беркелейдир. Унинг фикрича “модда аслида йўқ” эмиш.

- Нега уни адашган дея олмайсизлар? У ҳақиқатдан ҳам руҳий хаста экан-ку, сиз эса буни ҳали ҳам тушуниб етмабсиз.

- Ундай деманг, у буюк одам бўлган. Гарчи Георгий Политзер ўз асарида “қадим замонларнинг материалист файласуфлари жуда кулгили ҳолатларга тушган” – деб ёзиб қолдирган.

- Бироқ шундай бўлса ҳам ўша кулгили ҳолатдаги инсонларнинг фикрлари инобатга олинган. Ҳалиги... Модданинг шунчаки бир акс эканлигини айтганнинг исми нима эди?

- Беркелей.

- Мавжуд бўлиб турган бу улкан коинотни йўқ, дея таъкидлаган инсоннинг гапларига неча асрлардир-ки қиймат бериб келганлар нега ҳар бир сўзи



жавоҳирдан қимматли Пайғамбаримиз (с.а.в.) фикрларидан ҳеч нарса олишмайди? Жавоб жуда оддий. Динсизликлари туфайли ахлоқларнинг фикрларини таҳлил қилиб юраверишган. Аллоҳ ва расулининг сўзларини назарга илмайдигандай кўринишса ҳам, яширинча ўқиб чиқишган эди. Нима ҳеч нарса топа олишмаганмиди улар?

- И-ее. Сиз чиндан ҳам диндор экансиз-ку.

Фотиманинг яраси қаттиқ қонаган эди. Бу каби савол берилган пайтда ўз хиёнатини ўйлаб эзилар, қон йиғлар эди.

Секин шивирлаб жавоб берди:

- Мен мусулмонман, тақволи бўлмасам ҳам...

Ёдига ўша балконда ўтирадиган ногирон бола тушди. Ўзига ўзи ичида “Динидан уяладиган, эрка, беодоб қиз” деганди.

- Ўйланиб қолдингиз, Демет хоним. Бирор нима эсингизга тушдими?

- Кечирасиз. Баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради-да. Хаёл олиб қочади. Майли, мавзумизни тўхтатайлик.

- Яхши суҳбат бўлаётган эди. Мен эркин фикрлайдиганлар билан гаплашишни яхши кўраман. Айниқса сиздай ақлли одамлар билан.

- Йўғ-е, нима деяпсиз!? Ақлим бўлганида ўзимга ҳам фойдаси теккан бўлар эди.

- Илтимос ўзингизни бундай хақорат қилманг.

Суҳбат шу тарзда давом этар экан, мудир ҳам келиб қолди. Недим бей хонага кирар кирмас сўради:

- Яхшимисан, Демет. Ўртоғинг тузукми?

Жойига ўтган Недим бей Фотимага қараб:

- Эшитаман, Демет. Саволимга жавоб бермадинг, - деди.

- Кечирасиз... Лайло тузалапти.

- Қайси Лайло? Илгари бизда ишлаган манекен қизми?

- Ҳа.

- Унга нима қилибди?

- Гиёҳвандлик дарди тутиб қолиб, ўзини деразадан пастга отди.

- Ҳа, унинг қўлидан келиши мумкин. У қиз жуда муаммоли қиз эди. Шунинг учун уни ишдан бўшатдим. Шу кунгача у каби қизлар менда ишламаган эдилар.

- Мана энди тўғри йўл сари илк қадамларини қўя бошлади.

- Ундай деб ўйламайман, мен унга неча мартабалаб ёлвормадим ахир. Ўша захарни ташлаши учун кўп уриндим. Агар бошидан унинг шунақа эканлигини билганимда умуман ишга олмаган бўлар эдим.

Фотимага бу гап эриш туюлди:

- Уни ишдан бўшатиш ўрнига у дарддан қутулиш чораларини кўрсатганингизда яхши бўлармиди? Ишдан ҳайдаш чора бўлибдими?

Фотиманинг фикрига кўра ёшларни бузадиганлар қанчалик кўп бўлса, уларни тўғри йўлга соладиганлар ҳам бўлиши керак эди.

- Сен ҳақсан, Демет. Лекин менинг бировлар билан овора бўлишга вақтим йўқ. Мен фирмамда сендай, Нарминдай қизларни ишлатаман. Фирманинг обрўйини кўтарадиган ҳам туширадиган ҳам унинг ишчиларидир. Майли, бу гапларни четга суриб турайлик. Сен билан гаплашиб олинадиган гапим бор. Шунини бугун ҳал қилайлик.

Недим укасига чиқиб кет ишорасини кўрсатгач, иккита чой буюртирди.

Фотима кулиб сўради:

- Мени ишдан бўшатмоқчимисиз?

- Йўқ, нега энди, Сен масъулиятли ишчисан. Мен бошқа масалада гаплашмоқчи эдим.

Фотима “қандай мавзу бўлиши мумкин”, деб ўйлар экан, бу ёқдан Салим акасининг чиқиб кет ишорасини тушунмаган, Фотимага ўгирилиб деди:

- Қани менга айтинг-чи, Демет хоним. Георгий Политзер фикрига кўра бизда уч хил тортишув бор:

- иқтисодий
- сиёсий
- идеалистик

Хўш сиздачи?

- Мен бу соҳада кўп маълумотга эга эмасман-ку, аммо отам айтардилар: “Мусулмон аввало иймон масаласини ҳал қилиб олиши керак. Кейин эса инсонийликка тегишли бошқа масалаларни кўриб чиқади. Аммо ҳамма ўзининг кўлидан келадиган ишга толиб бўлади.” Менимча бу гаплар жуда кенг маънолидир.

Недим бу гал баландроқ овозда гапирди:

- Салим, бизни ёлғиз қолдир. Гаплашиб олишимиз керак.

- Гаплашавер, мен бегона эмасман-ку.

- Майли, ундай бўлса Демет билан кейинроқ гаплашаман.

- Жуда яхши, биз бугун фалсафа ҳақда суҳбат қуряпмиз.

- Сен бошқа мавзуда гаплашмайсан-ку, қачон қарама фалсафа. Худди янги бир кашфиёт очадигандай нуқул шу мавзуда гапирасан. Ҳаётда бошқа нарсалар ҳам бор.

Фотима гапга аралашмай тура олмади:

- Устига устак “аслида бу олам йўқ” деган ақлсизларнинг фикрини юқори баҳолаб... Мен тушуна олмаётган нарсани ўзининг ҳам мавжудлигини инкор этадиган инсоннинг гапларига қулоқ солиниши. Ҳайронман, бу каби инсонларнинг фикри қандай қилиб тарихга тушиб қолди экан?

Недим бейнинг юраги сиқилиб кетди:

- Қўйинглар энди шу мавзунини.

Фотима ўрнидан туриб ўз бўлимига ўтди. Манекен шериги ҳам келмаган эди. Ўтириб яна ўйга толди. Недим бей у билан нимани гаплашмоқчи экан? Кеч тушиб, Фотима уйга йўл олар экан Недим бей деди:

- Хоҳласанг уйингга ўзим ташлаб қўяман.

- Раҳмат, уйим бу ерга жуда яқин жойлашган.

Уйга яёв кетаётганида ота-онасини қанчалик соғинганини ҳис қилди. Етиб келганида қараса ҳеч ким йўқ экан, қувониб кетди. Уй ичида айланиб яна ўйга толди. Ота-онамга кўнғироқ қилиб овозларини эшитай ҳеч бўлмаса,- деди.

Аслида бу ишни илк марта қилмаётган эди.

Рақамларни ҳаяжон билан босар экан, орадан кўп ўтмай онасининг овози эшитилди:

- Эшитаман.

Фотима жавоб бермас эди:

- Ало, алооо... Ало! Алооо...

Фотима онасининг овозини йиғлаб эшитар эди. Гул хоним бир он нафасини ростлагач, ёлвора бошлади:

- Агар Фотима бўлсанг, ёлвораман, виждонсиз қизим, мен билан гаплаш. Шундоғам жуда азоб чекаймиз, бизни баттар қийнама. Ҳеч бўлмаса хат ёз. Тириклигингни билайлик. Туққан онанг бўлиб бунга хаққим йўқми? Сен ота-онасини ўлдиришни режалаштирган боламисан? Аллоҳдан ҳечам қўрқмайсанми? Қалбинг тошданми? Агар бошқа одам бўлсангиз, шуни билингки, ичимиз дардга тўла. Ҳар бир қўнғироқни қизимиздан деб ўйлаймиз. Илтимос бизни қийнаманг. Агар Фотима сен бўлсанг, қайт, қизим қайт. Отанг ҳар куни кечаси йиғлаб чиқади, мен ҳам тинмай кўз ёш тўкаман. Ўша танлаган ҳаётинг бизни йиғлатишга арзийдими, болам?

Фотима телефонни қўйганида хўнграб-хўнграб йиғлар эди.

- Йўқ, онажон. Бу ҳаёт сизларни йиғлатишга арзимади. Ҳеч нарса сизларнинг кўз ёшларингизга арзимади.

Эшик қўнғироғи чалингач ўзини сал ўнглаб олди. Эшикни очганида қаршисида Бурчинни кўрди:

- Салом Демет. Қизлар уйдасми?

- Мендан бошқа ҳеч ким йўқ. Марҳамат, кир.

Бурчин Фотиманинг йиғлаганини сезиб:

- И-ее. Йиғладингми? Нима бўлди, - деб сўради.

Фотима гўё шу саволни кутиб тургандай йиғлаб юборди ва кейин:

- Сал таъсирланиб кетдим, - деди.

Бурчин ҳавойи қиз эди. Ўз дунёқарашига кўра тасалли берди:

- Бу дунёда ҳеч нарса кўз ёшларингга арзимади. Сен даврингни суриб қол. Сизларни олиб кетгани келдим. Бугун овқатланишга борамиз. Овуниб келардинг.

Фотима ўйлаб ўтирмай дарров рози бўлди.

Бир неча соат ўтгач Нежла билан Бону ҳам келди. Ҳаммалари бирга Хилтон меҳмонхонасига йўл олишди.

Фотиманинг кўзи чап тарафидаги столда ўтирган Ўзлем Суслерга тушди. У жуда дунёқараши кенг қиз эди. Очиқ юрса ҳам, Ислоний одоби бор эди. Сал ўтгач, бир йўлини топиб Ўзлем билан суҳбат қура бошлади:

- Кошки Австралиядан келмаганингда эди.

- Тўғри айтасан. Шундай бўлиб қолди-да энди.

- Хўш нималар билан бандсан?

- Нима қилардим? Гунеш газетасининг мусобақасига қатнашяпман. Тинмай тайёргарлик қиляпман.

Улар суҳбатлашар эканлар ёнларига яна бир манекен қиз Севги келиб сўради:

- Қизлар менга қаранглар. Нима дейсизлар, семирмабманми?

- Чинданми? Ярим килога тўлишдим деб, оғирлигимни ўлчатишга ҳам кўрқиб юрган эдим. Қанчалик сиқилганимни хаёлингизга ҳам келтира олмайсиз.

Фотима манекенлар ва мода оламининг бошқа аъзолари ўта аҳамиятсиз кичик нарсалар сабабли ўзларини бахтсиз ҳис қилишларини ўйлаб қолди. Бу каби воқеалар кўз олдидан бирма-бир ўта бошлади. Биринчи кирган иш жойидаги мудира лабига чиққан кичкинагина учуқни деб соатлаб кўз ёши тўккан, “бугун балга таклиф қилишган эди, бу аҳволда шармандам чиқади, агар журналистлар бўлса ундан ҳам баттар шарманда бўламан” – деб аюҳаннос солган эди. Эртасига мудирани жанозадан чиққан одамдай синиқ ҳолда кўрган эди.

Селинни эслади. Сартарош сочини айтганидан салгина калтароқ қилиб кесиб қўйганига у ҳам соатлаб йиғлаб дод солган эди. Лекин қомат масаласи ҳамманинг энг нозик томони эди.

Айлин хоним-чи, уни ҳеч унутиб бўлмас эди. Тикувчиси қўйлагининг ёқасини сал ёпиқроқ қилиб қўйгани учун қанақа ҳунарлар кўрсатмади дейсиз... “Мен роҳибамидимки кечки базмга кампирлардай кийиниб бораманми?” – дея ақлдан озгудек бўлган эди.

У бахтсизликни ўзлари тўқиб чиқаришади, деб ўйлаб қолди.

Бу ҳаёт асаббузарликларга тўла эди, лекин ўзи шу ҳаёт учун борини фидо қилиб бўлган эди. Севги кетгач, Ўзлем билан қолишди. Ўзлемдан Недим бейнинг айтмоқчи бўлган гапи ҳақида унинг фикрини сўради.

- Недим бей менга “Сен билан гаплашиб оладиган гапим бор”, - деди. Сенингча қандай гап бўлиши мумкин?

- Тушлик қилишга таклифдир-да. Кўпчилик бошлиқлар қўл остидаги қизларни айниқса манекенларни замонавий фоҳиша деб ҳисоблашади. Имконим бўлганда эди бошлиқларининг қўлида ўйинчоқ бўлаётган ҳамма манекенларга, секретарларга, аёлларга “қўғирчоқ” бўлманглар дер эдим. Бой эркаклар истаган аёлга эришаман, деган фикрни мияларидан чиқариб ташлашлари керак. Аммо бундай гап аввал аёллардан чиқиши керак.

Фотима Ўзлемнинг бу гапларига ҳайрон қолган эди. Ич кийимларни газеталарда реклама қилиб, шу ҳолатида у эркакларнинг ҳам нафси ҳам чўнтақларига фойда олиб келишини нега ҳисобга олмас эди? Бу ҳақда унинг фикрини олишга қизиқди. Бу саволни унга берса Ўзлемнинг аслида қанақа эканлигини жавобидан тушуниб олар эди:

- Ўзлем нима деб ўйлайсан, бу очиқ-сочиқ кийим-кечакларни аёллар кийиб намоёиш қилишгани билан нега асосан эркаклар намоёишга кўпроқ келишади? Нега ҳамма нарса эркакларнинг истак хоҳишига кўра тайёрланади? Соҳил бўйига боришганида ҳам эркакларга ёқадиганидан кийишга ҳаракат қилишади. Нимага шунақа экан, нима деб ўйлайсан?

- Ҳеч ўйлаб кўрмаган эканман, бироқ тўғри гапни айтдинг. Мода дегани эркакларнинг кўнгилхушликлари ва аёлларнинг ахлоқликларига асосланиб ривожланади. Бу дунё азалдан шу эди, шундай бўлиб қолади, нима ҳам қилар эдик.

“Йўқ асло ундай бўлмаган,”- дея олмади.

Фотима ҳеч нарсага тушуна олмаган эди. Қизиқ, Ўзлем ҳам ўзига ўхшаб бу юришларидан ич-ичидан эзилаётган, сиқилаётганмикин? Аллоҳнинг олдида қилган қилмишидан уялаётганмикин?

- Гуноҳ деган нарсани унутиб қўйдик, нақадар шармандалик, шундай эмасми?

Ўзлемдан ҳеч қандай жавоб бўлмагач, унинг динга эътибори ҳам, ҳурмати ҳам йўқлигини тушунди. Фотима ўзига ўхшаган бирортасини топиб у билан суҳбатлашишни, дардлашишни истарди.

Шу пайт Бону уларнинг олдиларига келиб:

- Икки соатдан бери нималарни гаплашяпсизлар, юрагим сиқилиб кетди. Нежла ҳам бировларни илинтириш билан овора, бир ўзим қолиб кетдим.

Ўзлем Бонуни кўрганида бир воқеа ёдига тушди. Унутиб бўлмайдиган воқеа.

Фотима ҳам Бону билан ҳазиллаша бошлади:

- Сен ҳам ўзингга бирортасини топиб ол. Сен билан ҳеч кимнинг иши бўлмаяптими?

- Бўляпти. Мени бу ҳолда кўриб ҳалигинақалардан деб ўйляпти. Шунақанги жаҳлим чиқяптики, сўз билан тушунтира олмайман. Ёнида рафиқаси, қизи ва ўғли бор. У бўлса уялмасдан... Ахир унинг ўғли тенгиман. Узр қизи тенгиман. Лекин у номуссизда виждон бормиди? Эҳ дада, сизни деб шу кунларга тушиб ўтирибмана.

Бонунинг кўзлари ёшланган эди. Кейин бориб ўрнига ўтирди.

Ўзлем ҳам Бонунинг аҳволига жуда ачинар эди. Аслида инсон сифатида Бонунинг яхши томонлари кўп эди. Ғарбдан эсган шамоллар бўронга айланиб ёшларнинг баъзиларини шу оловда ёққан бўлса, қолганларини бошқа шаклда куйдирган эди. Ўзлем Фотимага ўгирилиб уни қаттиқ қайғуга солган бир воқеани гапира бошлади:

- Истамбулга аввалги сафарларимда бир йигит билан танишиб қолдим. Туппа-тузук бола эди.

Орадан вақт ўтиб, машҳур бўлгим келди. Манекен бўлишга қарор қилдим. Уларни кўрганимда нима камим бор дедим. Истамбулга келдим. Ўша йигитни бир куни яна кўриб қолганимда кўзларимга ишона олмадим: бўянган, тирноқларини ўстириб, бўяб олган эди. Қулоқларига зирак тақиб олиб, сузилиб гапирар эди. Унинг бу аҳволини кўриб жуда хафа бўлдим. Бориб сўрадим:

- Жуда ўзгариб кетибсан, бу нима аҳвол?- дедим.

- Нима қилай? Инсон шундай қилса тезроқ кўтарилар экан бу оламда.

- Бўлиши мумкин эмас, сенга таъсир қилган у бу нарса бўлиши керак.

Беркитиб ўтирмай, деди:

- Ҳа, Жамил бей таъсир қилди. Луттибозмиш. Ҳозир бирга яшайпмиз. У бундан умуман ҳижолат бўлмас, одамлар орасида ҳам ҳурмати баланд эди. Бону кўрганимда ўша воқеани эсладим. Унга ким таъсир қилган экан?

- Тўғри айтасан, Ўзлем. Бону ўзининг ҳолати, яшаётган ҳаётидан нафратланади. Бошидан нималар ўтганини ҳеч била олмадим. Уйда ўзимиз қолганимизда гапиртираман ҳали.

Фотиманинг кунлари шу тарзда ўтар эди.

Бошлиғи Недим бей анчадан бери Европа сафарида бўлгани учун ҳали ҳам ўша айтмоқчи бўлган гапини айта олмаган эди. Бошлиғи уни кўрган захоти илиқ қаршилади:

- Хуш келибсиз, Недим бей. Сафарингиз яхши ўтдими?

- Хушвақт бўл, Демет. Жуда яхши ўтди. Ўнлаб намоёишларни томоша қилдим. Париждан янги мода журналлари олдим. Бу йил ранглар бутунлай ўзгариб кетибди.

Фотима ўзига ўзи деди:

- Ўзгаради-да, шундоғам ўз билганимиздай эмас, уларнинг хоҳишига кўра кийинамиз.

Сўнг Эмель хонимни чақириб:

- Нима гаплар Эмель? Охирги моделларимизнинг савдоси қандай кетяпти? – дея сўради.

- Жуда яхши кетяпти, Недим бей. Ўтган ойда “Баҳор” номли моделимиз 1500 та буюртма олди.

Керакли маълумотларни олгач, Эмель хонимга рухсат бериб, Фотима билан ёлғиз қолишди.

Фотима ҳаяжонлана бошлади. Бирор ножўя таклиф киритса, нима қиламан, деб ўйлади.

Недим бей бирор нарса дейишга улгурмай хонага унинг рафиқаси кириб келди. Уларни хонада ёлғиз кўриб аёлининг кайфияти бузилиб, қовоғини солиб олди. Фотимага ҳам маъноли қараб қўйди.



Шўрлик аёллар... Эрларини доим кузатиб юришга мажбур эдилар. Ҳаётлари шубҳа билан ўтар, хотиржам яшай олмас эдилар. Недим бей икки соатда келаман деб чиқиб кетгани эса Нозли хонимга қўл келган эди. У Фотимани секин-аста билдирмай сўроқ қилар эди:

- Неча ёшдасиз?

- Йигирма.

- Учрашиб юрадиганинг борми? Албатта, борлиги аниқ-ку, мен ҳам сўраб қўйдим-да.

- Йўқ. Менга уйланиш уйланмаслиги аниқ бўлмаган бир одам билан асло учрашувларга чиқмайман. Ҳозир зино сўзининг ўрнига учрашиб юриш дейишади. Худди кинолардагидай. Фарбликлар урушда осон йўл билан ютдик десалар керак.

Нозли хоним тушуна олмай сўради:

- Тушунмадим, учрашиб юриш билан урушнинг нима алоқаси бор?

- Тарихда инглизлар ерларини кенгайтириш ниятида юртимизга қўшин тортишган эди. Ҳозир эса тупроғимизни эмас, ёшларимизни ўзлариники қилиб тарафдорларини орттиришмоқда.

- Тушунарли, сенинг дунёқарашинг бошқача экан. Демак сен уйланиш нияти бўлмаганлар билан юрмайсан. Айт-чи, оилали эркак учраб қолса нима қиласан?

- Аллоҳ асрасин. Умуман рози бўлмайман.

- Бирор марта бўлса ҳам оилали эркакдан таклиф бўлганми?

- Жуу-у-уда кўп марта бўлган. Бу ерга ишга киргунимча ҳамма хўжайинлардан таклиф олардим. Фақатгина бу ерда ундай нарсага дуч келмадим.

- Дуч келсанг нима қиласан?

- Бу ердан ҳам кетаман.

Нозли хонимнинг кўнгли хотиржам бўлган эди. Эри билан ораларида ҳеч нарса йўқдигини билиб чуқур нафас олди.

Бечора аёл билмас эдики, Аллоҳга хиёнат қилганларнинг кўпи аёлларига ҳам хиёнат қилишади.

\* \* \*

## Имомнинг манекен қизи (14-qism)

*“Бир дона қум заррасининг сирини топганимизда эди*

*Бутун ер юзининг сирини топган бўлар эдик”*

*Эйништейн*

Лайло касалхонадан гиёҳвандликка қарши даволаниб чиқиб, яна ўша уйга, дугоналарининг олдига қайтиб келди.

Имкон топилди деганда Фотима билан суҳбатлашар эди. Лайлони Фотиманинг сўзларидан бошқа ҳеч қандай нарса даволай олмас эди.

Фотима ҳам шунақанги гўзал суҳбат қурар эдики... Исломга амал қилиниб яшалган уйдаги илмий суҳбатлар болаларга жуда қаттиқ таъсир қилар экан. Фотима Лайлога диний билимлар ўргатар экан, ўзини ҳам тарбияланаётганини сезиб ҳайратланар эди.

Эртасига Фотима иш хонада яна фалсафашунос Салим билан учрашди. Салим Фотимани кўриши билан деди:

- Сиз билан фалсафа ҳақида тортишиш жуда мароқли-да, Демет хоним. Яна бир тортишмаймизми?

- Мен билан суҳбатлашишнинг нимаси мароқли экан, ахир мен фалсафани умуман тушунмаслигимни айтгандим-ку сизга.

- Шуниси қизиқ-да, ҳам фалсафани тушунмайсиз, аммо тушунмаслигингизни ҳам биласиз. Бу яхши фазилат, баъзилар бор, ҳеч нарса тушунмаса ҳам ўзини билагон қилиб кўрсатади. Биласизми бугун сизга нима ўқиб бермоқчиман?

- Аввал сиздан бир нарса сўрамоқчи эдим, ҳалиги эсини еган файласуфларинг бор эди-ку. Ўшанинг оти нима эди?

- Қайси бирининг?

- Ҳа айтганча, фалсафашуносларнинг орасида эси пастлари битта эмаски, дарров тушуниб олсангиз. Ҳалиги модда аслида йўқ дегани-чи?

- Беркелей, лекин у одам жуда ҳурматли кишилардан бўлган. Келинг у ҳақда бир нарса ўқиб берай.

- "...Қуёшга қараганимизда у бизга думалоқ ва қизил шаклда кўринади. Аммо илм эса қуёшнинг думалоқ ва қизил эмаслигини исботлайди. Шунинг учун илмга асосланиб, қуёшнинг баъзи хусусиятларини четлаб ўтишимиз лозим бўлади. Лекин қуёшнинг баъзи бир хусусиятларини четлаб ўтган пайтимизда, қуёшни умуман йўққа чиқара олмаймиз. Беркелей эса бундай хулосага келишда монелик кўрмаган..."

Фотима ҳеч нарсани тушуна олмаган эди:

- Охирги гапни тушуна олмадим. Нима демоқчи у ерда?

- Яъни Беркелей Қуёшнинг мавжуд эмаслигини уқтирмоқда.

- Ақлини еб қўйибди, фан билан исботланган бутун бошли кўриниб турган Қуёшни йўқ дея олса, демак қолган ахмоқларнинг кўринмайдиган Аллоҳни йўқ дейишларига ҳайратланмаса ҳам бўлар экан-да.

- Кечирасиз, Демет хоним. Ахмоқ деяётган бу одамнинг фикрини материалист фалсафашунослар рад этган бўлса ҳам, қолган ҳамма фикрларидан барча файласуфлар фойдаланишган.

- Бундай ахмоқнинг фикрларидан қандай фойдаланишди экан? Ахмоқ одамдан фикр олишлари уларнинг ожиз эканликларини билдирмайдими? Бундан ташқари ўқиган гапларингизга қараганда қуёш ясси ва қизил кўринар эмиш-ку, илм-фан бундай эмаслигини исботлаганмиш. Бунга динимизнинг нима алоқаси бор? Нима қуёшнинг ясси ва қизил эканлигини динимиз уқтирган эканми?

- Ҳамма нарсани ўзингизга олаверасиз-а, дин айтган дейилмаган-ку.

- Дейилган, илм-фан кашф қилган ҳамма нарсанинг аксини дин айтганидек урғу берилган-ку. Қуёшнинг думалоқлигига келсак, уни йиллар ўтиб ҳам думалоқ дейишимиз мумкин. Рангини эса ким қизил кўрган экан, менга доим сариқ кўринган ёки сизга ҳам қизил кўринадими?

Салим уни ҳайрат ичида тинглаётган эди.

- Бир оғиз гапимга шунчаликми? Сал ўзингизни босинг.

- Айбга буюрманг, мавжудлиги аниқ кўриниб турган қуёшни йўқ деган файласуф мени ҳайрон қолдирди. Бундан кейин бирор файласуфга дуч келиб қолсам, сизлар кўринмаган Аллоҳ тугул кўриниб турган қуёшни ҳам инкор қиласиз-ку, дейман. Устига устак, бу файласуф деганлари, нега нуқул эски

фикрларни намоён қилишади, нега янги файласуфлар чиқмайди? Нега икки минг, беш юз йил аввал яшаб ўтган кишиларнинг фикрларини қадрлашади-ку, аммо сўзи ҳар замонга тўғри келадиган Муҳаммад (с.а.в.) нинг сўзларини тингламайдилар. Сабаби ғоятда оддий. Динсизлик...

Салим жуда асабийлашиб кетганидан энди ўзини тутиб тура олмади.

- Сиз ҳам жуда қизиқ экансиз, худди ўзингиз динни тушунадигандай.

Фотима қаттиқ ранжиса ҳам сездирмасликка ҳаракат қилди:

- Албатта тушунаман. Амал қилмасам ҳам, ишончим бор.

- Ўзингизни алдаб нима қиласиз, Демет хоним. Майли шундай ҳам дейлик, лекин ишончингиздан келиб чиқиб қандай яшаган бўлардингиз?

- Шундоқ ҳам бахтли эмасман. Дадам доим Аллоҳга ишонишнинг фойдаси бўлади, дер эдилар. Ислому шундай дер эмиш. Агар сиз динсизликка ишонганчалик динга ишонгангизда эди, қачонлардир айтилган гаплар билан вақтингизни зое этмаган бўлар эдингиз.

Кейин яна овозини пасайтириб гапида давом этди:

- Менга келсак, мен ҳам адашган диндорлар билан иймонсизларнинг қурбони бўлганман. Мени асло бу юришидан мамнун деб ўйламанг. Йўқ, мен аслида жуда жуда бахтсиз инсонман.

Салим Фотиманинг кўнглини оғритиб қўйганини фахмлади:

- Сизни хафа қилиб қўйдим. Аслида саволларимнинг барчасига фалсафа жавоб бермаган. Толстой айтганидек, “билим на саволларимга жавоб бера олди, на жавоб бера олмаслигини тан олди. Фақат мазах қилиб турди.”

- Унда нимани тортишиб ўтирибмиз? Дин тараф бўлсам, динга амал қилмаётганим учун айбланыпман. Агар дин аралашмаса фалсафа қандай ўлчовларни ўртага қўяди?

Бу орада Недим бей ҳам келиб қолди.

- Салом, ие, бу нимаси ҳалиям тортишяпсизларми?

Фотима олдин жавоб берди:

- Асти сўраманг, укангизга ҳечам ақл кирмаяпти. Кўриб турган қуёшини йўқ деган ахлоқларни ҳалиям инкор қилгани йўқ. Фалсафани илоҳийлаштириб олган, уни айбсиз деб билади.

Недим бей табассум билан деди:

- Ҳа, у ўзи шунақа. Аллоҳда айб топса топадики, фалсафада айб топмайди.

- Янглишяпсиз, фалсафанинг камчиликларини тан оламан. Бироқ ёрқин тушунчали фалсафашунослар ҳам бор. Масалан, Эйнштейн “бир дона қум заррасининг сирини оча олганимизда эди, бутун дунёнинг сирини англади”- деган.

Фотима бу гапни илк мартаба эшитган бўлгани учун деди:

- Демак, ҳали ҳам қум заррасининг сирини топа олишмаган экан-да. Албатта, топа олишмайди. Моддани Аллоҳ яратди, деган тушунчани сингдира олмас эканлар, ҳеч бир сирни англай олишмайди.

Салим минғирлаганча ўрнидан турди:

- Сиз ҳам ҳамма нарсага бир жавоб топиб турасиз, айб ўзимда фалсафани тушунмайдиган одамлар билан гаплашиб ўтирибман, - дея хонадан чиқиб кетди.

Шундай қилиб Недим бей учун ҳам Фотима билан гаплашиб олишга имкон туғилган эди.

- Демак, иккита чой айтиб юбор, сен билан гаплашадиган гапим бор.

Фотиманинг юраги тез ура бошлади:

- Қулоғим сизда, Недим бей, эшитаман, - деди.

Недим Фотиманинг юзига маъноли қараб туриб кейин сўради:

- Демак, исминг чиндан ҳам Деметми?

Фотима бу саволни ҳечам кутмаган эди:

- Йўқ, асл исмим Фотима, - деди.

Бирдан кўнгли таскин топганини ҳис этди. Бегона исм одамга қанчалик оғир юк бўлар экан-а, деб хаёлидан ўтказиб давом этди. – Исмимни ўзим ўзгартирганман.

- Нега, исминг эскича туюладими сенга?

- Йўқ, бошқа сабаби бор.

- Хўш, қандай сабаб экан, менга айта оласанми?

- Йўқ, айтолмайман.

- Қулоқ сол, бир куни бир харидоримиз бу ерга келди. Сени илгариги иш жойингдан билар экан, “исмини нега ўзгартирди?” – деб сўради. Эртага яна бошқаси келиб сен ҳақингда бошқа нарса деса, аралашмайман.

Фотима “Недим бей нега бу ишларга қизиқиб қолди экан?” – деб ўйланиб қолган эди, Недим бейнинг овози билан яна ўзига келди.

- Менга қара, Фотима. Менга тўғриси айтгин, хўпми?

- Бу нарса қандай савол беришингизга боғлиқ, Недим бей.

- Нима, менга ёлғон гапирмоқчимисан?

- Йўқ, балки. Ҳа. Жавоб беришни истамаслигимни ҳам айтишим мумкин.

Аллоҳ хоҳласа, мени хафа қиладиган гап айтмасиз.

- Сен уйингдан қочганмисан?

Фотима бошидан муздек сув қуйиб юборишгандай ҳис қилди ўзини. Бу одам қаердан билиб қолди экан. Энди нима қилади, нима дейди?

- Мендан яширма, гапир.

- Ҳа, афсуски шундай бўлди.

- Нега қочдинг?

- Шошиб қолдим, ўйламасданми, ахлоқлигимданми? Қочиб кетдим-да. Ёшлар уйларида қочиб кетишлари учун шунақанги сабабларни тўқиб ташайдилар-ки... Мен ҳам айнан нима сабабли қочиб кетганимни айта олмайман.

- Пушаймонмисан?

Фотиманинг кўзлари ёшга тўлди.

- Жуда ҳам. Таърифлай олмайман. Бу шунақанги ҳиски, бошидан ўтказмаган тушуна олмайди.

- Унда нега қочдинг?

- Отамдан яширинча ҳижобимни ечиб, манекен бўлган эдим. Дадам иш жойимни топиб бориб, ҳаммасидан хабар топгач, уйга қайтиб бора олмадим.

- Ким сени бу йўлга бошлади?

- Отам ишхонадаги қизлар деб ўйлайди, лекин аслида маҳалламиздаги қизларни сотиш билан шуғулланадиган Бетуш хола. Мени роса авради. Унинг қизларни олдинига манекен қилиб, кейин сотишини кейин билдим. Ўзи ҳам илк манекенлардан бўлган экан. Илгари ўзининг манекенлар агентлиги бўлиб, у

қизларни эркакларнинг қаршисида ярим яланғоч юришга ўргатиб, кейин ўша оламга олиб кирар экан. Мени ҳам шу ният билан неча йиллар аввал қўлга ола бошлаган экан. Очиқ юришга бўлган иштиёқимни билган шекилли менга доим “қоматинг жуда чиройли, кўп пул топишинг мумкин” – дерди. Манекенлик курсига кетадиган харажатларимни ҳам у тўлаган эди. Ҳатто бўёқ анжомлари-ю беркитиб киядиган кийимимгача у сотиб олар эди. Аввалига мен ҳақимда қайғуради, дер эдим. Кейин билсам имом отамдан ҳам диндорлик қасосини олар, ҳам ўзига сармоя тайёрлар экан. Ўйинчоғи бўлдим-ку, бироқ сармояси бўлмадим у илоннинг.

- Одамларга ҳам ишонч қолмади, дегин.

- Аслида шунинг учун ҳайвонлар янаям ардоқланадиган бўлиб қолган.

- Гапни жуда топиб гапирасан-да, Демет. Кечирасан Фотима. Жуда маданиятлисан. Бунинг боиси нимада?

- Дадам бўлсалар керак. Жуда маданиятли эмасман-ку, бироқ жуда кўп диний романлар ўқир эдим. Ўзим билмаган ҳолда фойдаси экс этипти.

- Яхшиям ростини айтинг. Ёлғон гапирганингда жуда ранжиган бўлар эдим. Сен ўзи дурустгина қизсан. Бу ҳаёт сени бузмасдан оилангга қайтишингни маслаҳат бераман, бироқ қайта олмасанг, шу ерда қол. Фақат дугоналарингдан хавотирдаман. Гиёҳвандлар, жинсини ўзгартирганлар...Уларнинг орасида бузилмагин.

- Уларнинг менга ҳеч қандай зарари йўқ. Ишонинг, уларни энг тозаларидан танлаганман. Йигитинг йўқ, деб устимдан куладиганлар бор. Ҳар ойда бир эркак алмаштирадиганлар, менга ҳам топиш ниятида юришган. Лекин булар унақа қизлардан эмас. Нежланинг ўзидан бошқа бировга зарари йўқ. Бону жинсини алмаштирган бўлишига қарамай, бир нечта номуслидан яхшироқ. У бечорани тўғри йўлга бошлайдиган бирортаси бўлса, жа олдинги ҳолатига қайта олмас-ку, аммо ўзини ёмон ишдан тийиб юради.

- Яхши, мана сен унинг кўлидан тут.

- Мен ўзимни қутқара олмаётган бир инсон бўлсам, уни қандай қутқараман?

Суҳбат давом этар экан. Недим Фотимага ҳайрати ошаверди. Қанчалик ақлли қиз эди-я, у. Бир марта адашган бўлишига қарамай кўрган қизлари ичида энг тозаси эди.

Фотима яна бир чуқур нафас олиб, хотиржам бўлган эди. Недим бей ҳақида хато ўйлаган эканман, деди. Сўнгра ўзининг хонасига ўтиб, столда Гунеш газетасини олиб ўқий бошлади. Саҳифаларни очар экан, газета эълон қилган гўзаллик танловига қатнашган қизлар расмларини кўриб чиқди. Юзлаб гўзал қизлар орасидан танланган ўнта қиз финалга чиққан эди. Бир саҳифа финалга чиққан қизларнинг бошдан оёқ тушган расмларига ажратилган бўлиб, улар орасида Ўзлем Суслер ҳам ўрин олган.

Қизларнинг ярим яланғоч расмига қараб қолгач, дадасининг гаплари яна ёдига тушди. Ростдан ҳам қизлар ич кийимда халқнинг қаршисига чиққан, бунга ўзгача ном беришган эди. Дарров газетани кўлига олиб, сотиш бўлимига, дугонаси Шерминнинг ёнига борди. Дугонаси бир харидорга янги моделни кийиб кўрсатаётган экан. Фотима ҳам юмшоқ курсиларнинг бирига ўтириб ишининг тугашини кутди.

Харидор Шерминни ҳар ҳолга солиб кўрар, айлантириб кўрарди. “Яна ўнгга бурилиш, энди орқага ўгирилиб юриб кўрсатинг”.

Ҳали турмуш қурмай туриб, эрига рад этишни ўрганаётган бу қизлар, бошқа эркаларнинг ҳар бир сўзини бекаму кўст бажаришар эди. Бу ҳам оила муҳитини йўқ қилишга бўлган ҳаракат натижаси эди.

Харидор Шерминни анча чарчатгач, бир қарорга келди:

- Кийим жуда чиройли, лекин ичидаги ундан ҳам чиройли. Қайси бирини олсам экан?

Харидор ҳазили эди бу. Ҳаммалари кулишишди. Сўнгра буюртмани қабул қилдилар:

- Юзта 38, юзта 40, юзта 42 ўлчамдагиларидан бўлсин. Бу модел ингичка қоматли аёлларга ёқади деб ўйлайман.

Фотима уларни томоша қилиб ўтирар эди. Харидор кетгач газетани Шерминга кўрсатди.

- Кўрдингми, Ўзлем финалга чиқибди.



Шермин аслида Ўзлемга жуда хасад қилар эди, лабини буриб жавоб берди:

- Ҳимм... Мен ҳам қатнашганимда финалга чиққан бўлардим. Ҳатто биринчи бўлардим.

- Унда нега қатнашмадинг?

- Билмадим, балки мусобақаларда кийиладиган кийимларни билганим учунми?

Фотима бу гапларга ишонмас эди. Чунки Ўзлемга хасад қилишини жуда яхши билар эди. Аслида бу оламда бир бирига хасад қиладиганлар шунчалик кўп эдики, хатто хасад қилмайдиган манекенларнинг ўзи жуда кам эди. Ораларида шунақангилари бор эдики, хасадлари туфайли мазаси қочганларини ҳам кўрган эди. Ким қаерда нима кийим кийган, сочини қандай турмаклатган, дея бир бирларини кузатадиганларни кўриб, ўзларини бахтсиз қилишларини томоша қиларди.

Кўлидаги газетага такрор қараб, унга ҳам “мусобақага қатнаш” деганларини эслади. Бирдан ўзини ўйлаб қолди. У ҳам ич кийимда газета саҳифасидан жой олган бўлар эди. Аллоҳим, ўзингга шукур, шайтонга бўйсундирмадинг, деди. Бўйсунганимда-чи. Отажоним расмни кўриб қолганида-чи? Бир марта адашиб чиқиб қолганида ҳам неча кунлаб дадам кўриб қолади, деб ухлай олмаган эди. Ўшанда укаси кўриб қолган эди.

Финалнинг биринчи, иккинчи ва учинчи ўрин соҳибларини аниқлаш учун жюри аъзолари тўпланган куни Фотима ҳам борди.

Ўзлем Суслернинг онасини ҳам у ерда учратди. У ҳам ҳаяжон билан мусобақани кузатар эди. Орада фикрини билдириб қўяр:

- Қизим ҳаммасидан гўзал... Қизим ғолиб бўлиши аниқ. Қаранг, энг чиройлиси Ўзлем, - дер эди.

Ўзлемнинг онаси Семра эса ҳамма қизлардан ҳам гўзалроқ кўринар эди. Уни кўрганлар, “у ҳам қатнашса бўларкан” – деётган эди.

Аллоҳ берган гўзаллик Семра хонимга ўзгача кайфият берар эди-ку, бироқ у бахтлимиди? Ташқи кўринишидан ички олами билинмайдиган бошқалар каби унинг бахтли ёки бахтсизлиги билинмас эди.

Ҳали мусобақа бошланмасидан аввал ғолиб аниқ бўлиб бўлган, шивир-шивирлар қулоққа чалинар эди.

Семра хоним “бўлиши мумкин эмас” дер эди. “Жюри кўр эмас-ку, қизим ғолиб бўлади мана кўрасизлар”.

Аммо қизи ғолиб бўлмади. Фотима қизиқиб Семра хонимни кузатар эди. Семра хоним қизининг мағлубиятидан кўз ёшларини тута олмай, йиғлаб юборган эди.

- Қизимнинг хаққини ейишди. Ноҳақлик қилинди. Ноҳақлик...

Семра хоним ўша онларда асл хақсизликларни кўра олмас эди. Оҳ, Семра хоним-ей. Нималар учун кўз ёш тўкиб ўтирибди-я. Халқнинг хабари бўлмаган қанча нарсалар бор йиғлашга арзигулик...

\* \* \*

### **Имомнинг манекен қизи (15-qism)**

Мусобақадан сўнг ҳамма секин-аста уй-уйига тарқала бошлаган, қизлари ғолиб бўлганларнинг оналари бахтли, ютқизганлариники эса хафа ҳолда кетдилар. Уларнинг фикрича, бу мусобақада ғолиб бўлиш юксак мақом берадигандай гўё. Миллат хақиқий юксак даража нелигини аллақачон унутиб, сунъийлари билан овора эди.

Биринчи ўринни Арзу Инан, иккинчи ўринни Мерве Илдениз, учинчи ўринни Айше Мине олган эди.

Баъзи газеталар Ўзлемни учинчи ўрин соҳиби деб чоп этаётган бўлсалар ҳам бу ёлғон эди. Ҳақиқий манекенга хос хусусиятлари борлиги таърифланиб, ўша воқеадан сўнг Ўзлемнинг обрўси ошган эди. У энди айниқса чўмилиш кийимларини намоёиш қиладиган манекенга айланди. Кунлар, ҳафталар, ойлар сувдай оқиб ўтди.

Баъзи газеталарда унинг бошдан оёқ расми чиқар, ўтмишдаги миш-мишларни унутиб, яна юқорироқ мавқега эришишга қарор қилган эди.

Шундай кунларнинг бирида Ўзлемнинг чўмилиш кийимида тушган сурати босилиб, тагига унинг жуда уялчанг қиз эканлиги ҳақида ёзилган эди.

Фотима бу хабарни ўқигач, устозининг сўзларини эслади: “Заррача иймони бўлган одамда уят ҳисси бўлади”. Бироқ Ўзлемни ҳеч тушуна олмас эди. Бу

қизнинг диний ишончи бормиди, йўқмиди, шуни била олмай қийналар эди. Чунки у ҳам бамаъни қиз бўлиб, ҳам чўмилиш кийимларида оммага чиқар эди.

Фотима билан Ўзлем яна ўзлари ёлғиз қолишган, янги газеталарни кўздан кечира бошлашди. Ўзлем кутилмаганда бир саҳифанинг ярми ўзининг суратлари билан тўла эканлигини кўрди. Сарлавҳасини ўқиб, капалаги учиб кетди. Боши айланиб, ёзувни ўқий олмайдиган даражага тушган эди.

- Эй Аллоҳ, бундай дейишга қандай тиллари борди.

Буюкларимиз “Шухрат-офатдир” дейишган. Ўзлем машҳур бўлиб борар экан, баъзилар у ҳақда чиройли гаплар ёзса, баъзилар унинг машҳурлигидан фойдаланиб “ўзига хос” мақолалар ёзишга ҳаракат қилишар эди. Бу ишда ёлғондан бемалол фойдаланилар эди.

Гап унинг номуси ҳақида борар экан Ўзлем кўз ёшларини тута олмади:

- Мен юртимда демократия бор, деб мақтанар эдим. Демократия бошқалар ҳақида истаганини ёзиш деганими?

Ўзлем тинмай йиғлар, Фотима эса уни нима деб овутишни билмаётган эди. Бирдан Фотима қизиқиб сўради:

- Бу журналистни танийсанми?

- Ҳа, танийман. Неча кунлаб ортимдан қолмади. Мен ҳақимда мақола ёзмоқчи эканлигини айтди. Рози бўлмадим. Мен бирга овқатланган одамларгача “орасида бир гап бор”, деб бўхтон қилишгани учун рози бўлмаган эдим. У ҳам жаҳл билан миясига келганини ёзаверибди. Балки баъзилар янаям машҳурроқ бўлиш учун ошиқ-маъшуқ бўлиб юрар, лекин менга бунақа нарсалар ёқмайди. Ундан кейин менинг дардим шухрат эмас, мен пул топиш ниятида бу ишни қиламан.

Фотима дугонасининг ҳолатига жуда ачинаётган эди.

-Сени қандай юпатишни ҳам билмаяпман. Қўявер. Уйдагиларинг барибир жаҳли чиқмаса керак. ... Қайтангга янаям машҳур бўлиб кетасан. Ўзингга олма, Ўзлем.

Ўзлем кўз ёшларини артиб жавоб берди:

- Йўқ, дадам жуда хафа бўладилар, ойим ҳам, бошқа оила аъзоларим ҳам. Ўзим ҳам номимнинг бунақа булғанишини истамаган эдим. Мен касбим билан ўзимни исбот қилишим керак эди.

Ўзлемнинг кўнгли ёришай демас эди. Расми тез-тез газеталарда босилар, у эса ҳар куни эртасига у ҳақда нима деб ёзишлари мумкинлигини ўйлаб сиқилар эди.

Ҳайрати тугамас эди. Инсонни қоралашнинг ҳечам чек-чегараси йўқ эди. “Бу қандай эркинлик, бу қандай инсонийлик” – дея куйиб-пишарди.

Бу мусобақага қатнашиш учун Австралиядан келдим, бундай кунлар бошимдан ўтади деб ҳечам ўйламаган эдим, - дерди.

Суҳбат уйда давом этди.

Фотима университетида ўқишини чала ташлаб келган Ўзлемга ҳайрон қоларди. Сўрамай тура олмади:

- Ўзлем, тўғриси жуда ҳайрон қолдим. Университетни қандай ташлаб келдинг? Бунинг сабаби нима? Оиланг манекен бўлишингга қарши эмас эканлар.

- Ҳа, оилам тор фикрли эмас.

Фотима бу сўзни эшитиб муздек бўлиб кетди. Отасининг гаплари ёдига тушди: “Қизим, ҳозирги пайтда исломга амал қилиб яшайдиганларни тор фикрли дейишади. Бир кун келиб сенинг оиланг ҳақида ҳам шундай деб қолишса, билгинки атайин ёшларни оиласидан узоқлаштириш учун қилинади бу ишлар”.

Ўзлемга бу ҳақда ҳеч нима демай давом этди:

- Хўш, у ерлардан қандай келиб қолдинг?

- Асти сўрама. Бунинг тарихи жуда узун.

- Гапириб бер, мен дугоналаримнинг ҳаётларига жуда қизиқаман. Айниқса меникига ўхшагани бормикан деб.

- Яхши, ундай бўлса айтганим бўлсин.

- “Мен 22 мартда Истамбулда дунёга келганман. Ўн ойлигимдаёқ Австралияга кўчиб кетган эканмиз. Аввалига давлат меҳмонхонасида яшаб, кейинчалик бир турк оиласи билан бир уйда турган эканмиз. Ота-онам иккиси ҳам ишлар, отам кечаси ишласа, онам кундузи меҳнат қилар экан. Онам ишга

кетганларида менга дадам қараб турар эканлар. Мен тўрт-беш ёшга кирганимда кундузи дадам билан ўйнагим келар экан-ку, лекин у жуда хорғин бўлгани учун уйқуси келар эмиш. Уни уйқусидан уйғотиб, мен билан тўп ўйнашга мажбур қилар эканман.

Бу орада икки қаватли уй қурдиришибди. Бир куни онам дастурхон тузашни унутибдилару, мен эса жуда очқолган эканман. Стол устида нок бор экан, стул устига чиқиб, нокларни олиб, чўпи билан қўшиб еб ташлабман. Мени кўрган отам йиғлаб юборибдилар. Воқеани онамга айтиб бериб, пулни деб болалариммизни қийнаб қўйдик, деб хафа бўлишибди. Кейин онам ишдан бўшабдилар. Сўнг отам тижорат билан шуғуллана бошлабдилар.

Кейинроқ эса Туркия ва Австралия ўртасида сарсон бўлдик. Баъзан онам бу ерда қолса, отам у ерда бўлар эди. Ёки аксинча. Болалигим жуда бахтсиз ўтган.

Унута олмаган жуда кўп оғир пайтларим бўлди. Айниқса Туркияда баъзи инсонлар отамнинг берган нонини еб туриб, у ҳақда ёмон гаплар гапиришди. Шунинг учун ўша одамлардан ҳам, Туркиядан ҳам нафратланиб қолганман.

Мактабга борар эдим. Туркчани билмас эдим. Шу сабабли дарсларимни дадамга қилдирар эдим. Ҳар куни кечаси йиғлар эканман. Айниқса она номли шеърлар қаттиқ таъсир қилар экан. Онамни жуда соғинар эканман.

Туркчани газета ўқиб ўрганар эдим. Жуда оғир кунлар эди. Яна Австралияга қайтадиган бўлдик. Лицейга кирадиган пайтим бўлган эди. Отам мени католик коллежига ўқишга берди. У ерда австралияликларга тақлид қилиб исмимни Рузлин дея атадим. Бундан ташқари улар Ўзлем исмини айта олишмас эди.

Ўша пайтларда дадамнинг томоғи роса оғрир эди. Бир куни ўқишдан келсам, дадам йиғлаяпти. Кўп сигарет чеккани сабабли эмиш.

“Болажоним, саратон касалига чалинибман, энди нима қиламан?” – деб йиғлар эди.

Ўша онлардаги ҳисларимни ҳечам сўз билан ифодалаб бера олмайман. Докторлар дадамга очикдан-очик касалини айтишибди. У ердагилар шунақа дарров тўғридан-тўғри айтаверишади.

Отам касалхонага ётдилар. Ёдимга тушса ҳалиям юрагим эзилиб кетади. Дадамни кўришга тез-тез бора олмадим. Чунки уни у ҳолатда кўришга юрагим дов бермас эди.

Дадам касалхонадан чиққанида овози чиқмайдиган бўлиб қолди. Илк маротаба овознинг қанчалик буюк инъом эканлигини англадим. Дадамнинг овози чиқмагач, харидорлар билан мулоқот қила олмагани учун тижорат ишлари ҳам ниҳоясига етди. Инсон овознинг қанчалик муҳим эканлигини фақатгина уни йўқотганида англаб етади.

Бошимдан кўп нарса ўтди. Бир ўтиришда гапириб бериладиган нарсалар эмас.

Онам Истамбулда яшар эди. Мен ҳам орзуларга кўмилиб, ватанимни ўзгарган деб юрибман. Ватанимни соғина бошлаган эдим. Чунки орадан анча йиллар ўтган эди. Бундан ташқари чидаб бўлмас даражада қийинчилик ичида эдим. Шундай кунларнинг бирида Гунеш газетасининг гўзаллик танловини эълон қилганини ўқиб қолдим. Ҳеч бўлмаса битта енгил машина ютиб оларман, дея мусобақада қатнашишга қарор қилдим. Бу фикримни онамга айтсам, рози бўлди. Отам Австралияда, мен эса бу ерга келдим.

У ерда фалсафа, психология ва сиёсатшунослик фанларини ўрганаётган эдим. Мана келдим, сизлар билан танишдим. Расмларга тушиб, мусобақага қатнаша бошладим. Аввалига меҳмонхонада турдик. Биласиз қаерда бўлсак, газеталар биз ҳақимизда ёзар эди. Ҳар куни кечки пайт айланишга, дам олишга борар эдик. Қаерга борсак ҳам ҳурмат-эътибор кўрсатишди. Бирданига ҳаётим ўзгариб кетди. Мусобақада мен финалгача бориб, ундан юқори кўтарила олмадим. Ҳа, майли, у кунлар ҳам ўтиб кетди.

Сўнгра Флеш Форум Агентлигига ишга таклиф қилишди. Манекен бўлдим. Кейинроқ мени рекламаларда суратга тушишга таклиф қилишди. Ўзинг биласан бу ҳаётнинг шухрати, пули яхши бўлади, бироқ мен бу оламдан сиқилиб кетдим. Билмадим менимча яна 2-3 йил ишласам керак.”

Бу гапни гапирганидан кейин бир неча кун ўтиб, яна газетада расми чиқди. Расми босилишини билар эди-ку, бироқ нималар ёзилишини хаёлига ҳам келтирмаган эди.

Газетани олиб, Фотиманинг олдига келди-ю, исён тўла гапира бошлади.

- Манабуни ўқиб кўргин...

Фотима диққат билан ўқиб чиқиб деди:

- Нима қилибди? - деди.

- Нима қилибди эмиш, эркакларнинг юрагини ёндирган эмишман.

- Машинанинг устига чўмилиш кийимида манекен ўтказишларидан мақсад ҳам эркакларнинг юрагини ўйнатиш эмасми?

- Тушунмадим, бизнинг чўмилиш кийимини кийишимиздан мақсад эркакларга жозибали кўринишми?

- И-ее. Буни билмасмидинг?

- Мен ҳечам бундай деб ўйлаб кўрмаган эдим. Тўғриси айтсам, жуда хафа бўлдим. Бошдан оёқ расмларим чиқди, лекин буни бу тарзда ўйламаган эдим. Мен на бунақанги шухрат, на пул хоҳлайман. Мен бу ишга санъат деб қараётган эдим.

- Ёки шундай деб ўқтирилдинг. Сен эмас бошқа манекенлар ҳам эркаклар нафсига хизмат қилишини билмайди.

Ўзлем қарор қилди. Ўзини эркаклар хойи-ҳавасига отмас, бу ишдан кетар эди.

У чиндан ҳам сўзида туриб Австралияга қайтиши учун чиптасини ҳам тайёрлаб қўйди.

Дугоналари билан хайрлашар экан, айниқса Фотимага хат ёзишга сўз берди. Фотимага бу муносабат ёққан ва “ор-номусли бўлсанг, номусинг ўз вазифасини бажаради” – деб ўйлаб, унга оқ йўл тилади.

\* \* \*

Posted by Family Novels at [3:43 AM](#) [0 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

**Thursday, August 12, 2010**

**[Имомнинг манекен қизи \(16-qism\)](#)**

*Будпарастларнинг янги  
тангриси Фалсафа бўлдими?*

Орадан бир неча ой ўтган, Фотима ҳали ҳам ўша жойда ишлар эди. Салим яна Фотимани тутиб олиб, унга фалсафанинг баъзи қоидаларини ўргатар эди.

- Қаранг, Демет хоним, материалист файласуфлар 3 қисмга ажралишади. Бир қисми юзаки, лабораториядагина файласуфлар бўлиб, амалда идеалистдирлар. Буларни кўрқоқ файласуфлар деб атаймиз. Бир қисми эса ҳақиқий материалистлар бўлиб, улар ҳеч қачон идеалист....

Фотима гапни бўлди:

- Сиз менга нега буларни тушунтиряпсиз? Мен фалсафага қизиқмасам.

- Сиз қанчалик ақлли эканлигингизни ўзингиз сезмаймиз.

Фотима уни ақлли деганларга доим бир хил жавоб берар эди:

- Қўйсангизчи, ошириб юборяпсиз. Ақлим бўлса ўзимга ҳам фойдаси тегар эди. Нима бўлганда ҳам мақтовингиз учун сизга раҳмат. Оббо, яна миямга савол ташлаб қўйдингиз. Нега баъзилар лабораторияда материалист бўлиб, аслида идеалист бўлар экан?

- Чунки лабораторияда модданинг шакли билан танишадилар.

- Майлику-я, лекин инсон ақлига модданининг шаклини кашф қиладиган даражада ақл берган. Билимни ҳам, динни ҳам қабул қилишса нимани ютқазинишади? Киши бир гўзал уйни кўрса, бунинг ажойиб меъмори бор экан, дейди-ю, уй ичига кирса меъмори рад этадимиз? Йўқ, ундай бўлиши керак эмас. Қайтага меъмори янаям кўпроқ таҳсинга лойиқ кўриши керак. Тушунишимча материалист фалсафа модданинг ичини кўргач, унинг ўз-ўзидан юзага келган деган қарорга келади, шекилли. Идеалист фалсафа эса ҳам моддани, ҳамда меъмори англайди. Мукамал даражада ишланган дизайнни тасодиф деб баҳоламайди. Менга материалистик фалсафа ҳечам ёқмади. Ўтган йили бир гап ўқиб қолган эдим:

Бир ақлдан озган киши: “Ким онаси билан жинсий муносабатга кириша олмас экан, демак юрагида ҳамон Тангрига ишончи бор экан ” – дейди. Нақадар даҳшат!!! Нақадар ваҳшийлик, тубанлик. Ўзлари бу ишни қилмаганларида бундай гапни айтмаган бўлар эди.

Бу гап Салимнинг ғашини келтирди:



- Тўғри, баъзилари оддий ҳақиқатлардан, чегаралардан ошиб ўтишни истайдилар. Мен унақаларга қўшилмайман.

- Демак, сизда ҳам бироз идеалистик руҳ бор дегани эмасми бу?

- Йў-ғе. Сиз нотўғри тушундингиз. Материалистик фалсафа жамият психологияси, урф-одатларига асосланади.

Фотима энди саволини жуда маккорона берди:

- Хўш, дейлик, жамият психологиясида бир кун келиб, яқинлар, оила аъзолар билан турмуш қурилиш ва жинсий муносабатда бўлиш ҳақида қарор қабул қилинса, у ҳолда материалистик фалсафанинг буларга қарши жавоби қандай бўлади? Масалан, ҳозирда луттибозларга оила қуришга изн берган динсиз мамлакатлар мавжуд. Динсизлик оила муҳитида ҳам давом этяпти. Жамиятни булғаётган тушунчалар ҳозирда ҳар ерда турли манзаралар акс этган. Бир киши айтган экан: “Аллоҳ бор бўлса ҳаромлар чегараси бордир ва табиийдир, Аллоҳ йўқ бўлса ҳамма нарса эркиндир..” Бу нима дегани?

- Тушунмадим, нима сиз материалистларнинг бундай разилликка қўл урганликларини уқтирмақчимисиз?

- Йўқ. Чунки бу мамлакатда материалист файласуфларга ҳам сингган ахлоқ бор. Мен эса материалист фалсафанинг ўзи ҳақида сўзламоқдаман. Материалист фалсафада номус тушунчаси борми? Эътибор бераётган бўлсангиз, идеалист фалсафага эътирозим йўқ. Такроран айтяпман, бир шахс ҳам билимга таяниб, ҳам Аллоҳга ишониб диндор бўлиши мумкин. Муҳими модданинг келиб чиқишини Аллоҳга йўналтира олишсин. Ҳозирда олимлар ҳам дунёнинг кейинроқ, вақт ўтиши билан вужудга келганини исботладилар. Фақатгина йилларда келишмовчиликларга дуч келадилар. Кимдир ўн миллион йил аввал деса, кимлардир ўн икки миллион йил аввал дейди. Яъни, дунё азалдан бор бўлмаган. Фақат Аллоҳгина азалийдир. Бироқ сизлар дунёнинг аввалини англай олмасдан материалист фалсафага асосланиб барча нарсаларнинг келиб чиқишини моддага тақаяпсизлар.

- Эътибор беринг-а, ҳозирги гапларингизнинг ўзи ҳам бир фалсафа.

Бирдан Недим бейнинг овози эшитилди-ю, улар баҳсларини яқунлашга мажбур бўлишди. Недим Фотимага ўгирилиб деди:

- Демет, узр Фотима, возе моделини кийиб чиқ. Иккита харидоримиз кўрмоқчи эди.

Фотима негадир тараддудланиб қолди:

- Ҳалиги, ўша моделни мен киймасам...

- Унда ким кияди, менми? Қани бўл, ўзингни тарозига солма.

- У модел...

Недим Фотимага ҳайрон бўлиб қаради:

- Хўш, нима қилибди у моделга?

- Уни кийишни хоҳламайман. Ҳаддан ташқари калта бўлиб кетибди.

- Нима қилибди? Сен авваллари ҳечам мини киймаганмисан?

- Кийганман-ку, бироқ минига ҳечам ўрганиб кета олмадим. Руҳан эзилиб кетаман. Бу нарсани атайин қилмайман, қўлимда эмас...

Недим бей секин-аста қизариб, жаҳли чиқаётгани сезила бошлади.

- Демет хоним, ишласан ишла... Ахир мен сен га чўмилиш кийимини кийдираётганим йўқ-ку. Қўлингдан келмаса, бориб бошқа жойда хизматкорлик қил.

Фотима ичида “ростдан ҳам, шундай қилсам-чи” деб кўнглидан ўтказди.

Недим асабийлашиб деди:

- Қани, бўлақол, кийин. Уларни куттиришимиз яхши эмас. Шермил келса сен шанелларни киясан.

Фотима кўйлакни базўр қўлига олиб, кийим алмаштириш хонасига ўтди. Истамаган ҳолда кўзидан икки томчи ёш тўкилди. Нега бу сафар мини кийиш унга бунчалик оғир бўлаётган эди?

Кечки пайт бўлиб ўтган воқеаларни Бонуга гапириб берар эди:

- Биласанми Бону, ўзимни бозорга солаётган қиздай ҳис қилдим. Харидорларнинг олдига чиқаётганимда қалбимдан кечаётганларни билганингда эди, ҳолимга ачиниб йиғлаган бўлар эдинг. Ўз ёғимга ўзим қоврулдим.

Бону Фотиманинг ҳолини яхши тушунар эди:

- Сени тушунаман. Мен ҳам бу азобларни чекканман. Айниқса илк мартаба сотилган кунимни ҳечам унута олмайман.

Бону давом эта олмай қолди. Бир он жимжитлик ҳукм сурди. Фотима тушунди. Бону ўзи сезмаган ҳолда билмай гапириб юборган эди.

- Хўш, кейин нима бўлди?

- Йўқ, бу ҳақда гапира олмайман.

- Гапир, гапир. Кўнглинг ёзилади.

- Сўрамагин, барибир гапирмайман.

- Майли, ўзинг биласан... Нежла билан Лайло шу пайтгача қаерда қолиб кетишди экан?

- Нежла кўнғироқ қилди. Бугун кечаси клубга боришармиш. Лайло келиб қолса керак.

- Сен ўзинг уйда нима қилдинг? Ишга бормадинг шекилли.

- Ҳа, бормадим. Бир ҳафтага рухсат сўрагандим.

- Тинчликми, бирор нима бўлдимми?

- Мазам йўқ. Шунга рухсат сўрадим...

Бонунинг чиндан ҳам мазаси йўқ эди. Уйда қолиб Фотиманинг китобларини ўқир эди. Бир-бирларига қарама-қарши курсиларда ўтиришар экан, Бону Фотимага қараб деди:

- Биласанми, Демет. Касал бўлганимда онамни роса соғинаман. Кечгача уйда ётдим. Ҳеч ким ҳол-аҳвол сўрамади. Онам ёнимда бўлганида бундай бўлмас эди. Шўрва пишириб берар, лимон чой ва бошқа дамламалар тайёрлаб, мажбурлаб бўлса ҳам ичирар эди. Ҳозир эса ҳеч кимга керагим йўқ.

Фотима сассиз йиғлар эди:

- Мен ўзим сенга дамлама тайёрлаб бераман, - дея ошхона тарафга ўтиб кетди. Бону эса орқасидан:

- Овора бўлма, барибир ичмайман, - деб қолди.

- Йўқ, мажбуран бўлса ҳам ичасан.

- Йўқ, ичмайман.

- Ичасан.

Бону йиғлар эди. Сас-садосиз томчиларди кўз ёшлари. Фотима дамламани қайнатиб Бонуга берганида унинг йиғлаганини пайқади.

- Нима бўлди? Нега йиғлаяпсан, Бону?

- Ҳеч нима бўлгани йўқ.

- Ҳеч нима учун йиғлашмайди. Нима бўлди? Айтақолгин.

Бону баттар йиғлай бошлади:

- Нимага бўларди Демет. Аёл бўлганимдан бери бирор киши сен каби меҳрибончилик кўрсатиб одам ўрнида кўрмаган эди. Ёки шунчаки ўзларини меҳрибон қилиб кўрсатишарди. Айниқса диндор кишилар юзимга ҳам қарашмас эди. Сен эса онамдан кейин мен билан дилдан яқин бўлган одамсан.

- Лекин сенинг бир хусусиятинг бор. Сен у йўлдан қайтгансан.

- Ҳа, одамлардан жирканганим учун қайтдим. Одамлар, жамият мени ёқди, Демет, ёқди. Кейин эса юзимга ҳам қарашмади. Ҳар бир мусулмон бошқаларни Аллоҳга қайтишга чорлайди-ю, биздайларга эса... Одам ўрнида кўришмайди-ку, нега ҳам чорлашсин.

Фотима дамламани Бонуга бериб курсига ўтирди. Бонунинг гаплари уни таъсирлантирди. Қаршисидаги инсоннинг ҳоли нима бўлар эди? Чин дилдан тавба қилса ҳам энди эркак бўла олмас, аёл бўлиб оила ҳам қура олмас эди. Бир умр тубанликда қолиб кетадими? Ислом ҳар бир тавба қилган одамга чора тақдим этади. Қизиқ, энди Бонуга ҳеч бир чора топилмайдими?

Бир неча дақиқа фикрини бир жойга тўплаб, отаси бу ҳақда бирор нарса деган демаганини эшлашга уринди. Ҳеч нарса эслай олмади. Яна Бонуга қаради. Бону тирноқларини еб ташлайдиган даражада тишлар, юзида эса ўтмиш акс этар эди. Фотима мавзунини ўзгартиришни истар, аммо Бонунинг гапи қулоқлари остида жаранглар эди: “Бошимдан ўтганларни телевизорга чиқиб гапирсам, дунё остин-устун бўлиб кетарди”. Энди эса “сотилган кунимни унута олмайман”, дея гапида давом эта олмаган эди.

“Кейин билиб оларман”, дея Бонуга қаради:

- Ҳалиям ичмадингми? – деб сўради.

- Хўп, майли. Онамга ўхшамагин, - жавоб берди у.

Фотима чуқур ўйга толгач:

- Хавотир олма. Ҳеч ким онанг ўрнини боса олмайди, - деди-ю, ошхонага кирди. Кўчада овқатланишмаганида уйда таом пиширилар эди. Бугун навбат Фотимага келган эди. Пиёз арчир экан, қўшиқ тинглар эди. Гўё ҳамма қўшиқлар

унга аталган эди. Паришон бўлиб, деразадан ташқарига қараганида қизил кўйлакли йигитчани кўриб қолди: “Тасодифмикан?” дея ўйланиб қолди. Қаерга борса шу йигитни кўраётган эди. Уни таъқиб қилиб юрганмикин? Ёки Фотима у йигитчани ёқтиргани учун унга шундай туюляптимикиан?

Бирдан йигитнинг деразага қараётганини пайқади. Бош илғаб Фотимага салом берди. Фотима ҳам жавоб берди.

Эртасига ишга кетаётганида йигитнинг уни кутиб турганини кўрди. Йигит сал хижолат тортиб Фотиманинг ёнига яқинлашиб, салом бергач:

- Салом, Демет хоним. Яхшимисиз? – деди.

Фотима ҳайрон бўлиб қолди. Исминни қаердан билиб олди экан, - дея:

- Салом, - жавоб берди у ҳам.

- Гаплашиб кетсак, йўқ демайсизми?

- Ишхонам бу ердан узоқ эмас.

- Биладан. Бир неча ойлاردан бери сизни кузатиб юраман. Сиз ҳақингизда ҳамма нарсани биладан.

Фотима бирдан ҳуркиб кетди:

- Нимами биласиз?

- Ҳамма нарсангизни.

- Ҳеч ким ҳеч кимнинг ҳамма нарсасини биладан олмайди. Устига устак сиз билан бирор мартаба гаплашмаган бўлсак.

Йигит қатъий эди:

- Мен қиламан деган ишимни бажараман. Сизни жуда ёқтираман. Шунинг учун сиз билан дўст тутинсак, дегандим.

- Йўқ, бу таклифингизни қабул қила олмайман. Қиз билан йигит ўртасидаги дўстликдан яхшилик чиқади деб ўйламайман.

- Уйланмоқ-чи бўлсам-чи.

- Кўча-кўйда кўрган қизингизга ўйланиб кетаверасизми?

- Нимага энди? Ундан кейин мен сизни кўчада эмас, иш жойингизда кўриб қолганман. Мен учун намоёиш ҳам қилган эдингиз.

- Сиз бутикчи ёки модачимисиз?

- Йўқ, лекин сизни яқинроқ таниш мақсадида ўзимни шундай кўрсатган эдим.

- Демак, ёлғон гапирибсиз-да.

- Мажбуран ёлғон гапирдим. Ишонинг ниятим жиддий. Роппа-роса олти ойдан бери сизни кузатиб келаман, сиз эса мана яқиндан бери мени пайқай бошладингиз.

Фотима нима деб жавоб беришни ҳам билмай қолди:

- Ишхонамга ҳам яқинлашиб қолдик. Рухсатингиз билан...

У йигитга нисбатан илиқ туйғулари бўлса ҳам кўрқар эди. Ҳозирда бу каби йигитлар қизларга ўзларини рисоладагидек қилиб кўрсатиб, қизларни илинтиришади-да, кейин уларни сотишади. Бу йигитни ҳам ўшандайлардан эмас, деб ким кафолат бера олади?

Мияси алғов-далғов бўлиб ишхонасига етиб келди.

Ҳар кунгидай иш куни тугаб, уйга қайтар экан, йўлда кутилмаганда укаси Усоманинг келаётганини кўриб қолди. Кап-катта йигит бўлиб қолган эди. Усома ҳам уни кўрди. Опасига ўхшаган бу қизга ҳайрат билан яқинлаша бошлади.

Фотиманинг юраги тўхтаб қолай деди. Мана, укасини кўрмаганига ҳам бир неча йил бўлибди. Қанчалик ўзгариб кетибди-я. Ўша онлардагина уни қанчалик қаттиқ соғинганини ҳис қилди.

Лицей рўпарасига келишганида юзма-юз келишди. Сал қолса Фотима укасини қучоқлаб “Жоним укажоним”, - дея кўз ёш тўкар эди. Усома Фотиманинг ёнидан ўтаётганида унга пинҳона назар ташлаб, кейин ўтиб кетди.

Фотима орқасига ўгирилиб баланд бўйли укасининг ортидан бўлса ҳам қарашни истар эди. Лекин “у ҳам қараса, унда мен эканлигимни билиб қолади”, деб ўйлади. Кўз ёшларини тута олмади. На кўчада эканлиги унга ҳалал бера олди, на одамларнинг нигоҳи.

“Укажоним! Опангни бегона деб ўйладинг-а? Опангни соғинган эдинг, шундайми? Бу Аллоҳни балоси бўлган опангни соғинганмидинг?”

Ҳам йиғлар ҳам укаси билан ўзича суҳбат қурар эди:

- Сени мен ҳам жуда қаттиқ соғиндим, қанийди, сени қучоқлаб, тўйиб-тўйиб ўпа олсам. Укажоним, ягонам... Мени кечирма хўпми укажоним? Ўзимни ҳам, сизларни ҳам ўтга солдим. Бу ҳаёт сизларни соғиниб яшашимга арзирмиди?

Лицейдан қайрилар экан, ўзини тутиб тура олмади, ортига ўгирилиб қаради. Укаси Усома сал нарида туриб, елкалари чўккан ҳолда, паришон ҳолда опасига қараб турар эди. Қанчалар эзиларли бир ҳолат эди. Бу қарашлар Фотимани эзаётган эди. Бориб қучоқласаммикан? – деб ўйлади. Бунга жасорати етмас эди. Опасини бу шаклда ҳечам кўрмаган иймонли ука учун бу ҳолат оғир бўлар эди. Уни янаям кўпроқ қийнаган бўлар эдим. Ҳозир-ку, қаердалиги, кимлиги ноаниқ эди, агар билса хиёнат алангасида куяр эди.

Ҳамма унга қарар, у эса кўз ёшларини тўкканча уйига равона бўлди. Энди илгаригидай одамларга парво қилмас эди. Шу одамларга гўзал ва жозибали кўриниш учун оиласини фидо қилмаганмиди?

Уйга келганида ҳамма жамулжам эди. Бундан ташқари Бурчин ва Сема ҳам шу ерда эди. Фотимани кўрган захотлари унинг йиғлаганини англаб, оёққа туриб, барчалари савол устидан савол ёғдира бошлашди:

- Демет, сенга нима бўлди?

- Нима бўлди, нега йиғладинг?

- Гапирсанг-чи, Демет.

Фотима бирдан:

- Мени Демет деманглар, Менинг исмим Демет эмас, Фотима... Фотима...

Тушунапсизми, менинг исмим Фотима, - деди.

Бону ҳайратланиб сўради:

- Бир кунда Демет қаерга кетди? Сенинг исминг Демет эмасмиди?

- У сохта исм эди. Худди инсонийлигим каби. Энди билиб олдингиз, мен имомнинг қизи Фотимаман.

Бурчин бирдан ўрнидан туриб кетди:

- Бунча яхши. Ростдан ҳам имомнинг қизимисан?

- Ҳа... ҳа, минг маротаба ҳа. Имомнинг қизиман.

- Вой, бунча омадлисан-а. Бу гапни журналистлар эшитса борми, бир зумда машхур бўлиб кетасан. Бир пайтлар имомнинг хотини бўлар эди. Журналистлар унга шунақанги катта эътибор кўрсатишди-ки, бирпаста машхур бўлиб кетди.

Фотима сумкасини курсига отиб жавоб берди:

- Ҳа, катта эътибор беришади-да, чунки имомнинг хотини университетга эмас, казинога борар эди. Очилиб-сочилган эди. Шу шаклда имомлару, хотинларидан қасдларини олар эдилар. Аслида менинг ҳам имом қизи эканлигимни билишса бир кунда бўлмаса ҳам узоғи бир ҳафтада кўкка кўтаришар эди. Устига устак “жасур қиз экан, имом отасига қулоқ солмади” ёки “ диндорликдан сиқилиб кетган қиз манекен бўлди” – дея жар солишар эди. Бурчимни артганимни ҳам ёзишар эди. Шу шаклда халққа имомларнинг қай даражада зерикарли эканлигини кўрсатишар эди. Лекин мен отам билан у сургундан бу сургунга қийналиб кўчиб юрар эканман, бу ҳақда битта ҳарф ҳам ёзишмади. Тўкилиб ётган вайрона уйларда яшаётганимда “булар ҳам инсон-ку” дейишмади. Фақатгина имомнинг қизи ёки хотини бирор жойини очса ёки балчиққа булғанса қизиқиб қолишади. Лекин мен уларга бундай фурсатни бермайман.

Бурчин севиниб кетиб деди:

- Мен дарров уларга етказаман.

Фотиманинг бирдан ранги ўчиб, кўзларида нафрат ўти чақнаб кетди. Бурчиннинг кўзларига кўзларини тикиб деди:

- Шундай қиладиган бўлсанг, сени ўлдираман. Қасам ичаман, сени ўлдираман.

Бурчин довдираб қолди:

- Бу қиз эсини еб қўйибди. Бирортасидан эшитиб барибир ёзишмайдимми?

- Йўқ, шунча йил ўтди, ҳеч ким билмади. Бугундан кейин кимдир эшитса ҳам бунинг сабаби фақат ва фақат сен бўласан. Шундай қилсанг, ҳаётингни жаҳаннамга айлантираман.

- Тушунарли, тушунарли. Бу мавзуда қароринг қатъий экан. Лекин Бонуга ишонч йўқ. Бунақаларнинг оғзи бўш бўлади.



Бирдан Фотима ва Бонунинг кўзлари тўқнаш келди. Бону қаттиқ ранжиганидан, бошини ерга эгиб олди.

Фотима Бурчинга ўгирилиб қатъий оҳангда деди:

- Йўқ! У сен билган инсонлар тоифасидан эмас. У жинсини ўзгартирган бўлса, сен динингни ўзгартиргансан.

Бурчин бу гапга қаттиқ аччиқланиб кетди:

- Ўзинг кимсан? Оилангдан қочиб, ботқоқликларга ботиб юрмаяпсанми?

- Ҳечам-да. Мен ҳечам ботқоққа тушганим йўқ.

- Бугун тушмаган бўлсанг, эртага тушасан. Ўттиздан ўтганингдан кейин ким сени манекенликка ишга олар экан? Ҳеч ким! Ўшанда манекенлар ахлатига отишганда кўрамиз аҳволингни. Ўша ахлатхонага отилганлар ичида қутулиб чиққанлар, шунчалик озчиликки уларни санаш умуман қийинчилик туғдирмайди.

Фотима у ёқдан бу ёққа юрганча:

- Мен у ахлатга тушмайман, - деди.

- Сендакаларнинг кўпини кўрганмиз.

- Сен ўзинг қаерга тушасан?

- Менга фарқи йўқ. Ҳозир ҳам кимнинг чўнтаги қаппайган бўлса ўшаникиман.

Лайло ўзини тутиб тура олмади:

- Ҳалигинақалигинг билан мақтаняпсанми?

- Нима қилибди?

- Ўзи аслида сиздака манекенларни деб, номимиз ёмон отлиқ бўлган.

- Унда номингизни ўзингиз тозалаб олинг... Мен кетяпман.

Фотима эшик қаршисига туриб деди:

- Йўқ, ҳозир кетмайсан. Ўтир гаплашиб оламиз. Бу кетишинг бўлса, мени журналистларга сотиб берасан-да, иккаламизнинг ҳаётимизни ҳам зиндонга айлантирасан.

Бону ўрнидан турди:

- Сизларга чой олиб келаман. Ҳар ҳолда уйнинг энг кичик қизи менман.

Фотима Бонуга ачиниб қараб, “Сенинг ҳаётингни барбод қилганларни Ўзи жазоласин” дейишдан бошқа нарса дея олмас эди.

Ҳамма бироз бўлса ҳам тинчланди.

Нежла сўради:

- Бугун сенга нима бўлди, Демет?
- Демет эмас, Фотима.
- Хўп, Фотима. Сенга нима қилди бугун?

Фотиманинг кўзлари яна тўлиб кела бошлади:

- Бугун жонимни кўрдим. Ягона укажоним, Усомани кўриб қолдим. Эҳ, қанийди, бир қарорга кела олсайдим. Тез орада оиламга, дадажонимга, онажонимга, эски тахтали уйимга етиша олсам. Бўлмаяпти, бўлмаяпти. Иложини топа олмаяпман. Икки хил руҳ бир баданда яшай олмаяпти. Уларни жуда соғиняпман. Илтимос, мени айбламанглар. Қўлимда эмас, менга боғлиқ эмас, уларни қаттиқ соғиняпман. Мен қандай қилиб алданиб қолдим, билмаяпман. Алданиб қолдим, дўстларим.

Лайло бошини кўтариб жавоб берди:

- Қай биримиз алданмадик? Қай биримиз йиғламадик? Бироқ ҳали ҳам ақлимизни йиғиб ололмаяпмиз.

Бурчин сиқилиб кетган эди:

- Албатта, йиғлайсизлар-да. Бир “донишманд” айтган экан: “диндорлар охиратни ўйлаганлари учун истаганларини қила олишмайди, натижада эса бахтсиз бўлишади”. Ҳаммангиз нариги дунёга ишонганингиз учун бахтсизсиз.

Нежла бирдан деди:

- Менинг унақанги тушунчаларим йўқ.

Фотима ўзини тутиб тура олмади:

- Қанийди, ўша кишидан “рафиқангни биттаси севиб қолиб уни йўлдан урса яхши бўлармиди ёки охиратни ўйлаб рафиқанг бу истагидан воз кечса яхши бўлармиди?” – деб сўрашганда эди. Бундан ташқари охиратга ишонмайдиганлар бахтлироқми? Жавоб беринг, охиратга ишонмайдиганлар йиғламайдими? Уларнинг дарди бўлмайдими? Қайтага...

Нежла мавзуни ўзгартирди:

- Донишманд деганда нега хаёлингга дарров эркак киши келди?

- Аёл мутафаккирлар йўқ бўлгани учун. Аёлларга имкон берилмагани учун, “аёлларнинг фикри нима бўларди?” – дея аёллар ерга урилгани учун, уларнинг фикрларига аҳамият берилмагани учун. Дадам шундай дер эдилар. Шунинг учун нуқул эркак киши хаёлимга келади.

- Демак, аёллар ҳам арзийдиган нарса қилишмаган.

- Қилишган бўлса ҳам тарихга киритилмаган. Динсиз аёлларнинг хатти-ҳаракатлари катта эътибор торта бошлади. Бунинг сабаби ҳам динга қарши чиқишлари бўлди. Биз мавзумизга қайтайлик. Ўша донишманднинг фикрига. Охират кўрқувини ҳис қилмайдиганлар, дейлик бу дунёда бахтли яшайдилар. Бир инсоннинг охират йўқ, деб бу дунёда бахтли яшаши фойдалироқми ёки охират бор, дея қисман бу дунёда ва тўлиқ у дунёда бахтли яшашими? Инсонларни диндан айиришнинг нима фойдаси бор? Такроран сўрайман, диндан чиққанлар шунчалик бахтли яшайдиларми? Ҳа, майли, мен хонамга кеттим. Овқат тайёр бўлса мени чақирарсизлар.

Хонасига кетар экан, ортига қайтиб, гапириш оҳангини тузатиш кераклигини сезиб:

- Чақириб юборинг, илтимос- демоқчи эдим.

Нежланинг овози билан яна ортига қайтди:

- Уйга шунақанги тарзда кириб келдинг-ки, гапимни унутиб қўйдим. Ўзлем Суслерден сенга хат келди. Столнинг устига қўйдим.

Фотима хонасига севинч билан кирар экан деди:

- Ҳақиқий дўст экан. Бизни унутмабди.

- Бизни эмас, сени унутмабди.

\* \* \*

## **Имомнинг манекен қизи (17-qism)**

### ***Ёмонликдан қайтишнинг эрта-кечи бўлмайди***

Фотима Ўзлемдан келган хатни ҳаяжон билан очди. Анча узун, энли хат эди. Ётоғига чўзилиб ўқий бошлади:

**“Аллоҳнинг саломи билан сўзларимни бошлайман.”**

Фотима Ўзлем хатини Аллоҳнинг исми билан бошлашига ҳайратланиб ўқишда давом этди:

*“Севимли дугонам, Демет, яхшимисан?”*

*Сенга ёзадиган нарсаларим шунақанги кўпайиб кетдики, қай бирдан бошлашни билмай қолдим. У ердан келгач, бошимдан нималар ўтганини эшитсанг, ишонмайсан.*

*Мен бир христиан йигит билан турмуш қуришга қарор қилган эдим. Кейин бўлажак фарзандларимиз ҳақида ўйлаб қолдим. Уларга қандай исм қўйиш, қайси динга кўра тарбиялаб ўстиришим керак эди? Бирдан даҳшатга тушдим. Ўша пайтгача ҳеч бир қоидасига амал қилмаган Ислом динимнинг энди болаларга исм қўйишда жуда муҳим эканлигини англадим.*

*Унаштирилган йигитимга вазиятни тушунтирдим. “Мусулмон бўламан, лекин сен аввал менга у ҳақда ўргат деди”. Ўзим ҳеч нарсани билмасам, унга нимани ҳам ўргатар эдим? Ўшанда ҳеч нарса билмаслигимни тушуниб етдим.*

*- Мен Исломни билмайман. Сенга китоб олиб бераман ўқийсан, дедим. Рози бўлди. Унга инглиз тилида исломий китоблар олиб бердим. Қарасам, ўқимаяпти, неча мартаба таъкидладим, барибир ўқимади. Бир кун менга “ўзинг ўқи, кейин гапириб берасан” – деди. Кейин ўзим ўқий бошладим. Тинмай, ҳар кун ўқир эдим. Бундай қарасам, мен умуман мусулмон эмас эканман. Ўз аҳволимга жуда ачиндим... Иймоним кучаяр экан, биринчи қилган ишим, намоз ўқиш бўлди... Онам роса кўрқди. Диндор бўлиб кетасан, деб менга қилмагани қолмади. Унинг назарида инсон замонавий бўлиши керакдики, бир инсоннинг ҳам замонавий ҳамда иймонлилардан бўлиши мумкинлигига ишонмас эди. Бир уйда икки душмандай яшадик. Айниқса ҳижобга кирганимда ҳайратланиб, ақлдай озгудей бўлди. Дадам эса хурсанд эди. Чунки у ҳам кўп ўтмай намоз ўқишни бошлади.*

*Болалигимда мени Қуръон курсига бермоқчи бўлганларида курснинг ўқитувчиси Отатуркни яхши кўрмас экан деб, бермаган экан.”*

Фотима Ўзлемнинг гапларини эслади:

Ўша инсоннинг қизини Муҳаммад (с.а.в.)ни севмаган католик мактабига ўқишга беришини кўз олдидан ўтказди. Ўзлемнинг ўрангани ҳақидаги хабарни ҳам ҳайрат ичида ўқиди. Ўша қиз, ўша манекен Ўзлем қанақасига ўранди экан? Шунақанги севиниб кетди-ки, хатни тугатиб бўлмасиданоқ, меҳмонхонага югурди:

- Қизлар, суюнчи! Ўзлем Суслер Исломга қайтибди... Бундан ташқари намоз ўқиб, ҳижобга кирганмиш.

Бурчин тирноқларини текислар экан деди:

- Ахмоқ қиз, шундоқ ёшлигини барбод қилиб...

Фотима тутоқиб кетди:

- Ҳозирчи? У ҳали тирик, шундоғам ёшлигини яшайди-ку.

Лайло бу хабарни эшитиб севиниб кетди:

- Тўғриси айтсам, жуда хурсанд бўлдим. Кўрамиз, Ўзлемнинг ҳар бир ҳаракатини ёзадиганлар, бу ишни ҳам ёзишармикан?

- Ёзишмасин, унинг бу қарорини эшитганлар сони Ўзлемга етиб ортади.

Бону ошхонада туриб гапларни эшитиб, югуриб келди:

- Унга роса ярашган бўлса керак ўраниш. Офарин. Жуда тўғри қарор қабул қилибди.

Фотима севинчдан бир жойда тура олмас эди. Яна хонасига кириб давомини ўқий бошлади:

*“Энди эса худди шу инсон ўранганимга жуда севиняпти. Бироқ турмуш қурмоқчи бўлган инсонимга ҳижобга киришим умуман ёқмади. “Менга жазо бериш учун ўраняпсан” деди. Анча мунча нарсалардан кейин қарасам, бўлмайди. Ажралишдик. Исломга қайтишим сен учун жуда муҳим воқеа деб ўйлаб, аввалига шундан бошладим. Энди бошқа хабарларга келсак.*

*Университетни битирдим. Ўша пайтларда бўшлиққа зарқ бўлган эдим. Японияга бориб, у ерда инглиз тилидан ўқитувчи бўлиб ишладим. Япон ёшлари мени шокка туширди. Кўпи динсиз. Қариялари эса Буддист. Моддапарастлар. Мен ҳам шундайлардан эдим. Кристиан Диор туфлилари, шанел кўзойнаклари... Худди ўзларини моддият билан исботлашар эди. (Албатта ҳамма японлар демоқчи эмасман, лекин кўпи шунақа.)*

*Япониядаги Ислом Маданият Марказига бордим. У ерда Исломни Японча ўргатишар экан, мен ҳам тингладим. Бироқ Япон тилини ўрганишни давом эттиришим керак эди. Бу эса у ерда қимматга тушгани учун кейин Англияга бордим. Лондонда Шарқшунослик факультетида япон тилини ўрнатишда давом этдим. Бундан ташқари Ислом Жамиятига қатнай бошладим. Исломий биродарликнинг қанчалик ширин туйғу эканлигини мен Лондонда Ислом Жамиятида ҳис қилдим. Шунақанги гўзал туйғу эдики, бу ҳисни сўз билан ифодалаб бўлмайди.*

*Кейинроқ Малайзияга йўл олдим. Кейин Америкага, Лас Вегасга бордим. Ҳаромга тўла жой. Роса сайр қилдик, энг ҳашаматли меҳмонхоналарда тунадик. Лекин мен ўзимни бахтли ҳис қила олмайман эдим. Намоз ўқир эдим. Аммо бошим очиқ эди. Чиндан ҳам одам бахтни қалбида, руҳида олиб юрар экан. Ҳозир жуда яхши мусулмон йигитга унаштирилганман. Ҳа, агар сен шу кунларда онамни кўрсанг, таний олмайсан. Унаштирилган йигитим унга жуда чиройли муомалада бўлди ва Исломни тушунтирди. Гўё исломга қарши бўлган онам ўрнига бошқа одам пайдо бўлиб қолгандай. Ишонмаслигинг мумкин, лекин сен билган ўша аёл ҳижобга кирди.*

*Ҳозир жуда бахтлиман. Мени кўрсанг ҳайратланиб қоласан. Ҳижобга шунчалик тез ўргандимки, баъзан нохуш воқеалар содир бўлса ҳам руҳим доимо енгил. Худди бахт менга қанот ҳадя этгандай, қўлларида кўтариб юргандай..*

*Хуллас, мендаги ўзгаришлар шулардан иборат...*

*Хўш, сенда нима гаплар? Қалбингда гўзаллик ҳалиям ҳукмронми ёки ўша қоронғу кўчаларда йўқ бўлиб кетдимми? Менга ўзинг ҳақингда ёзиб юбор. Лайло... Нежла... Бону ҳақида ҳам...*

*Ватанимда қандай ўзгаришлар бўлди? Шуларни ҳам ёзишни унутма.*

*Сўзларимни якунлар эканман, кўзларингдан ўпиб, сенга (сизларга) икки дунё саодатини тилайман. Аллоҳнинг саломини қабул қиладиган ҳар кимга саломимни етказ.*

*Беғубор дугонажоним менинг.*

*Ассалому алайкум.*

**Ўзлем Суслер.**

**Эслатма: Аллоҳ хоҳласа бир кун келиб, ишонаманки сен ҳам менга хуш хабарлар ёзиб юборасан.”**

Фотиманинг туйғулари таърифлаб бўлмас даражада эди. Бир тарафдан нохушлик, бошқа тарафдан севинчли ичига сиғдира олмас эди.

Овқатини емасдан ётган, унсиз йиғлай-йиғлай уйқуга кетган эди.

Кўзларини очганида эса кеч қолганини пайқаб апил-тапил кийиниб, кўчага чиқди. Бирдан катта тезликда келаётган юк машинаси уни уриб юборди. Қон ичида қолган Фотима ерга йиқилди. Атрофдагилар уни касалхонага олиб бориш учун машинага олиб чиқишди.

Фотиманинг ҳуши ўзида эди. Ҳамма гап-сўзларни эшитиб борар эди.

- Юк машинаси бечора қизнинг оёқларини босиб ўтибди.

Фотима даҳшат билан оёқларини пайпаслади. Бармоқларини қимирлата олар эди-ку, бироқ оёқларини бир-бирига текказиб кўрмоқчи бўлганида улани қимирлата олмаётганини тушунди. Шу онда бирдан балконда ўтирадиган йигитнинг онаси айтган гаплар ёдига тушди: “Оёқларингнинг соғломлигига ишонма, Аллоҳ кўрсатмасин бир фалокат келса борми...” Ўша гап ҳақиқатга айландими? Фотима энди чўлоқ бўлиб қолдими?

Ўзини таърифлаб бўлмас даражада ночор ҳис этарди.

Бирдан бақира бошлади:

- Мен чўлоқ бўлиб қолдим. Фалаж бўлиб қолдим.

Бақириб кўзларини очганида аввал ўзини касалхонада деб ўйлаган, кейин эса туш кўрганини англади.

Қизлар унинг овозини эшитиб, дарров атрофига тўпланишган эди. Чироқни ёқиб, Фотимадан сўрашди:

- Демент, сенга нима бўлди?

Фотима кўзларини ишқалаганча жавоб берди:

- Даҳшатли туш кўрдим.

Нежла дарров сув олиб келди:

- Ол, дарров ичиб юбор.

Қизлар бироз муддат Фотиманинг ёнида ўтириб, кейин тарқалишди. Аслида Лайло Фотима билан бир хонада турар эди.

Ҳамма яна уйқуга кетган, Фотиманинг эса кўзига уйқу келмас эди. Соатга қаради. Тўрт бўлибди. Ўрнидан туриб, меҳмонхонага кирганида ҳалиям кўрган тушининг таъсирида эди. Балкондаги йигитни ўйлай бошлади:

“Унга нега шунчалик ёмон муомалада бўлган эканман? Чиндан ҳам одамгарчилигимни йўқотган эканман” – деди.

Сўнгра ўша йигитнинг гаплари ёдига тушди:

- Мен сенга эмас, ичимдаги Фотимага қараяпман. Бир марта эса “Сен кабилар мусулмон бўлолмайди. Ҳақиқий мусулмон бўлиш учун юрак керак... Сенга ўхшаш бурни осмонда бўлганлар қаёқда-ю, мусулмонлик қаёқда?” – деган эди.

Ўшанда уни “бечора” деган эди. Ҳозир эса аслида ачинишга арзигулик одам ўзи эканлигини англади. Ўша йигитнинг аҳволи нима бўлди экан? - деб ўйлаб қолди. Ҳозир унинг қанчалик тарбияли ва босиқ йигит эканлигини англади.

Яна хаёлига Усамо келди. Кейин ота-онаси... Бўғзига бир нарса тиқилгандай бўлди. Бу шундай оғир дардди, ҳечам кўтара олмаётган эди.

Нонушта пайтида қизлардан сўради:

- Қизлар, “ўрнимга бошқа одам топинглар, мен кетаман” – десам нима қиласизлар?

Бону бундай гапни ҳечам кутмаган эди:

- Йўқ, бундай дейишинг мумкин эмас. Бизни ташлаб кета олмайсан. Кейин Фотимага хомуш нигоҳ билан боқиб: - Сен кетсанг, меним ҳолим нима бўлади, Демет? – деди.

- Демет эмас, Фотима.

- Ҳа, Фотима. Сен кетсанг, бу ерларда қандай яшайман? Сен борлигингда ўзимни ёлғиз ҳис қилмаётган эдим... Сенга ишонар эдим. Гўё сарвиқор тоғдай турар эдинг орқамда.

Лайло, Нежла ҳам қаттиқ ранжишган эди. Биринчи бўлиб Лайло сўради:

- Кетсанг, бизни унутасанми ?



- Асло унутмайман. Доим сизни кўргани келиб тураман. Сиз мени кўргани борасиз.

Фотиманинг кўз ўнгида бир неча йил олдинги ҳолат гавдаланди. У ўртоқларини уйига таклиф қилишдан уялар эди. Ҳозир эса у Фотимадан асар ҳам қолмаган. – Яна сизларни эски курсиларга ўтиргизар ва бундан ҳечам ор қилмас эдим.

Қизлар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарашди.

- Нима демоқчисан, Демет? Узр, Фотима.

- Ҳа, майли, эътибор берманг. Ўз-ўзимга айтадиганимни айтдим.

Бону ҳайрон бўлиб сўради:

- Биз шу ердалигимизда ҳам сен ўз-ўзинг билан гаплашяпсанми?

- Ҳа, баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради.

Савол навбати Нежлага келган эди:

- Уйга қайтсанг, отанг уйга киргизадими? Сени ёмон йўлга кирган деб билади-ку.

Фотима чуқур ўйга толди. Пиёласидан бир хўплам чой ичиб жавоб берди:

- Мени шунақанги отам бор-ки, мени ўз кўзлари билан тубанликда кўрса ҳам қабул қилади. У доим “ёшларга хатосидан қайтишга имкон бериш лозим” – дерди. Мен эртага хаёлан уйга боришга жасорат топа олаётган бўлсам, бу - отамнинг тушуна олишига бўлган ишончимдандир. Отам даҳо экан-у, буни мен йиллар ўтиб англадим.

\* \* \*

Posted by Family Novels at [4:51 AM](#) [0 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

**Tuesday, August 10, 2010**

**[Имомнинг манекен қизи \(18-qism\)](#)**

Фотима ишхонага етиб борганида қизил кўйлакли ўша йигитнинг Недим бей билан чой ичиб ўтирганини кўрди. Ҳайрон бўлиб қолганидан бир муддат нима дейишни ҳам билмай қолди. Недим йигитни Фотимага табассум ила таништирди:

- Фотима, таниш, бу менинг энг кичик укам Фехми.

Фотима умуман лол бўлиб қолди:

- Ростанми?.. Танишганимдан хурсанд бўлдим.

Йигит қўшиб қўйди:

- Ака, биз бир-биримизни таниймиз.

Недим Фотимага ўтиришга имо қилиб, деди:

- Сени Аллоҳнинг амри билан укамизга сўраймиз, Фотима.

Бу гапни олдинги Фотима эшитганида уятдан ерга кириб кетгудек бўлар эди. Нима бўлганда ҳам муҳит таъсири билан анча “замонавийлашиб” қолган эди. Шундай бўлса ҳам бу гапдан уялиб кетди:

- Бу гаплар бирпаста ҳал бўладиган ишлар эмас. Кейинроқ гаплашамиз. Ишдан кетишни ўйлаяпман. Ўзимни шунақанги ғалати ҳис қиляпманки, еру осмон менга торлик қиляпти.

- Қаерга кетасан кетсанг?

- Уйимга... Эски тахтали уйимга... Эски курсилари бўлган уйимга бораман албатта. Қани энди шундай қила олсам. Дадамни тўйиб-тўйиб қучоқлай олсам. Онам, укамни шунақанги соғинганманки, уларга берган азобларим етар деб ўйлаяпман. Ўзим ҳам бошқа сабр қила олмайман. Менимча Аллоҳни севадиган ва унга ишонадиган ҳеч қайси манекен бу ишни хотиржам кўнгил билан қила олмаса керак. Буни мен бошимдан ўтгач тушуниб етдим.

- Офарин, Фотима! Сенинг бебаҳо қиз эканлигингни билган эдим. Фехми укамиз ҳам дарров тушунибди. Сен уни Салимга ўхшатма. Қизил кўйлак кийиб олганига ҳам алданма, у орамизда энг диндоримиз. У доим атрофидагиларга фойдаси тегиб юрадиган инсон.

Орадан уч кун ўтди. Фотима эрталаб уйғонганида ҳамманинг ишга кетганини тушунди ва нонушта учун дўконга чиқиб нон олмоқчи бўлди. Нон сотиб олди-ку, қайтаётганида калитни ичкарида унутганини фахмлади. Бир муддат ўйланиб, дўконга қайтиб борди. Ишхонаси уйга энг яқин одам Нежла эди. Унга кўнғироқ қилса, Нежла дарров олиб чиқиб берар эди.

Телефон рақамини тергач, гўшакни Нежланинг раҳбари олди:

- Нежла бу ерда ишламаяпти, Демет хоним. Уч ой олдин бўшаб кетган.

- Қанақасига? Менга бу ҳақда ҳеч нарса айтмаган эди-ку.

- Айта олмайди ҳам. Сюзининг “учрашув” уйида ишлаётган эмиш. Менга манекенлар ахлатига отилишдан олдин ҳаётимни қуриб олишим керак деган эди. Ҳаётимни қуриб олай, деб ўзини баттар булғади.

Фотима Нежланинг бир неча йил олдин уни ҳақорат қилган йигитга берган жавобини эслади. Эркаклар билан учрашиб юришини билар эди-ку, иш бунчалик бўлиб кетганини ҳаёлига ҳам келтира олмас эди. Шунда ҳам, қаттиқ хафа бўлди. Нежла ўзи қинғир йўлда юрса ҳам, бошқаларни ёмон йўлга бошламас эди. “Аллоҳим, уни шу хусусияти учун ҳам тўғри йўлга бошла”- деб дуо қилди. Кейин Лайлога қўнғироқ қилди. Юраги тез-тез ура бошлади. Лайло ҳам ўша ерга кетмадимикан?- деб ўйлади. Бу ҳаёллари билан экан, Лайло жавоб берди. У гўё шамолдай елиб, калитни олиб келиб берди ва:

- Биласанми, дугонажон, ўзгараётганингга ҳам хафа ҳам хурсанд бўляпман. Шайтон, сен ҳам бу ишни ташла,- деяпти.

Фотима кулиб жавоб берди:

- Шайтон бундай демайди. Бу гапни ичингдаги иймон айтяпти.

- Тўғри... Шайтон нимага ҳам бундай дерди.

Лайло калитни бериб ортига қайтар экан, орқадан бақриб қолди:

- Фотима, бугун кечки пайт Қуръон курсига бораман. Қўнғироқ қилиб таклиф қилишди. Уйга келмасам, хавотир олма, хўпми?

- Хўп, Аллоҳ ёрдам берсин.

Кеч бўлиб уйда Бону билан Фотима ёлғиз қолишган эди. Фотима пайтдан фойдаланиб сўради:

- Нежла нега уйга кеч қайтиб, кеч кетяпти, биласанми?

- Биламан, лекин айтолмайман.

- Ўзинг-чи, эски жойингда ишляпсанми ҳалиям?

- Ҳа, раҳбарим жуда сахий аёл. Унинг ўғли ҳам бир неча йил олдин уйдан қочиб, кейин орадан анча вақт ўтиб, бир аҳволда қайтиб келган экан... Виждонан меҳнат қилсанг, шу ерда бир умр ишляшинг мумкин болам, дейди.

- Ўша аёлга ва энг муҳими тавбангга хиёнат қилма, хўпми?

Бону яна махзун бўлиб қолди:

- Кетаётганга ўхшайсан. Мени ўйлаб нима қиласан?

- Сени ҳар доим ўйлайман. Қанийди, уйимга бора олсам, биринчи қиладиган ишим, сен ҳақингда отамга гапириб бериш бўлади. Исломга асосан сенга қандай чора борлигини сўрар эдим.

- Исломда менга ўрин бўлмаса, чора бўлмаса-чи?

- Исломда ижтиҳодга очиқ йўл берилган. Керак бўлса мен ўзим бутун дунё мужтаҳидларига сен ва сен каби ҳақиқатдан пушаймон бўлганлар учун ижтиҳод керак эканлигини эслатиб, бу мавзуда илмий ишлар олиб борар эдим. Аслида ижтиҳод замоннинг шу каби муаммолари учун амалга оширилади. Узр, ижтиҳод эмас, қиёс бўлади. - Агар сен чиндан ҳам тавба қилган бўлсанг, мен шундай деб ўйлайман, сени қўлингдан тутиб тўғри йўлга олиб чиқаман иншаАллоҳ. Бироқ баъзида шайтонга эргашиб қўядиганга ўхшайсан. Эсингдами ўша кеча? Нежла ва Бурчин билан кетганинда-чи... Ўша тунда...

Бону гапини бўлди:

- Қасам ичаман, ўшанда мен ичкилик ва рақс тушишдан бошқа иш қилганим йўқ.

- Бундан кейин ичкилик ҳам ичмасанг. Сенга бир маслаҳат берайми?

- Албатта, Фотима. Сенинг сўзларинг мен учун амирдир. Бутун бошли дунёдир, қулоғим сенда.

- Айтмоқчийдим-ки, намоз ўқишни ҳам бошласанг, нима йўқотасан?

Бону биринчи маротаба бундай таклифга дуч келган эди:

- Лекин мендакаларнинг намози қабул бўлмас экан-ку.

- У гап чиндан ҳам Аллоҳга қайтмаганларга тегишли. Ким бўлишидан қатъий назар, Аллоҳга қайтса, Калимаи шаҳодатнинг маъносини тушуниб, қабул қилса ва исломнинг ҳеч бир қонунини инкор этмаса, ўша қулнинг саждасини Аллоҳ қабул қилади, Бону. Бундан шубҳа қилма. Ягона Роббимизнинг яратган жинсиятини алмаштирдинг. Бу энг катта гуноҳлардан биридир. Шунинг учун, Аллоҳдан авф сўра. Ёшларга имкон бўлган захоти пушаймон эканлигини айтгин-ки, улар орасида адашганлар бўлса, тўғри йўлга қайтсин. Баъзилар ҳам Аллоҳга қарши чиқиб, қилган ишидан фахрлангандай, ғалати гапларни гапириб, ёшларни ҳам йўлдан оздиряптилар. Сиси бу мавзуда телевизорга чиқиб нима деганига эътибор бер: “Бизни алдашди, жинсини алмаштирганларни янаям

бахтли қилиб кўрсатишди. Бизни ботқоқликка итаришди”. Ҳамма Сиси каби очиқчасига гапира олсайди. Баъзилар ёшларга гўё захар улашишади. Бону, янаям тубанликка юз тутма. Кейин умуман чиқа олмайсан. Мен бу ерда яшаган пайтим жуда аянчли воқеалар шоҳиди бўлдим.

Бону гапини бўлди:

- Сен нимани ҳам кўрибсан, Демет? Кечирасан, Фотима. Менинг бошимдан кечганларни кўрганингда ақлдан озган бўлардинг, балки чидай олмай ўлардинг.

- Гапирмаган бўлсанг, қаердан ҳам билар эдим. Кел, мана бугун гапириб бер.

- Қаердан бошласам экан? Ҳаммаси мен ўн икки ёшлигимда бошланди. Дадам бошқа аёл сабабли онамни ва мени ташлаб кетди. Ўша бадбахт отамни жуда яхши кўрар эдим.

- Ундай дема, ахир у сенинг отанг.

- Бизга берган азобларини унутишимни сўраяпсанми? Менинг ҳаётим отамни деб остин-устун бўлиб кетди. Майли, сенинг ҳурматинг учун бу сўзни ишлатмайман.

“Хуллас, отам кетгач, онам билан ёлғиз қолдик. Бир куни мактабга кетаётсам, қўшним мени чақирди. Кейин... кейин ўша ерда мени зўрлади “агар чурқ этсанг, ўлдираман”, - деди. Қиз болага ўхшармишман. “Вақти-вақти билан келиб турсанг, кўп пул бераман”, деди. Умримда ўшанча пулни кўрмаган эдим.

Йиғлаб уйга қайтдим. Анча вақт кўчага чиқмадим, онамга билдирмай нуқул йиғлар эдим. Онам бўлса “боламни жин урди, шекилли” – деб мени домлаларга олиб бориб ўқита бошлади. У ҳам бўлмағур гапларни тўқиб ташлади. Нима эмиш, мен жин дастурхонини босиб ўтганмишман. Бунинг устига бу ёлғонлари учун онамдан анча-мунча пул ундириб олди.

Кейин яна уйга қайтдик. Орадан кунлар, ойлар ўтди. Мен ҳамма нарсани ичига ютадиган болага айландим. Отам йўқ. Овқат йўқ, нон йўқ. Онам нима қилишни билмай йиғлар эди. Иш қидирар, топа олмас эди. Ҳатто хизматкорликка ҳам топа олмади. Бизнинг ҳолимиздан қўни-қўшни хабар оладиган бўлиб қолди.

Уй эгаси эса нукул ижара хаққини сўрар, ёки пулини тўланг ёки уйимни бўшатиб қўйинг. Мен шу уйнинг пули билан тирикчилик қиламан, - дер эди.

Онам йиғлай бошлади. Унга шунчалик раҳмим келди-ки, кейин ўша номуссизнинг уйига бордим. “Менга тирикчилик учун ва ижара хаққини тўлашга пул бер ва ўша ишни яна қил”, - дедим. Отам бўлганда ҳам, ўша воқеани унутишга ҳаракат қилар ёки тақдир деб яшашда давом этардим.

- Йўқ, бошимга мусибат тушди, дер эдинг.

- Нима бўлганда ҳам, пулни олиб онамга олиб бордим. Онам “қаердан топдинг?” деб сўради.

- Қийналиб қолганимизни эшитиб бир амаки берди, - дедим.

Онам бир неча кун дуо қилди. Мен эса онамдан беркитиб йиғлаб олар эдим. “Энди эркак бўлиб яшай олмайман. Менинг ҳаётим тугади”, дер эдим. Бир марта бошимга тушди, бир мартами юз мартаби нима фарқи бор, дебман. Холбуки, фарқи катта экан. Туппа-тузук эркак бўлиб яшашим мумкин экан, аммо билмабман. Руҳиятим ўзгариб, нозланиб юрадиган қилиб чиқардим. Ҳамма биладигандай, тушунадигандай туюларди. Бу ҳолат бир неча йил давом этди.

- Онанг пулни ким бергани билан ҳечам қизиқмадим?

- Қизиқди, лекин мен “онажон, у одам пулни сумкамга солиб қочиб кетяпти. Ким эканлигини билдиришни хоҳламаяпти” дедим. Онам жуда тўғри ва содда аёл эдилар.

- Қилган яхшилигини ҳеч ким билишини хоҳламаяпти, дегин, - дердилар.

Шу алфозда кунлар ўтар экан, ёшим ҳам катта бўлиб қолди. Кўча-кўйда кетаётганимда гап отишса, ростанам қиз болага ўхшарканман-да, деб миямга қуйиб олибман. Шу билан бирга ўша пайтлар телевизорларда нукул жинсини алмаштирганларни кўрдим. Ҳаётларидан жуда мамнун эканликларини таъкидлар эдилар. Мен яна ўшанинг олдига бордим ва операцияга пул сўрадим. Аслида ундан жирканар эдим, лекин биринчи марта шу билан бўлган, деб сабр қилар эдим. Пулни олиб касалхонага бордим. Ниятимни айтдим. Шифокор ҳам мени умуман огоҳлантормади, бу йўлдан қайтармади. Ўз ўғли ҳам операция қилдирмоқчи бўлса, индамай қараб турармиди? Йўқ, шундай эмасми? Ўғлини бу йўлдан қайтариш учун ҳамма нарсага тайёр бўлар эди. Ўша номуссиз шифокор

ҳам ақли-фикри пулда эди. Мени дарров операция қилишини айтиб, бир ой кейинга тайинлади. Операция қилдирмоқчи бўлганлар шунчалик кўп эди-ки, менга навбат бир ойдан кейингина етиб келар эди. Эркаклиги кесилиб аёл бўлиш учун юзлаб эркак навбат кутар эди. Ёшларнинг ҳаётини захарлашди... Бахтга шу йўл билан эришишга ундашди. Жинсият ўзгартириш катта гуноҳ эканлигини билмас эдим. Билганимда ҳам, дин қариялар учун деган тамға қўйилгани учун унга бўйсунармидим, йўқми, билмайман.

Аслида ўшанда ҳеч кимни эшитмайдиган ҳолда эдим.

- Ҳа, худди аёллар бахтлидай, аёл бўлишга ишқибоз бўлиб қолибсан.

Бонунинг жаҳли чиқиб кетди:

- Сен гапларимни шунчадан бери эшитмаётган экансан-да. Мен фаҳш йўлига кириб бўлган эдим. Шифокор ҳам кейин айтди, менинг иккита жинсиятим бор экан. Бири ичкарида, бошқаси ташқарида. Операциям жуда осон ўтганини айтди. Кейин болалигимни эсладим, мен ҳам эркакларга ҳам аёлларга қизиқишим бор эди. Ўша пайтларнинг ўзида ҳам, мен бошқаларга ўхшамайман, деган фикр сингиб қолган эди.

- Жуда хавфли фикр. Болалигида кўпгина нормал инсонларда ҳам бу ҳолат кузатилиши мумкин экан. Ота-оналар шунинг учун, бу ҳақда болаларига инсонийликни тушунтириш учун етарли билимга эга бўлиши керак. Акс ҳолда бола нотўғри йўлга кириб қолади. Менинг бир дугонам бор эди. Беш ёшли бола унга ошиқ бўлиб қолган эди. Бундай пайтда, ота-она кераклича билимга эга бўлмаса, боланинг дунёси йиқилади. Ҳеч тасаввур қила оласанми? Беш ёшли бола ўттиз ёшли аёлни севиб қолишини. Майли, мавзумизга қайтайлик, кейин нима бўлди?

- Кейин операция бўлдим.

- Демак, жуфт узувлу экансан. Биласанми, буни эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Фиқҳда сенга ўхшаганларни “хунса” дейишади. Қуръон курсида ўқиётганимда ўргатишганда, “Бизга буларнинг нима кераги бор”, деб жаҳлим чиққан эди. Мана, энди тушуниб етяпман. Ҳаётда бир менгина мавжуд эмасман-ки, фиқҳ фақат менга атаб ёзилса.

- Хўш, у ерда нима деб ёзилган эди?

- Жуфт узувлу бўлиб туғилганлар, кузатилади. Қайси тарафга мойиллиги кўпроқ бўлса, шунга мослаб даволанади. Сен, балки чиндан ҳам аёл киши эдинг.

Бонуга бу эҳтимолнинг ўзи ҳам севиниб ҳайқиришига етиб ортган эди:

- Аллоҳим, қани энди мен ҳам шундай бўлсам, бу руҳиятимдан, сиқилиш, эзилишлардан қутулиб, бошқалардай яшасам. Мен тўйиб кетдим, биласанми мен жирканаман. Ҳаётимдаги эркаклардан, Фахш ишлардан ҳам жирканаман, бундан кейин фоҳишалик билан шуғулланишни истамайман.

- Қўйсангчи, Бону. Хоҳламасанг, қилмайсан-да.

- Мажбурлашса-чи, зўрлашса-чи? Бону йиғлаб гапида давом эта бошлади. – Айтчи, зўрлашса нима қилган бўлар эдинг? Ота-бола дўконига қамаб олиб, зўрласа нима қиласан? “Сен барибир фоҳишасан, бу иш учун яратилгансан” , - деб машинага солиб олиб кетишса, нима қиласан? Бир киши эмас, бир қанча кишининг қўлидан ўтсанг, нима қиласан? Айт-чи, нима қилардинг? Ҳеч ким қўлингдан тутмаса, насиҳат қилмаса... Худди бизга тавба қилиш мумкин эмасдек ҳамма биздан юз ўгирса...

Бону энди ўрнидан туриб фарёд ура бошлади:

- Менга яхшилаб қарагин, Фотима. Аллоҳ яратганга ўхшамайманми? Кўзларим, қўлларим, бурним, тишларим Аллоҳнинг асари эмасми? Нега биз тавба қилсак ҳам, Аллоҳнинг қулидай қарашмайди? Номусимизни паймол қилганларнинг тавбаси қабул бўлармиш-ку, нега бизнинг тавбамиз қабул бўлмайди? Бизни ҳам Аллоҳ яратди, Аллоҳ...

- Лекин Аллоҳ уни танимайдиган, билмайдиган қулларининг ҳолини вой қилди. Тавба қилмайдиган жинсини ўзгартирганлар шундай фикрларга имкон бериб қўйишади-да.

Бону қичқириб-қичқириб, хўнграб-хўнграб йиғлар эди:

- Хато қилдик, биламан, фахшда давом этадиганларни Аллоҳ кечирмайди. Пушаймон бўлганларнинг ҳоли-чи? Нега биз ҳақимизда ҳеч нарса дейишмайди? Биз билан на домлаларнинг иши бор, на исломшунос олимларнинг. Қўрқишади-да, номларига доғ тушиб қолади, деб ўйлашади. Ёки улар бизнинг ҳам инсон эканлигимизни ва пушаймон бўлишимиз мумкинлигини ўйлашмайди, бизга чора топишмайди? Айт-чи менга, Демет, ҳалиги... Фотима. Қани Диёнат ишлари,



қани диндор домлалар, ёзувчилар, қани давлат? Нега биз билан ҳеч кимнинг иши йўқ?! Менга намоз ўқишни бошласанг нима йўқотасан, деганингда йиғладим. Умрим давомида биринчи маротаба Аллоҳ йўлига даъват қилиндим.

Фотима ҳам хомуш оҳангда деди:

- Мен ҳам йиғладим, ўзим қилмаётган ишга сени чорлаётганим учун уялдим. Бону, жуда тез гапиряпсан. Сенга ета олмаяпман. Айтдинг-ки, ростанам аёл киши бўлсам, бу эзилишлардан қутулар эдим. Ҳалиям бўлса қутулсан, Бону. Аллоҳга қайтасан. Кўзинг Аллоҳдан бошқа ҳеч кимни кўрмаса, одамларнинг ҳар хил гап-сўзига ҳам эътибор бермайсан.

Бону яна асабийлашиб кетди:

- Сен мени эшитмаяпсанми? Мени мажбурлашади...

- Бутун вужудинг билан Аллоҳга топинсанг, сенда иффат виқори пайдо бўла бошлайди. Борадиган жойларингга эҳтиёт бўлиб борасан. Ёлғиз бормайсан. Керак бўлса қурол олиб юрасан... Яна асосий мавзудан четга чиқиб кетяпмиз. Хўш, кейин нима бўлди?

- Ҳозир нимани гапиряпман унда?

- Майли, майли... Операцияда қолган эдик. Кейин нима бўлди?

- Йўқ, жаҳлимни чиқардинг, бўлди гапирмайман.

- Жаҳлинг чиқмасин, Бону. Бу гапларни эшитиб, мен ҳам жуда хафа бўлиб кетдим. Чиндан ҳам жуда қийналган экансан.

- Ҳали нимани ҳам гапирибман. Булар қирқдан бири ҳам эмас-ку. Операциядан сўнг менга рухсат беришди. Биттаси ёнимга келиб: “Сенга иш беришимиз мумкин” – деди. “Нима иш экан?” – деб сўрадим. “Кўппакларни кўнглини хушлайсан, анча-мунча тўлаймиз”-дея мени аврашди... Аслида ундан олдинроқ ботқоққа ботиб бўлган эдим. “Ўша ишга кириб, кўп ўтмай бой-бадавлат яшайман”,- дедим. Борсам, менга ўхшаганлар ишлайдиган жой экан. Бир неча ой ўтиб, ўша ерда ишлай бошладим. Аммо кейин билсам, пул беришаётганда оз беришар, ўшаниям кўпи бошлиғимизга тегар эди. Эътироз қиладиган бўлсак, хақоратлашар, калтаклашар эди. Кўп азоб чекдим...

- Ўқиш нима бўлди?

- Қанақа ўқиш, мактабни ҳам зўрға битирдим. Асти сўрама... Вақт ўтиб ўша ишдан жирканиб, ҳозирги иш жойимни топдим. Бу ерда ҳам баъзи харидорлар гап отади, лекин мен ўрнига ўтирғизиб қўяман. Бир куни мени эски иш жойимдаги мижозлардан бири хотини ва ўғли билан ишхонамга кириб келди. Либослари, гаплашиши олий насаб қишиларга хос эди. Уни кўриб қотиб қолдим... Лекин у мени танимади. Демак, биринчи марта эмас эди. Кўзларига синовчан назар билан боқдим, юзида бир аломат сезмадим. Номуссизга шунақанги жаҳлим чиқдики, чидай олмай сўрадим:

- Мени танидингизми?

- Йўқ, сени қаердан танийман, деса бўладими?

Мен ҳам хотининг ёнида гапимда давом этдим:

- Танишингиз керак, сиз билан роса айш сурган эдик.

Хотини шок бўлди:

- Мени бировга ўхшатыпсиз, шекилли, деди.

- Йўқ. Мени олиб борган жойингизни ҳам айтишим мумкин, дедим.

У одам инкор қилиб туриб олди, лекин хотинини шубхага солиб қўйдим. Билсин. Бундай разиллар давлатнинг энг олий мақомларида ҳам ишлашади.

Ортиқ гапира олмайман. Буларнинг ҳаммаси гапириладиган нарсалар эмас. Неча йил белидан пастининг қурбонларига хизмат қилдим. Улардан жирканиб қилдим у ишни. Отам бизни оч ташлаб қўймаганда эди, бу ишлар бўлмас эди.

Бошқа ҳеч нарса гапира олмайман... Чой дамлай, телевизорни қўй-чи, нима бўляпти экан?

Фотима айвонга чиқиб, атрофга назар ташлади. Қор ёғишни бошлагани учун совуққотган эди. Ичкарига кириб курсисига ўтирди. Отаси қанчалик хақ гапни айтган эди: “Бу дунёни фақатгина Ислом қутқаради”. Одамлар исломнинг хақиқий нажоткор эканлигини тушуниб етсаларгина бу иш амалга ошади.

\* \* \*

Фотима яна хонасига қайтиб, ўзининг қанчалик ёлғиз қолганини англади. Тўғри, у ёлғиз эмасди. Оиласи бор эди. Лекин у ўзини-ўзи ёлғизлик гирдобига отган эди.

Ойша Пахлавоннинг энг яхши кўрган шеърини ўқий бошлади. Шеърдаги ҳар бир сўз у ҳақида айтилган эди гўё.

**Менинг**

**Қароқларим сўникиб кўзим тўла ёш бўлди**

**Йўлда менман адашган, ўзимни қидираман.**

**Нозик шу қўлларимни соғинч ила қучаман**

**Ахир ўзим яшайман сўнгагим орасида.**

**Ўз паришон ҳолимни кузатаман кўзгудан**

**Ойнадаги аксимга ўзим тасаллидошман.**

**Артмасам қуюлади кўзёшларим тизимга**

**Кўзларим ўзимники, ёшларимга сирдошман.**

**Тасалли бераётган бу овоз ўзимники**

**Мактуб-чун ҳозирланган бу зарфлар менга доҳил**

**Ўзини топганидан қувонган одам менман**

**Аммо хануз билмасман манзилим қайси соҳил.**

**Бўмбўш бўлган дунёда фикр менинг, сўз менинг**

**Ҳисларимни сўзлашга ожиздир қалам менинг.**

**Бу баҳайбат қоянинг омонат ёқасида**

**Титраб шавқатинг кутган ожиз бу вужуд менинг.**

\* \* \*

Posted by Family Novels at [12:15 PM](#) [0 comments](#)

[Email This](#)[BlogThis!](#)[Share to Twitter](#)[Share to Facebook](#)[Share to Pinterest](#)

**Monday, August 9, 2010**

**[Имомнинг манекен қизи \(19-qism\)](#)**

*Шундай дардлар борки,  
тасаллиси фақат иймондадир.*

Фотима чойини ичиб, хонасига кирди. Кундалигини олиб, унга ичидагини тўкмоқчи бўлди. Лекин қўйган жойидан топа олмади. Ҳамма ёқни қидириб чиққач, Бонудан сўради:

- Кундалигимни кўрмадингми?

Бону бирдан ўзгариб кетди, Фотимага қўрқув аралаш қараб:

- Вой, энди нима бўлади-я, деди.

- Нима, нима бўлади?

- Айтсам, жаҳлинг чиқади.

- Жаҳлим чиқса ҳам айт, Бону.

- Уни мен олган эдим. Ўқиётим, ухлаб қолибман, жойига қўйишни унутибман.

Фотиманинг жон-пони чиқиб кетди:

- Нима, сен менинг шахсий нарсаларимни қовладингми?! Ким сенга бундай ҳуқуқни берди?

- Хафа бўлма, ўрганиб қолибман, беихтиёр олиб ўқияпман. Биринчи марта бўлаётгани йўқ бу. Неча ойдан бери сен ёзипсан, мен ўқияпман.

- Ҳамма ёзганларимни ўқиб чиқдингми?

- Кўзёшларим билан. Шунақанги тўлқинланиб кетаманки, улар худди илм булоғидай эди. Дунёқарашим ўзгарганини сезмадингми? Сенинг китобларинг ва кундалигингни ўқиб, одам бўляпман. “Фотиманинг кундалиги” номли китоб чиқарсанг, қанча одамга фойданг теккан бўлар эди.

- Жуда жаҳлимни чиқардинг, лекин агар фойдаси теккан бўлса, майли сени кечирдим... Уни қачон ўқир эдинг?

- Имкон бўлди дегунча, ҳар доим ўқир эдим. Сизлар меҳмонхонада ўтирганингизда, хонамга кириб олиб, эшикни ичкаридан қулфлар эдим, ўқир эдим. Оилангни соғинганингни, ўрганганларингнинг сенга қанчалик фойдаси текканини, кўз ёшларингни... Ҳаммасини ўқидим. Мен ҳақимда ёзганларингни ҳам... Шунчалик гўзал ёзгансанки, сенинг ўрнингда бўлганимда ҳеч иккиланмай, уни китоб қилиб чиқарар эдим. Лекин охириги пайтлар қандайдир бошқача ёза бошладим.

- Тўғри, чунки охириги пайтлар сабр косам тўлди. Ортиқ чидай олмайман. Энди кундалигимни бергинда, бугунги ҳисларимни ҳам ёзай. Кейинроқ уни ҳам ўқиб оласан. Фотима дераза қошидаги стулга ўтириб ёза бошлади:

**“Ассалому алайкум, отажоним. Жоним онажоним ва укажоним.**

**Ҳозир соат тунги икки. Ташқарида қор ёзганми. Ҳар бир қор парчаси менга худди “нега уйингга қайтмаяпсан?” – дейтгандай туюлганми.**

*Уйга қайтгим келяпти, лекин уяляпман, дадажон. Сизларга жуда қўп азоб бердим, энди қайси юз билан борай? Юзингизга қандай қарайман? Мени деб оқарган сочларингизга, мени деб кўзёш тўккан кўзларингизга қандай қарайман? Онажоним, ўша нозли гулимнинг йиғлаган кўзларига қандай қарайман?*

***Сизларга нима дейман? Нега кетганимни сизларга қандай айтаман?"***

Йиғлай-йиғлай зўрға ухлаб қолган эди. Бомдод намози азонини эшитиб, уйғониб кетди, кийиниб айвонга чиқди. Асли қоп-қора бўлган Истамбул ёришган эди. Ҳамма ёқни қор қоплаган. Азон овози ҳам барчани саждага чорлар эди.

Фотима совуққотаётган бўлса ҳам, ичкарига кирмас эди. Ўқиган романларининг қахрамонларига ўхшатти ўзини.

Ичкарига кириб, сумкасини қидирди. Кўз ёшлари билан тирноқларини олди. Кейин тирноқларидан бўёқни ўчириб, таҳорат қилди.

- Бу йўл тўғри эмас экан, кеч бўлса ҳам тушуниб етдим, Роббим. Аввало ўзингга, кейин ота-онам, оиламга қайтаман... Мени ўзинг кечир, Аллоҳим. Сенга қайтйпман, мени қабул қил, ё Раббим...

Кейин яна сажда қилар, бироқ саждадан бошини ҳечам кўтаргиси келмас эди. Гўё жойнамозга михланиб қолгандай эди. Анча вақт намоз ўқиди, лекин бу каби ҳиссётни ҳечам ҳис қилмаган, ўзини Аллоҳга бунчалик яқин сезмаган эди.

**Рахминг истаб Рахмоним махзунман ҳузурингда**

**Лутфинг ила қабул эт, ожизангни сен қувма.**

**Оташлар орасида ёниб бўлдим, Аллоҳим,**

**Кулимни асра энди, елларингга совурма.**

**Сажданинг руҳидан лутфайла, карам айла,**

**Кечани қўй, қовуштир онгимиз кундузга.**

**Меҳрингни ҳис этмайин яшаяпмиз Сенингсиз**

**Қўлимдан тут, ташлама энди ўзимни ўзга!**

Намоздан сўнг, такрор ётоғига ётган Фотима бу сафар мириқиб ухлаб соат 11 да уйғонди. Шанба куни эди. Лайло билан Нежла ҳам уйга энди келган пайт. Нонуштага ўтиришди. Фотима уларга қарорини билдирди:

- Қизлар, бугун кетяпман. Бу охирги нонуштамиз...

Бону Фотимага қараб мўлтираганча:

- Билгандим, яқинда кетишингни билган эдим. Ёзган гапларингдан буни англаш қийин эмас эди.

Лайло ҳам бу фикрга қўшилди:

- Ҳа, мен ҳам сезгандим. Сен учун жуда хурсанд бўлдим... Лекин энди биз ёлғиз қоляпмиз.

Нежланинг фикрлари эса ўзгача эди:

- Ҳали анча ёшсан, ҳаётингни суғурталай оладиган пулни йиғиб, кейин қайтсанг бўларди.

Фотима Нежла нима демоқчи эканлигини тушунган эди:

- Нежла, ҳаётимиз суғурталанмайди. Бир кун келиб тушуниб оларсан. Пулнинг муҳим эканлигини, лекин у ҳамма нарсани ҳал қила олмаслигини сен ҳам тушуниб етарсан. Бироқ бунда кеч қолмаслигингни тилайман.

Бону нонуштасини ҳам ташлаб, деразадан ташқарига боққанча йиғлар эди:

- Бу дунёда доим ёлғиз эдим. Энди нима қиламан?

- Йўқ, бу гапни олдинроқ ҳам айтган эдим. Сизни ташлаб кетмайман. Кейин Нежлага қараб: - Агар сизларни тинч қўйишимни ўзингиз истамасангиз, - деди.

Нежла:

- Аслида мен ҳам яқинда кетаман. Сен кўп ўтмай, кўриқчидай ўраниб оласан, кўриша олмаймиз ҳам.

- Йўқ, кўриқчидай эмас, мусулмондай.

Хайрлашув пайти келган эди. Фотима барча нарсалари ва китобларини Бонуга қолдириб, деди:

- Буларни ўқи, хўпми? Тоза руҳингни булғашларига имкон берма... Отамга сен ҳақингда айтаман. Исломда сен учун албатта қутулиш чораси бордир. Ўша эшикни топиб очаману, “Бону мана бу ердан кир” дейман.

Бонунинг кўзёшлари ҳалиям тинмасди. Лайло ҳам кўзёшлари ялтиллаб:

- Сени роса яхши кўриб қолган эдик, Фотима, деди. Сени унутмайман, сен ҳам мени унутма хўпми, дугонажон? – деди кетар чоғи.

Фотима ташқарига чиққанида, Бону билан Лайло айвондан, Нежла эса деразадан қараб турар эди. Кетар экан, ортига ўгирилиб қарар, паға-паға қор остида уларга қўл силтарди. Фотима кўздан ғойиб бўлгунча унга қараб қолишди. Таксига ўтириб, тўғри кийим дўконига борди. Ўзига ҳижоб олмоқчи эди.

Дўкон соҳиби сўради:

- Кимга олмоқчисиз?

Фотима махжуб оҳангда:

- Ўзимга, деди.

- МашаАллоҳ, демак, очиқ юриб бирдан ўранишга қарор қилибсиз-да.

- Шундай деса ҳам бўлади.

- Аллоҳим қабул қилсин. Жуда яхши қиляпсиз. Қанчалик бахтлисиз-а. Шу замонга қарамай, исломий кийинишга ният қилибсиз.

Фотима Мустафа бейнинг севинганини кўриб, ўзи ғалати бўлиб кетди.

Кўк ранглисидан олиб, бошини ва елкаларини ўраб турадиган рўмол ҳам олганди. Кўзгуга қараб деди:

- Мана энди ичинг ва ташқи кўринишинг бирлашди Фотима.

\* \* \*

Ўзи яшайдиган маҳаллага келганида ич-ичидан кўз ёш тўкар маҳалла кучукларини ҳам соғинганини сезаётган эди.

Ота-онасинининг уни кўрганларида нима қилишларини ўйлар, кейин эса бошқа ёққа сургун қилинишган бўлса нима қиламан, дер эди.

Орадан йиллар ўтиб қайтган эди. Шунча йил оиласини азоблаган эди...

Кўчаларига кириши билан биринчи кўзи тушган нарса бу масжид минораси бўлди. Минорасини жуда соғинган эди. Масжид деворларини кўрганида эса таърифлаб бўлмас туйғу қуршаб олганди уни.

Секин-секин қадам ташлар эди. Ҳаяжондан қалби тўхтаб қоладигандай эди. Нима деса экан? “Дадажоним, сизни жуда соғиндим, мени кечиринг десамикан?” Онасига-чи?

Бу хаёллар билан масжид эшигига яқинлашганида оломонни кўрди. Жаноза эди. Фотимани биринчи кўрган киши Аҳмад эди. У тўхтаб, одамларга қаради. Аҳмад билан кўзлари тўқнашди.

- Аҳмад амаки, ким ўлди? – деб сўради.

- Ўлган... у сени отанг, Фотима.

Фотима қулоқларига ишонмасди.

- Ёлғон гапирманг, илтимос тўғриси айтинг у ким?

Аҳмад йиғлаб жавоб берди:

- Қанийди, ёлғон бўлса эди. Ёқуб имомим... имом.

Фотима турган жойида қотиб қолган, ҳали ҳам ўзига кела олмаётган эди.

Бир неча дақиқа тобутга қараб туриб, сўнг аста-секин тобут бошига келди-да, хўнграб йиғлаб юборди:

- Дадааааааа. Дадажон. Мен келдим... Мен хайрсиз қизингиз Фотима... қизингиз Фотимаман...

Бошини тобутга қўйганча, отасидан кечирим сўраётгандай йиғлар эди:

- Дада... Дадажон. Сиз ҳам ўлишингиз мумкин эканлигини ўйламабман. Кеч қолдим. Аввал мен сизни ёққан бўлсам, энди сиз мени ёндириб кетяпсиз. Лекин сиз ёқиб кетган олов ҳали бери сўнмайди. Йў-ў-ўқ, мен ўзимни кечира олмайман...

Ҳамма ҳайрон эди. Фотима телбаларча тобутни қучоқлар экан, Аҳмад бей яқинлашиб:

- Бўлди, ўзингни бос йиғлама, Фотима. Менимча, бу дарс сенга етарли. Аслида сени кўрганимда севинганимдан йиғлай бошлаган эдим. Лекин сендан қасос олмоқчи бўлдим. Тобутдаги отанг эмас, қўшнимиз Али амаки. Қара, даданг девор ёнида севинганидан карахт бўлиб, узоқдан сенга термулиб турибди.

**--Тамом--**